

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИнинг БУХОРО
ФИЛИАЛИ**

“УМУМКАСБИЙ ФАНЛАР ” КАФЕДРАСИ

**“ҲАЁТ - ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ”
фанидан**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тузувчи фан ўқитувчиси С.Р.Джураева

Бухоро-2015й



1-маъруза

ФАНГА КИРИШ, УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАҚСАДИ, ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Режа:

1. ҲФХ фанига кириш, унинг юзага келиш сабаблари.
2. ҲФХ фанининг мақсади ва вазифалари.
3. ҲФХ фанининг таркибий қисмлари.
4. ҲФХ фанининг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг ишлари.

1. ҲФХ фанига кириш, унинг юзага келиш сабаблари.

1990 йилнинг баҳорида Россиянинг ҳозирги Санкт-Петербург шаҳарида Бутуниттифоқ семинар – кенгаш бўлиб ўтди. Семинар – кенгашда мамлакатдаги 240 та олий мактабнинг “Меҳнат муҳофазаси” кафедралари мудирлари ва инсон фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассислар кенгашининг юқоридаги шаҳар бюроси қатнашди. Семинар – кенгашда халқ хўжалигидаги меҳнат муҳофазаси муаммолари, жароҳатланиш даражасининг юқорилик сабаблари, кадрларни тайёрлашдаги камчиликлар ва бошқа муаммолар кўриб чиқилди. Охир-оқибат, семинар – кенгашда мамлакатдаги меҳнат муҳофазасининг ҳолати, уни ташкил қилиш принциплари содир бўлаётган фалокатлар, авариялар ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга қодир эмас деб топилди.

Худди шундай салбий хулоса “Гражданлар муҳофаази” фани ва структуравий тузилмалар тўғрисида ҳам чиқарилган. Бунга сабаб, 1980 йиллар ўрталарида содир бўлган табиий фалокатлар (1988 йилдаги Арманистондаги zilзила), техносферадаги аварияларда (Чернобил атом электр станциясининг 4-блокидаги портлаш, сув ва темир йўл транспортидаги авариялар) юқоридаги структураларнинг ўта самарасиз ҳаракатлари ва бошқалар сабабчи бўлган.

Ишлаб чиқаришдаги, транспортдаги, саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги ва турмушдаги бахтсиз ҳодисалар ва фалокатлар, жароҳатланишлар, одамларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари йилдан-йилга ошиб борган. Буни 1990 йилнинг куйидаги статик маълумотларида кўриш мумкин: бир йил давомида 15 та республикада ҳаммаси бўлиб 19...20 миллион одам тинч даврда турли даражадаги тан жароҳати олган, шундан ўртача 300 минги ҳалок бўлган, ўртача 30 минги ногиронга айланган. Ҳар куни ўртача 1,5 миллион ишчи ишга чиқмаган. Йил давомида кўриладиган иқтисодий зарар 28 миллиард рублни ташкил қилган. Ишлаб чиқаришда эса ҳар йили ўртача 700 минг бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, шунда ўртача 14 минг ишчи ҳалок бўлган.

Бундай ҳолатга келишининг асосий сабаблари жуда кўп, лекин асосийлари сифатида куйидагилар кўрсатилган:

- ишлаб чиқаришда ва ҳаётда инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича таълим ва тарбия ишларининг бутунлай ташлаб қўйилгани;
- кадрлар малакасининг оширилмаслиги;

“Меҳнат муҳофазаси” фанини ўқитишни ўрта, ўрта-махсус ва олий таълим муассисаларида қисқартириш ёки бутунлай олиб ташлаш;

- ишлаб чиқарилаётган ва амалда қўлланилаётган техниканинг хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги (фақат 10 фоиз техника жавоб беради) ва ҳ.к.

Қуйидаги жадвалда эса 1986 ... 1990 йиллар оралиғида турли бахтсиз ҳодисалар натижасида ўлим юз бериш динамикаси келтирилган.

1-жадвал

Бахтсиз ҳодисалар натижасида ўлим юз бериш динамикаси

Бахтсиз ҳодиса сабаби, жароҳатлар	1986 й.	1987 й.	1988 й.	1989 й.	1990 й.
Мототранспортда	17025	18034	21561	25098	25435
Автотранспортда	19024	19757	29774	38074	40657
Транспортнинг бошқа турларида	8843	8695	9858	11542	11635
Алкоголдан заҳарланиш	19378	17491	17120	19494	24059
Заҳарланишнинг бошқа турлари	17656	17854	18339	18715	19162
Даволаниш вақтидаги бахтсиз ҳодисалар натижасида	563	682	942	851	806
Йиқилишлар	9704	9917	0	12906	13200
Оловдан	6234	6007	5310	7381	8279
Сувга чўкишлар	19947	19634	22706	22500	21479
Бўғилишлар (мех)	7482	7727	7683	7674	8027
Ўқ отиш қуроллари билан бахтсиз ҳодисалар натижасида	505	473	764	839	773
Электр токи таъсирида	3134	3124	5437	5216	4897
Бошқа бахтсиз ҳодисалар	33664	33242	56629	29896	30557
Суицидлар	52830	54105	55519	60273	60788
Қотилликлар	15926	17018	21241	27789	32066
Ишлаб чиқаришда	15175	14559	14377	14483	14135
Ҳаммаси:	247090	248326	287260	308354	325973

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида бир қатор натижа ва хулосаларни олиш мумкин.

Табийй ва бошқа турдаги фалокатлар, офатлар ва авариялар сони бутун ер юзида кўпайиб бормоқда, у 1990 йилда 1960 йилга нисбатан икки марта ошган. Жаҳонда содир бўлган умумий фалокатларнинг 55...60 фоизи кейинги 15...20 йил ичида юз берганлиги аниқланган. Бунинг устига уларнинг вайроналик келтирувчи кучи ҳам ошиб оғир оқибатларга олиб келмоқда. Масалан, “Катрина” тўфонининг АҚШ территориясига етказган зарари, Ҳинд океани ва жанубий-шарқий Осиёда содир бўлган zilзила ва цунами оқибати бунга мисол бўлади.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш жамиятининг (ВОЗ) маълумоти бўйича дунёда 1909 йилдан 1974 йилгача асаб касаллиги билан касалланиш 24 марта кўпайган.

унёда 500 миллионга яқин ногирон бўлиб, уларнинг ҳар 1/5 бахтсиз ҳод. натижасида содир бўлган.

МДХ давлатларида ҳар йили 30 мингга яқин киши меҳнат ногирони бўлади. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 1989 йилдан бошлаб жароҳатланиш даражаси мамлакатлар бўйича 4 фоизга ошган, уларнинг айримларида эса бу кўрсаткич 11-19% ва ундан ҳам юқори бўлмоқда. Бир йилда ҳар 1000 та кишига тўғри келган ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган

2-жадвал

Бир йилда ҳар 1000 та кишига тўғри келган ўлим сонининг таққослаш маълумот кўрсаткичлари

Давлатлар	СНГ	Ғарбий Европа	Шарқий Европа
Жами	11	8	12
Бахтсиз ҳодисадан	1,5	0,5	0,8
%	13,6	6,25	6,6

Юқорида келтирилган семинар – кенгаш ва “Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” деб аталувчи илмий-услубий кенгаш таъсири билан 27 апрел 1990 йилда мамлакат Давлат таълим коллегиясида “Меҳнат муҳофазасини ва граждандар мудофаасини ўқитишни қайта қуриш бўйича энг бирламчи чоралар” деган масала кўрилди. Шундан кейин, 9 июл 1990 йилда №473 буйруқ чиқарилди. Бу буйруқда олий мактаб ўқув режасига “Меҳнат муҳофазаси” ва “Граждандар мудофааси” фанлари ўрнига янги фан - “Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги”ни (ХФХ) киритиш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги ХФХ фани юқорида келтирилган иккита фанни ўз бўлимлари сифатида қамраб олади. Лекин ХФХ у фанларни инкор қилмайди, улардан воз кечмайди, аксинча уларни ривожлантиради ва уларнинг олдинги ва охириги ютуқларига таянади. Шу билан бир вақтнинг ўзида ХФХ фани янги предмет эканлигини, ва у маълум бир қоидаларнинг механик равишда қўшилиши эмаслигини эсдан чиқармаслик лозим.

2. ХФХ фанининг мақсади ва вазифалари.

Янги фаннинг диққат марказида жамият ривожланишининг олий мақсади бўлган инсон туради. Яъни, ХФХ инсон хавфсизлигини ҳаёт кечириш ва фаолият кўрсатишнинг барча соҳаларида таъминлаш муаммоларини ўрганади.

“Меҳнат муҳофазаси” инсон учун ишлаб чиқаришда хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш масалалари билан шуғулланган бўлса, “Граждандар мудофааси” фани эса фавқулодда ҳолатларда инсон хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганган. Инсонга меҳнат фаолияти жараёни вақтида фақат ишчи кучи сифатида, фавқулодда вазиятлар вақтида қутқариш объекти сифатида қарамаслик керак, балки у фаолият турининг қайси бир шакллари билан шуғулланмасин доим кадр-қимматга эга бўлиши керак. Инсон ҳаётининг катта бир қисми, турмуш ва ҳаётнинг бошқа соҳалари олдинги фанлар диққат эътиборидан четда қолган (-расм). Шу сабабли бу соҳада, юқорида келтирилган статик

Мумоҳотлардан кўринадики, жуда кўп бахтсиз ҳодисалар содир бўлган. ҲФХ фанлари бу камчиликни бартараф қилади.



1-расм. “Мехнат муҳофазаси”, “Гражданлар муҳофааси” ва ҲФХ фанларининг фаолият кўрсатиш соҳалари

Демак, ҲФХ инсон жамиятининг ҳамма ҳолатларидаги хавфсизлик шароитлари билан қизиқади ва ўрганади. Бошқача қилиб айтганда ҲФХ “Мехнат муҳофазаси” ва “Гражданлар муҳофааси” фанларига қараганда кенг ва универсалдир. ҲФХ фани юқоридаги иккита фанни ўз таркибий қисми сифатида қамраб олади, лекин уларни инкор қилмайди, аксинча улар эришган ютуқларга таянади.

ҲФХ фани хавф-хатарни ва ундан ҳимояланиш йўллариини ўрганадиган илмий фандир. У фан ва техника ривожланишининг мантикий асосида вужудга келади.

ҲФХ фани қуйидаги учта ўзаро боғлиқ масалани ечади:



1. Хавф-хатарларни идентификациялаш (яъни уларнинг сонли характеристикаларини ва координаталарини аниқлаш).
2. Фойда ва чиқимни солиштирган ҳолда хавф-хатардан ҳимоялаш.
3. Бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф қилиш (қолдиқ таваккал концедиясидан келиб чиққан ҳолда).

ҲФХ инсонларни фаолиятнинг бошқа соҳаларида ҳам хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларнинг юзага келишининг олдини олиш ва салбий оқибатларини тугатиш борасида тадбирлар ишлаб чиқишга ўргатади.

ҲФХ фанининг мақсади ишлаб чиқаришда қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиш, фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш, ҳамда экстремал вазиятларда тўғри ҳаракат қилишлари учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш ва ўргатишдан иборатдир.

ҲФХ фани ўз мақсадига эришиш учун талабаларни қуйидаги асосий масалаларни ечишга ўргатиш вазифаларини белгилаган:

- хавф-хатарларни идентификациялаш, яъни уларнинг сонли характеристикасини ва координаталарини аниқлашга;



- хавфсизликни таъминлаш принциплари, услублари ва воситаларини таҳқиқ қилишга ва уларни амалда қўллаш билишга;
 - фаолиятнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалаш услубларига;
 - фаолият хавфсизлигини атроф-муҳит экологияси ва инсоннинг физиологик ва психологик ҳолати кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга ва лойиҳалашга;
 - ҳаёт-фаолият хавфсизлиги бўйича асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, ўрганиш ва амалда қўллаш билишга;
 - фаолият хавфсизлиги шароитларини яратишда мансабдор шахсларнинг вазифалари ва жавобгарликларига;
 - жароҳатланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш услубларига;
 - хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг юзага келишининг олдини олиш усулларига;
 - зарарсиз иш шароитини таъминловчи умумий ва шахсий ҳимоя қилиш услуб ва воситаларига;
 - электр қурилмалари, машина ва механизмларни ишлатганда, техник хизмат кўрсатганда ва таъмирлашда қўриладиган асосий техника хавфсизлиги талабларига;
 - ёнғин чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш ва ўчиришнинг ташкилий ва техник воситаларига;
 - фавқулодда вазиятлар турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини таҳлил қилиш услубларига;
 - фавқулодда вазиятларда инсонлар ва моддий бойликларни сақлаш ва қутқариш принциплари, услублари ва воситаларига қўллаш билишга;
- ҲФХ фанига ўқитиш талабаларнинг умумтаълим ва махсус фанлардан олган билими, малакаси, савияси, кўникмаси ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.
- ҲФХ илмий фан сифатида ўзининг назарияси, методологияси ва методларига эга. ҲФХнинг методологик базаси тизимий (системали) таҳлилдир. Шу сабабли ҲФХ юқоридаги масалаларини ечишда фақат ўз назария ва услубларидан фойдаланибгина қолмай, балки бошқа фанлар – математика, физика, одам физиологияси, инженерлик психологияси, экология, эргономика, экономика ва бир қатор техник фанлар ютуқларидан ҳам фойдаланади.


3. ҲФХ фанининг таркибий қисмлари.

Юқорида келтирилган ечилиши лозим бўлган вазифаларга мос равишда ҲФХ қуйидаги 4-та таркибий қисмга бўлинади:

1. ҲФХнинг назарий асослари.
2. ҲФХнинг табиий аспектлари.
3. Ишлаб чиқаришда ҲФХ, (меҳнат муҳофазаси).
4. Фавқулодда вазиятларда ҲФХ.

Бу таркибий қисмлар бир – бири билан узвий равишда боғланган.

4. ҲФХ фанининг ривожланишига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг ишлари.



Инсоният жамияти ривожланиши тарихининг энг дастлабки босқичлари, бошлаб фаолият олиб бориш шароитларига эътибор қаратилган, шу жумладан инсон соғлиғини сақлаш масалалари ҳам кўрилган.

Инсон фаолиятининг турли соҳаларида хавфсизлик масалаларини ўрганган буюк шахслар ва олимлардан қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

- Аристотел (бизнинг эрамиздан олдинги 384-322 йилларда яшаган), Гиппократ (эрамиздан олдинги 460-377 йилларда яшаган) ва бошқа олимларнинг асарларида меҳнат шароити масалалари ўрганилган.

- Тикланиш даврининг буюк табиби Парацельс (1493-1541) ўзининг асарларида тоғ ишлари билан боғлиқ бўлган хавфларни ўрганган. Қуйидаги “Бор бўлган ҳамма нарса захар ва бор бўлган ҳамма нарса доридир. Фақат битта дозаси моддани захарга ёки дорига айлантиради” деган фикр унинг қаламига мансуб. (Меъёрлаш принципи юқоридаги фикрдан келиб чиқмаганмикин?)


- Немис врачлари ва металлурги Агрикола (1494-1555) ўзининг “Тоғ ишлари тўғрисида” деб номланувчи асарида меҳнат муҳофазаси масалаларини баён қилган.

- Италиялик врач Рамаццини (1633-1714) касбий гигиенага асос солган, у “Хунармандлар касалликлари” деган китобини ёзган.

- Рус олими М.В. Ломоносов (1711-1765) тоғ ишларида меҳнат хавфсизлиги бўйича асос бўлувчи асарларини ёзган.

XIX асрда саноатнинг жадал ривожланиши билан хавфсизлик муаммолари билан шуғулланувчи бир қанча кўзга кўринган олимлар пайдо бўлишди: Д.Л. Кирпичев (1845-1913), А.А. Пресс (1857-1930), Д.П. Николский (1855-1918), В.А. Левицкий (1867-1936), А.А. Скочинский (1874-1960), С.И. Каплун (1897-1943) ва бошқалар. Техносферанинг хавфсиз ривожланиш муаммоларига академик В.А. Легасовнинг асарлари бағишланган.

Ҳозирги вақтда ҳаётда ва ишлаб чиқаришда хавфсизлик масалалари муаммоларини ўрганишга О.Н. Русак, А.В. Луковников, В.С. Шкрабак ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

**Режа:**

1. Фаолият ва меҳнат. Фаолият жараёни модели ҳақида тушунча.
2. Хавфга боғлиқ асосий тушунчалар ва таърифлар.
3. Сабаб ва оқибат.
4. ҲФХ аксиомаси.

1. Фаолият ва меҳнат. Фаолият жараёни модели ҳақида тушунча.

Файласуфларнинг фикрича, инсонга берилиши керак бўлган энг тўғри таъриф бу “Номо agents”дир, яъни ҳаракат қилувчи, ёки фаолият кўрсатувчи одамдир.

Онгли равишда маълум бир мақсадга, натижага эришиш учун қилинган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни **фаолият** деб қараш мумкин.

Юқоридаги тасдиқдан келиб чиқадики, фаолиятни фақат инсонгина ўз онги ва тафаккури маҳсули сифатида олиб бориши, кўрсатиши мумкин. Айнан фаолият инсонларни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб туради, яъни фаолият ўзига хос хусусиятга эга бўлган активликнинг инсоний шаклидир. Бунинг оқибати ўлароқ фаолият инсонлар жамияти мавжуд бўлишлигининг энг зарур шартлардан биттаси бўлиб юзага чиқади.

Фаолиятнинг олий шакли **меҳнатдир**, чунки фақат меҳнат туфайлигина инсониятнинг барча моддий, маънавий ва бошқа турдаги бойликлари яратилади.

Фаолият ва меҳнатнинг шакллари хилма - хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади.

Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин. Булар бир-бири билан тўғри ва қайтма (тескари) алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир (2-расм).



2-расм. Фаолият жараёни модели (“инсон – муҳит” тизими).


Қайтма алоқалар моддий дунёнинг реактивлик хусусиятига, яъни таъсирга нисбатан қарши таъсир кўрсата олиш умумий қонуниятларига асосланган. «Инсон - муҳит» тизими икки мақсадлидир:

- биринчи мақсад - маълум бир натижага, самарага эришишдан иборат;
- иккинчи мақсад - юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз оқибатларни (инсон томонидан муҳитга нисбатан ва муҳит томонидан инсонга нисбатан) бартараф қилишдан иборатдир.

Инсон томонидан бирор бир фаолият тури олиб борилганда биринчи мақсаддан ташқари иккинчи мақсад ҳам ҳар доим кўзда тутилган бўлиши керак. Акс ҳолда кўнгилсиз оқибатлар юзага келади.

2. Хавфга боғлиқ асосий тушунчалар ва таърифлар.


Инсоннинг муҳитга, муҳитнинг эса инсонга қарши таъсир кўрсатиши оқибатида кўнгилсиз оқибатлар юзага келади. Кўнгилсиз оқибатларга қуйидагилар кириши мумкин: инсон ҳаётига хавф солиниши, соғлигига жисмоний жиҳатдан зарар етказишлар (турли даражадаги жароҳатланишлар) соғлиқга психофизиологик жиҳатдан зарар етказишлар, ёнғинлар, портлашлар, бузилишлар (авариялар), фалокатлар (катастрофалар), муҳитдаги экологик бузилишлар ва бошқалар. Бу кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодиса, таъсир ва бошқа жараёнлар - **хавфлар** деб аталади (3-расм).



3-расм. Фаолият жараёни моделида “хавфсизлик”ни таъминлаш муаммосининг юзага келиш босқичлари.

2.1. Хавф тушунчаси.

Хавф – ҳаёт-фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчасидир.



Маълум бир шарт-шароитларда инсон ҳаёти ва соғлиғига тўғридан-тўғри билвосита зарарли таъсир қилувчи ҳодиса, воқеа, жараёнлар, объектлар ва бошқаларга хавф деб айтилади.

Ҳар қандай энергияга, кимёвий ва (ёки) биологик фаол ташкил қилувчиларга эга бўлган, ҳамда параметрлари инсон ҳаёт - фаолият кечириш шароитларига тўғри келмайдиган кўрсаткичларга эга бўлган ҳар қандай тизим хавф туғдиради.

Хавфлар **яширин (потенциал)** ва мавжуд, **юзага келган (реал)** турларга ажратилади. Потенциал хавф амалга ошиши, яъни реал хавфга айланиши учун **“сабаблар”** деб аталувчи шароитлар зарурдир.

Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир: ҳаётга таҳлика солиш, соғлиққа зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашиши.

Таҳлилнинг мақсадига кўра хавфни характерловчи белгилар сони кўпайиши ёки камайиши мумкин. Юқоридаги хавфга берилган таъриф мавжуд бўлган стандарт тушунчаларни (хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари) ўзига қамраб олувчи, ҳамда фаолиятнинг ҳамма турларини ҳисобга олувчи жуда салмоқли тушунчадир.

2.2. Хавфсизлик тушунчаси.

Хавфсизлик - бу фаолиятнинг шундай бир ҳолатики, бунда маълум бир эҳтимоллик билан хавфларнинг юзага келиши бартараф қилинган бўлади.

Хавфсизлик бу инсонлар ўз олдига қўйган мақсаддир. ҲФХ эса мақсадга, яъни хавфсизликга эришишнинг воситаси, йўли ва усулидир.

2.3. Хавфлар таксономияси.

Хавфлар таксономияси - хавфларни маълум бир белгиси бўйича классификациялаш, синфлаш ёки гуруҳлашдир. Хавф кўп белгиларга эга бўлган мураккаб иерархик тушунчадир. Модомики шундай экан, фаолият хавфсизлиги соҳасида илмий билимларни ташкил қилишда, хавфларнинг табиатини чуқур аниқлашда ва билишда хавфларни таксономиялаш муҳим роль ўйнайди.

Хавфлар ҳозирги вақтда қуйидача таксономия қилинган:

а) Келиб чиқиш табиатига кўра:

- табиий;
- техникавий;
- антропоген (инсон билан боғлиқ);
- экологик;
- аралаш (иккита ва ундан ортиқ).

б) Расмий стандарт бўйича:


- физик;
- кимёвий;
- биологик;
- психофизиологик.

в) Салбий оқибатларининг юзага келиш вақтига кўра:

- импульсив (бирданига, тез);
- кумулятив (секин, тўпланиб, кейин, йиғилувчи).

г) Ўрни, жойи, локализацияси (чегараланиши) бўйича:

- литосферадаги;



- гидросферадаги;
- атмосферадаги;
- космосдаги.

д) Келтирадиган зарарига кўра:

- ижтимоий;
- иқтисодий;
- техник;
- экологик ва бошқа.

е) Келиб чиқиш соҳасига кўра:

- турмушдаги;
- спортдаги;
- йўл – транспортдаги;
- ишлаб чиқаришдаги;
- ҳарбий соҳадаги ва бошқа

ё) структураси, тузилишига кўра:

- содда, оддий;
- ҳосила (оддийларнинг таъсирида ҳосил қилинган).

ж) Инсонга таъсир қилиш характерига кўра:

- фаол (актив);
- суст (пассив), улар энергия таъсирида активлашади.

з) Олиб келувчи оқибатига кўра:

- толиқиш;
- касалланиш;
- жароҳатланиш;
- фалокатлар;
- ёнғин;
- ўлим хавфи ва бошқа.



2.4. Хавфлар номенклатураси.

Хавфлар номенклатураси - маълум белгисига кўра хавфларнинг тизимлаштирилган номи, тушунчалари рўйхатидир. Ҳозирги вақтда хавфлар номининг биринчи ҳарфи бўйича алфавит тартибида номенклатура қилинган. Хавфлар номенклатурасининг бир қисми куйидагича:

Ажал, аланга, алкоголь, бузилиш, вакуум, вулкон, ваҳима, газ, гербицид, даҳшат, дард, динамик зўриқиш, емирилиш, ёмғир, ёнғин, зўриқиш, заҳар, зилзила, ифлосланиш, ичкилик, касаллик, камчилик, куйиш, лой, лат емоқ, лойқаланиш, лазер нурлари, магнит майдони, момақалдироқ, метеоритлар, микроорганизмлар, намланиш, пульсация, пасайиш, радиация, резонанс, соғаймоқ, сақланиш, сирпаниш, тебраниш, ток уриши, тоймоқ, узилиш, урмоқ, ультратовуш, ҳужум, хавф, чарчаш, шамол, шовқин, электр токи, электр майдони, яхмалак, ядро.

Аниқ, мақсадли илмий изланишлар олиб борилганда ҳар бир алоҳида объектлар учун (ишлаб чиқариш, цехлар, иш жойлари, жараёнлар, касблар ва ҳ.к.) хавфлар номенклатураси тузилади.

2.5. Хавфлар квантификацияси.



Хавфлар квантификацияси - мураккаб тушунча бўлган хавфларни баҳолаш сифат жиҳатдан аниқлаш учун сонли тавсифларни жорий қилишдир.

Амалда квантификациянинг сонли, балли ва бошқа усуллари қўлланилади. Хавфларни квантификация қилиш учун, яъни сонли баҳолаш учун “таваккал” (риск) тушунчаси киритилган.

2.6. Хавфларни идентификациялаш.

Хавфларни идентификациялаш – хавфларни идентификациялаш деганда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган олдини олиш ва тезкор тадбирларни амалга ошириш учун хавфларнинг зарур ва етарли бўлган миқдорий (сонли), вақтий, фазовий ва бошқа тавсифларни топиш, аниқлаш ва белгилаш жараёни тушунилади.

Идентификация жараёнида аниқ масалаларни ечиш учун муҳим бўлган хавфлар номенклатураси, хавфларнинг содир бўлиш эҳтимоллиги, фазовий локализацияси, яъни юзага келиш жойининг координаталари, кўриладиган тахминий зарар ва шунга ўхшаш кўрсаткичлар аниқланади.

3. Сабаб ва оқибат.

Потенциал (яширин) хавфларни юзага келтирувчи шароитлар **сабаблар** дейилади. Бошқача қилиб айтганда, сабаблар у ёки бу кутилмаган оқибатлар ва зарарларни келтириб чиқарувчин хавфлар пайдо бўлишига олиб келадиган турли вазиятлар тўпламини характерлайди.

Хавф, сабаблар ва оқибатлар бахтсиз ҳодиса, фавқулодда ҳолат, ёнғинлар ва бошқа кўнгилсиз оқибатларнинг асосий кўрсаткичларидир. “Хавф - сабаб - кўнгилсиз оқибат” – учлиги бу ривожланишнинг логик жараёни бўлиб потенциал хавфни мавжуд. Яъни реал хавфга олиб келади. Асосан, қоида бўйича, бу жараён бир неча сабабларни ўз ичига олади, яъни у кўп сабаблидир.

Хавф кўнгилсиз оқибатга (воқеага) ҳар хил сабаблар билан айланиши мумкин. Шунинг учун бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш асосида сабабларни кидириб топиш ётади. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин:


Заҳар (хавф) - хато (сабаб) - заҳарланиш (кўнгилсиз оқибат).

Электр токи (хавф) - қисқа туташув (сабаб) - куйиш (кўнгилсиз оқибат).

Ичимлик (хавф) - кўп ичиш (сабаб) - ўлим (кўнгилсиз оқибат).

4. ХФХ аксиомаси.

Ҳар қандай фаолиятнинг потенциал хавфга эга эканлиги ҳақида аксиома – Инсоният тажрибаси шуни кўрсатадики фаолиятнинг ҳар қандай турида потенциал хавф мавжуддир. Демак, фаолиятнинг ҳеч қандай бир турида мутлоқ (абсолют) хавфсизликка эришиб бўлмайди. Бу тасдиқ аксиома характериға эга. Бу аксиоманинг методологик ва эвристик аҳамияти жуда каттадир.



ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ЭРГОНОМИК АСОСЛАРИ

Режа

1. Эргономика ҳақида тушунча.
2. Асосий эргономик вазифаларнинг синфланиши.
3. Машинанинг бошқариш қисмлари ва воситалари.
4. Эргономиканинг асосий жихатлари.

Эргономика илмий фан бўлиб, у техника, психология, физиология ва гигиена фанларининг бирикишидан пайдо бўлган, Унда анатомия, биомеханика, токсикология, антропометрия ва биофизика фанларининг маълумотлари қўлланилади.

Эргономика меҳнат жараёнларида қулай (оптимал) шароитларни яратиш мақсадида инсоннинг функционал имкониятлари ва афзалликларини ўрганади. Бунда меҳнат юқори унумли ва ишончли бўлади, ҳамда интеллектуал ва физик ривожланишга янги имкониятлар очади. Бошқача қилиб айтганда инсон характеристикалари билан муҳит характеристикалари ўртасида маълум келишувчанлик ҳақида сўз боради. Албатта бунда ақлга яраша ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг айрим масалалари ечилади. Лекин бу соҳа билимларини бир-бирига тенглаштирмақ тўғри келмайди. Қисман, эргономика техникани инсонларга мослаштиришга интилади, аммо бу масала ҳар доим ҳам ечилавермайди. ХФХ эса инсонни техникага мослаштириш муаммоларини кўради.


Эргономика - бу меҳнат қонуниятлари ва ишчи жараёнлар ҳақидиги фандир. Эргономика тушунчаси грекча: *ergon* - иш ва *nomos* - қонун деган сўзлардан келиб чиққандир.

Эргономика сўзини биринчи бўлиб, 1875 йили ўзининг, “Эргономика жихатлари, яъни меҳнат ҳақидаги фан” деган ишида поляк олими Ястшембовский таклиф қилган.

Янги илмий фанни яратиш ғояси бошида 1921 йилда Совет олимлари Бехтерев В.М. ва Мясиев В.Н.лар уни “эргология” кейин “эргонология” деб аташни таклиф қилишган.

1949 йилда Англияда янги илмий фанни яратиш учун фаннинг ҳар хил соҳаларидан бир гуруҳ мутахассислар бирикканларида эргономика тушунчаси қабул қилинди. Бу тушунча аста-секин кенг тарқала бошлади, наинки у билан биргаликда бошқа таърифлар ҳам ишлатилаб келинди; мисол: инсон инженерияси, инженерлик психологияси, “инсон-машина” системасини изланиш, инсон омилларини ёки қисқача инсон омиллари каби тушунчалар.

Эргономика техника ривожланишининг маълум этапи (босқичи) да пайдо бўлган бўлиб, ишлаб чиқаришда муҳим муаммоларни ечишда зарур шарт-шароитдир. Янги жихоз ва унга тўғри келган ишлаб чиқариш муҳитини лойиҳалашда содир бўладиган кўпчилик саволларни фақат соғлом фикр асосида ечиш мумкин бўлмаганда эргономикага мурожаат қилинади. Айрим янги машиналар намунасини синаш ва фойдаланиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида конструктор ва инженерларимиз шунга ишонадиларки, инсон организмисиз машиналарга бўлган илмий асосланган талаблар балки энг такомиллашган техник ечимлар ҳам етарсиз даражада самаралидир. Бу шундай



тунтириладики, машиналарнинг конструкцияси инсоннинг функциясини эҳтиёжларига мос келмаслигидир.

Демак эргономика “инсон-машина-ишлаб чиқариш- мухит” системасини ўрганади.

Эргономика фанининг мақсади - машина ва ишлаб чиқариш қуроллари ўлчам (параметр) ларини, ҳамда “ишлаб чиқариш мухитини инсон эҳтиёжларига мослаштиришдир, яъни меҳнат жараёнларини меъёрлаш (оптималлаштириш) ва ҳамма кўнгилсиз ишлаб чиқариш омилларини бартараф қилиш ёки максимал камайтиришдан иборатдир.

Асосий эргономик вазифаларнинг синфланиши

Ишлаб чиқаришда ечиладиган асосий эргономик вазифаларни қуйидаги тартибда синфлашимиз ва турларга бўлишимиз мумкин:

1. Психологик юкланишни камайтириш

- назарат тизимларини автоматлаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини стабиллаштириш;
- иш хавфсизлигини таъминлаш;
- жиҳозлар ишининг ишончлилигини таъминлаш;
- меъёрий даражагача маълумотлар ҳажмини камайтириш;
- созлаш ва назоратнинг қўллай (рационал) тизимларини ташкил қилиш;
- назорат ва созлаш тизимларини марказлаштириш.

2. Шинам ишчи мухитини тахмиллаш

- шинам хаво иқлимини ва ёруғлигини яратиш;
- шовқин ва титрашга қарши кураш тадбирлари;
- ишлаб чиқариш зиддиятини яхшилаш.

3. Ишнинг қулайлигини таъминлаш- бунда қулай - бўлган жиҳоз, мебел, асбоб, махсус кийимларни яратиш ва ишлатиш, ҳамда жиҳозларни бадий конструкциялашни яхшилаш киради.


4. Ишлаб чиқаришни рационал ташкил қилиш

- жиҳозларни рационал жойлаштириш;
- ишчи зонани тўғри ташкил қилиш;
- ташиш ва ўтиш ишларини камайтириш;
- ишлаш ва дам олишни тўғри ташкил қилиш;
- маиший хизмат қилишни тўғри ташкил қилиш.

5. Кадрлар билан ишлаш - бунга касбий-танлаш, инструктаж ўтказиш, тажриба алмашиш, касбий ўқитиш ва малака ошириш киради.

6. Физиологик юкланишни камайтириш

- жараёнларни механизациялаш ва автоматизациялаш, ҳамда янги жиҳозларни яратиш;
- иш жойини тўғри ташкил қилиш;
- ишчи зонани тўғри таъминлаш;
- рационал харакатланишни танлаш;
- бошқариш қисмларини тўғри танлаш ва жойлаштириш;
- бошқаришни марказлаштириш.



Машинанинг бошқариш қисмлари ва маълумотларни акс эттирувчи воситалар

Маълумотларни акс эттирувчи воситалар МАЭВ ишлаб чиқариш жараёнининг, ҳамда алоҳида қисм ва механизмлар иш режимининг бориши ҳақида маълумотлар қабул қилиб туриш учун хизмат қилади. Бу воситалардан инсон агар технологик жараёни бевосита ўзи кузата олмаганда ёки унинг сонли ва сифатли ҳолатини мустақил баҳолай олмаганда фойдаланади. Оператор сезги аъзоларига таъсир қилишга қараб МАЭВ қуйидаги: визуал, акустик ва тактил турларга бўлинади.

МАЭВ ларга қуйидагилар ёзувли ёки символли тахтани ёритувчи чўғланувчи лампалар, стрелкали-шкалалар ўлчов асбоблари, ҳар хил кўрсаткичлар, ҳисоблагичлар, овозли оҳанглар, сиреналар, экранлар, схемалар ва ҳакозолар киради. Улар ўз принципига кўра қуйидаги “ҳа-йўқ” деган маълумотни бериши мумкин (яъни машина ишляпти ёки йўқ; бирорта ўлчам меъёрида ёки йўқ), баъзан ўлчамнинг сонли ўзгаришини кўрсатади.

Товуш сигналлари авария (800-5000 Гц частота, товуш босими даражаси 90-100 дБ оралиқларда), огоҳлантирувчи (200-80 Гц, 80-90 дБ) ва хабар беруви (200-400 Гц, 30-80 дБ) сигналларни бериш учун ишлатилади.

Огоҳлантирувчи ва авария сигналлари узиловчан қилиб амалга оширилади ва алоҳида сигналларнинг эшитилиш узунлигига тенг ва улар оралиғидаги интервал камида 0,2 секундгача бўлади. Сигнал товуш босимининг даражаси ишлаб чиқариш жараёни шовқин даражасидан камида 10-16 дБ га баланд бўлиши лозим. Тракторларда товуш сигналининг даражаси трактор шовқинидан камида 6 дБ га кабинасида ва трактордан 1 метр масофада 8 дБ га баланд бўлиши керак.

Эргономика бошқариш турадиган пост (жой)ни рационал ташкил қилиш умумий принциплари ва уларда асосий ва қўшимча жиҳозларнинг жойлашишини белгилайди. Бу масалалар туркумига бошқариш жойининг ташқи безатилиши (масалан, алоҳида қисм ва деворларнинг бўялиши) психологик, физиологик - гигиеник ва эстетик талабларни ҳисобга олган ҳолда.

Автоматлашган бошқариш тизимларида оператор иш жойининг асосий элементларига панел киради. У шундай жойлашиши керакки, ундаги асбобларнинг юза текислиги оператор қараш чизиғига перпендикуляр бўлиши керак. Бошқариш пультадаги бошқариш қисмлари қулай ва қўл ета оладиган бўлиши лозим. Пультанинг умумий баландлиги пол сатҳидан кўпи билан 120 см баландликда бўлиши керак.

Унда ёзувлар учун 10x20 см дан 30x40 см.гача ўлчамдаги текислик ажратилади. Оёқларнинг эркин жойлашиши ва ҳаракатланишига баландлиги - 63 см, кенглиги 50 см ва чуқурлиги 45 см бўлган бўшлиқ кўзда тутилади. Пультада ҳаракатнинг энг қулай зонаси 70 см билан чегараланади.

Бошқариш қисм (орган)лари бошқарилаётган - таъсирни инсондан машинага узатиш: уни ҳаракатга келтириш, ишчи қисмларни тўхтатиш, талаб қилинган иш режимини белгилаш, маълумотларни киритиш ёки олиш ва ҳакозо вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Бошқариш қисмлари юритувчи элемент ва ижро қилуви қисмлардан иборат. Шундан юритувчи элементларга энг қаттиқ эргономик талаблар қўйилади.

Бошқариш қисмларининг конструкцияси инсоннинг ҳаракатланувчи аппаратига мос бўлган рухсат қилинган ва меъёрий юкланиш ва унинг антропометрик



хат-хоббистикаларига биноан бошқаришни амалга оширишда зарур аниқлик ҳаракат тезлигини тез аниқлашни таъминлаши лозим.



Бошқариш қисмлари қўл ва оёқ орқали бошқариладиган қилиб ишланади. Қўл билан бошқариш анча аниқ бўлиб, оёқ орқали бошқаришга нисбатан устун туради. Бошқариш қисмлари кўп бўлганда ёки уларни катта куч билан ишлатганда қўлларни озод қилиш учун оёқ юритмалари қўлланилади. Бошқариш қисмларининг юритувчи элементларининг шакли ва ўлчамлари қўл билан ушлаганда ишончли ва тоймайдиган бўлиши, уларнинг материаллари захарсиз, ҳамда зарур ҳолатларда иссиқлик - электр ўтказмайдиган бўлиши керак.

Қўл билан бошқариш қисмлари шундай жойлашиши керакки, бунда оператор қўллари 90-135° бурчакка букилган ҳолда уларни бемалол силжита олсин. Бошқариш педаллари оператор гавдасининг кўндаланг ўқиға яқин жойлаштирилади (100мм дан катта бўлмаган қияликда). Педаллар орасидаги масофа иккала оёқ учун 200-400 мм бўлиши, ҳамда тоймайдиган қилиб ясалган бўлиши керак.

Бошқариш қисмлари қўл ёки оёқ оғирлиги остида тасодифан қўшилиб қолиш эҳтимолини камайтириш учун улар етарли даражада қаршилиққа эга бўлиши керак.

Бошқариш қисмларини ҳаракатга келтиришга сарфланадиган куч ҳаддан ташқари кўп ёки кам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда у операторнинг жисмоний толиқишига ёки ҳаракат аниқлигининг йўқолишига олиб келади. Қўлда кўп ишлатиладиган қисмлар минимал кам куч билан бошқарилиши керак.

Қуйидаги жадвалда бошқариш қисм (орган)ларига қўйиладиган оптимал куч қийматлари келтирилган.



Бошқариш орган органларига қўйиладиган куч катталиги

Б	Бошқариш қисмлари	Куч катталиги,
	Даста: Меъёрий Максимал	20-40 100
	Кнопка, тумблер, қўшгичлар: енгил тури оғир тури	1400-1600 6000-12000
	Оёқ педаллари: Кам ишлатиладиган	300 гача
	тез-тез ишлатиладиган	20-50
	Қўлда бошқариш дастак (ричаг)лари учун: даврий ишлатиладиган тез-тез ишлатиладиган	120-160 20-40

Бошқариш қисмлари ва маълумотларни акс эттирувчи воситалар дархол сезиладиган ва тез топиладиган жойда ўрнатилган бўлиши лозим. Бунинг учун уларга ёки улар жойлашган ерда тушунтириш ёзувлари ёки маъноли символлар келтирилиши, ҳамда уларни ҳар хил ўлчам, шакл ва рангларда ишланиши лозим.

Оператор иш жойини ташкил қилиш

Иш жойи - бу инсон меҳнат фаолиятини амалга оширишга “инсон-машина - ишлаб чиқариш мухити” тизимида маълумотларни акс эттириш воситалари, бошқариш қисмлари ва ёрдамчи жихозлар билан жихозланган жойдир. Иш жойлари якка ва коллектив турларга бўлиниб - тикка, ўтириб ва тикка-ўтириб ишлашга мўлжалланади.

Эргономика иш жойларини лойихалашга талабларни ифодалаб беради. Асосий ва қўшимча ҳаракат зоналарини аниқлайди, тегишлича полдан баландик бўйича, симметрия ўқидан фронт бўйича жихозларнинг жойлашиш зоналарини аниқлаб беради.

Одам ҳар хил ишчи ҳолат (тик, ўтирган, ётган ва энгашган) ларининг оптимал ва чегаравий ўлчамларини аниқлаш учун иш жойини рационал ташкил қилишда ишлатиладиган зарур антропометрик маълумотлар системалаштирилади.

Ишнинг ва ишчи ҳолатларнинг характериға боғлиқ ҳолда ҳар хил турдаги ишчи столлар ва ўриндикларни конструкциялаш бўйича умумий тавсиялар яратилади.

Иш жойини режалаштириш ва жойлаштиришда қуйидаги принципларга амал қилиш тавсия қилинади: бошида тўлиқ режалаштириш, кейин қисмларини, олдин оптимал ҳолда, кейин амалий рухсат қилинганини; иш жараёни ва жихозни режалаштиришга ягона тизим талаблари билан ёндошиш.

Иш жойини лойихалашда антропометрия маълумотларини ҳисобга олиш муҳимдир. Эргономика бўйича манбааларда махсус таъкидланадики, конструктор ўзининг антропометрик ва психофизиологик характеристикаларини бошқа одамлар



Ҳам наъмунавий деб қарамаслиги ва шу асосда нарсаларни лойиха-жараёнини ташкил қилмаслиги керак.

Фақат инсон танаси ўлчамлари ва аъзолари ҳақида, унинг ёши ва жинси ўрганилган ҳолда кенг тўпланган системали танланган маълумотларни жалб қилганда ўлчам стандартларини лойихалаш учун мустаҳкам илмий база бўлиши мумкин.


Иш жойини ташкил қилишда қуйидагиларни таъминлаш мақсадча мувофиқ:

- операторнинг энг маъқул ишчи ҳолати (тик ёки ўтирган ҳолда);
- муҳимлиги ва кўриш майдони доирасида фойдаланиш жадаллигига қараб бошқариш қисмлари ва индикаторларини рационал жойлаштириш;
- операторга ҳаракатланиш ва силжишда етарли эркинлик берилиши;
- иш жойи элементларининг энг яхши кўриниши;
- инсоннинг антропометрик, физиологик, ва психологик характеристикаларининг иш жойи конструкциясига мослиги;
- машинадан келаётган маълумотлар тезлиги ва ҳажмининг инсон томонидан қабул қилиш ва ишлов бериши имкониятларига мослиги;
- операторларнинг иш вақтида қисқа муддатли дам олишлари учун шароит бўлиши;
- ишловчиларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан химоя қилиш.


Иш жойи ўзида маълумот (МАЭВ жойлашган фазо) ва мотор (бошқариш қисмлари жойлашган фазо) майдонларини ташкил қилади.

Маълумот майдонида бир-биридан фарқли учта зона мавжуд: биринчи зонада - кўрсаткичларни аниқ ва тез ҳисоблаш талаб қилинган МАЭВ жойлашган (расмга қаранг); иккинчи зонада - кўрсаткичларни камроқ аниқлик ва тезликда ҳисоблаш талаб қилинган МАЭВ жойлашган; учинчи зонада жуда кам ишлатиладиган воситалар жойлашади.

Мотор майдони ҳам 3 та зонадан иборат: жуда тез фойдаланиладиган (бир минутда камида 2 марта) ва оптимал ета оладиган жуда муҳим бошқариш қисмлари жойлашган - биринчи зона; тез ишлатиладиган бошқариш қисмлари (1 соатда 2 мартадан кўп) ва енгил ета оладиган кам муҳим воситалар жойлашган - иккинчи зона; кам ишлатиладиган (1 соатда 2 мартадан кам) воситалар жойлашган - учинчи зоналардан иборат.




-расм. Оператор ишчи зоналари



-расм. Горизонталь (а) ва вертикал текисликлардаги (б) кўриш секторлари

Иш жойининг асосий қисмларидан бири операторнинг креслоси (ўриндиғи) ҳисобланади. У операторга физиологик жihatдан меҳнат характери ва шароитига биноан рационал ишчи ҳолат (поза)ни таъминлаш ва функционал шинамлиқни таъминлаш мезони бўлиши лозим. Кресло ўз ичига - ўтиргич, суянчик ва тирсак



гичлар, ҳамда қўшимча элементлар - бош қўйгич ва оёқ қўйгичлардан иборат бўлади. Креслонинг ҳамма қисмлари вертикал ва горизонтал текисликда, ҳамда маълум бурчакка созланадиган бўлиши керак. Яна у полга нисбатан фиксацияланадиган мослама, ҳамда зарур бўлган ҳолларда вертикал ўқ бўйича 180-360⁰ бураладиган мосламага эга бўлиши лозим. Харакатланадиган техникада кресло хавфсизлик тасмаси билан жихозланиши лозим.

Иш жойида одамнинг комплекс ҳаракатларини лойиҳалашда қуйидаги коида ва низомларни билиш фойдали:

- ҳаракат траекторияси ва сонини минимумгача қисқартириш;
- ҳаракат оддий ва ритмик бўлиши;
- ҳар бир ҳаракат кейинги ҳаракатни бошлаш учун қулай ҳолда тугаши;
- ўтган ва бўлажак ҳаракатлар бир бири билан текис боғланган бўлиши;
- ҳаракатни бошлаш ва тугатиш учун зарур бўлган вақт тахминан доимий ва йўл узунлигига боғлиқ бўлмаслиги;
- қўлнинг эгри чизикли узлуксиз ҳаракати тўсатдан йўналишини ўзгартирган яқка ҳаракатдан тез бўлиши;
- айланма ҳаракат илгариланма ҳаракатдан тез бўлиши;
- қўлнинг горизонтал ҳаракати вертикалга нисбатан аниқ ва тез бўлиши;
- агар ҳаракатда иккала қўл қатнашса, улар вақт бўйича симметрик ва синхрон (текис) бўлиши (бир вақтда бошланиши ва тугаши керак).
- аниқ ҳаракатларни ҳар доим ўтириб амалга ошириш лозим.

Системаларнинг муваффақиятли ишлаб туришини таъминлаш учун эргономик соҳасидаги мутахассислар уни 5 хил жихат (мослик)га ажратадилар: маълумот, биофизик, энергетик, фазовий - антропометрик ва техникавий эстетик жихатлар.



Маълумот жихатнинг мақсади - машинанинг барча характеристикаларини ақс эттириш ва операторнинг бу маълумотларни хатосиз қабул қилиш ва ишлов бериш, уни ва хотирасини зўриқтирмаслик. Натижада оператор меҳнатининг хавфсизлиги, аниқлиги, сифати, ва унуми таъминланади.

Биофизик жихатда - шундай атроф муҳитни ташкил қилиш тушуниладики, бунда оператор учун нормал физиологик ҳолат ва зарур иш қобилияти таъминлаб берилади. Мисол: машиналарни яратаётганда муҳитнинг шовқин, титраш, ёруғлик ва ҳаво муҳитининг кўрсаткичларини махсус изланиш зарурияти пайдо бўлади.

Энергетик жихатнинг моҳияти - машинанинг бошқариш қисмлари билан оператор оптимал имкониятларининг келишуви кўрилади. Бунда оператор томонидан қўйилган куч, сарфланган қувват ҳамда машина ҳаракатининг тезлиги ва аниқлиги назарда тутилади.

Фазовий-антропометрик жихатда - иш жараёнида одам танасининг ўлчамларини, ташқи фазонинг кўриниш имконияти ва операторнинг ҳолатини ҳисобга олиш назарда тутилади. Бу масалани ечиш учун иш жойининг ҳажми, операторнинг ета олиш қобилияти ва унинг пультага булган масофаси ва бошқалар аниқланади.

Эргономиканинг техникавий - эстетик жихатлари - меҳнат жараёнида инсоннинг машина билан мулоқотда бўлиши натижасида қай даражада қаноатланганлигининг таъминланишини кўрсатади.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ (МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ) ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Р е ж а :

1. Мехнат муҳофазасига оид қонун ва қоидалар тизими ҳақида асосий маълумотлар.
2. Мехнат муҳофазаси стандартлар тизими тўғрисида тушунча.
3. Мехнат муҳофазасига оид қонун ва ҳоидаларни бузганлик учун жавобгарликлар.
4. Мехнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш.

1. Мехнат муҳофазасига оид қонун ва қоидалар тизими ҳақида асосий маълумотлар

1948 йил 10 декабрда БМТ "Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси"ни қабул қилди. Декларациянинг 3-моддасида шундай дейилган "Хар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга..."; 23-моддасида эса шундай дейилган "- хар бир инсон мехнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ва қулай шароитлар ... ҳуқуқига эга".


Мехнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари иерархик тузилишга эга, яъни юқори қисм талаблари пастки қисмлар томонидан ҳисобга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикасида ишловчиларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш қуйидаги манбаларда қўзда тутилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг "Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни";
3. Ўзбекистон Республикасининг "Мехнат кодекси";
4. Техника хавфсизлигига оид меъёрлар, қоидалар, стандартлар ва йўриқномалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида шундай дейилган: "Хар бир шахс мехнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли мехнат шароитларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир". Бу модда "Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 23-моддаси билан ҳамохангдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1 апрел 1996 йилдан қўчга киритилган, янги шароитларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган "Мехнат қонунлари кодекси" иккинчи асосий манбадир. У мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳамма қорхона ва муассасаларга фақатгина мехнат шароитини яхшилаш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун зарур чораларни қўриш вазифасини юқлаб қолмай, ходимларни ишдан бўшатишни, ходимлар билан қорхона маъмурияти ўртасидаги бахсни муҳофаза этишни тартибга солиди, бунда мехнатқашлар



Тўғра фаатини химоя килади. 10-боб бутунлай меҳнат муҳофазаси масалалар багишланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳаётида "Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида"ги қонунининг 6 май 1993 йилда, президент Каримов И.А. имзо қўйгандан кейин, кучга кириши, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қонун ишловчиларнинг меҳнатини в соғлигини таъминлашга, ишлаб чиқариш усулидан ва мулкчилик шаклидан катъий назар меҳнат муҳофазасини ташкиллаштиришнинг ягона тартибини урнатишга қаратилган. Бу қонун 5 бўлим ва 29 моддадан иборат:

I-бўлим. Умумий қоидалар (7 модда).

II-бўлим. Меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш (8 та модда).

III-бўлим. Ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқларини амалга оширишдан қафолатлар (6 модда).

IV-бўлим. Ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати (3 модда).

V- бўлим. Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунлар ва бошқа норматик ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарликлар (5-модда).

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларни ривожлантириш учун давлат қумиталари, вазирликлар ва муассасалар ҳар хил меъёрий ҳужжатларни марказий қасаба уюшмалари билан қелишилган ҳолда ишлаб чиқишади ва амалга тадбиқ қилишади. Қулланиш соҳаига қараб меҳнат муҳофазаси меъёр ва қоидалари умумийларга ва тармоқийларга бўлинади. Умумий меъёр ва қоидалар халқ ҳужалигининг ҳамма тармоқлари учун бир хил бўлган энг зарур Меҳнат муҳофазаси талабларини белгилайди, масалан: СНиПлар, СНлар; ПЭУ; НРБ-76/87 ва х.к.

Тармоқий меъёр ва қоидалар халқ ҳўжалигининг маълум бир тармоғида қўлланилади ва шу тармоққа хос бўлган меҳнат муҳофазаси талабларини ўз ичига олади.

Меъёрий ҳужжатлар тизимида энг асосий уринлардан бирини ҳар бир қасб ёки шу урни учун тузиладиган меҳнат муҳофазаси бўйича йуриқномалар эгаллайди. Улар намунавийларга ва хусусийларга бўлинади.

2. Меҳнат ҳавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ).


Меҳнат муҳофазаси бўйича энг муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири 1973 йилдан қиритилган "Меҳнат ҳавфсизлиги стандартлари тизими"дир (МХСТ).

МХСТ - бу, меҳнат қараёнида инсоннинг соғлигини ва иш қобилятини сақлашга, ҳавфсизлигини таъминлашга йуналтирилган талаблар, меъёрлар ва қоидаларни ўз ичига олган узаро боғлиқ стандартлар мажмуасидир.

МХСТ - давлат стандартлар тизимининг ташкил қилувчи қисмларидан биридир.

МХСТ стандартлари давлат, республика, тармоқий ва қорҳона стандартларига бўлинади ва уларнинг ичида қуйидагича структуравий тузилиш мавжуд:

Ички тизим:



0 - МХСТни тузим асослари ва жорий килишнинг ташкилий-услуга стандартлари.

1 - Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг турлари бўйича меъёр ва талаб стандартлари.

2 - Ишлаб чиқариш воситаларига хавфсизлик талаблари стандартлари.

3 - Ишлаб чиқариш жараёнларига хавфсизлик талаблари стандартлари.

4 - Химоя килиш воситаларига қўйиладиган талаблар стандартлари.

5 - Бино ва иншоотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари стандартлари.

6-9 - Захира.

Эслатма:

а) 0; 2; 3; 4; 5 - ички тизимлар давлат, республика ва тармоқий бўлиши мумкин.

б) 0 - ички тизим стандартлари корхона стандартлари ҳам бўлиши мумкин.

в) 1 - ички тизим стандартларни фақат давлат стандарти бўлиши мумкин.


МХСТ да қуйидагича белгилаш қабул қилинган:



3. Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларни бузганлик учун жавобгарликлар

Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларни бузганда қуйидаги жавобгарлик турлари қўрилади:

1. Интизомий - айбдорларга огоҳлантириш, ҳайфсан бериш, ойлиги кам ишга ёки лавозимга 3 ой муддатга ўтказиш, ишдан бўшатиш.



2. Маъмурий - асосан мансабдор шахсларга нисбатан қўлланил (огоҳлантириш, танбеҳ бериш, жарима солиш).

3. Жиноий жавобгарлик - (бахтсиз ҳодиса юз берганда ёки юз бериши мумкин бўлганда) - мажбурий хизмат ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш.

4. Моддий жавобгарлик - корхонага моддий зарар етказилганда, шароитга қараб ўртача ойликнинг:

ишчилар учун - $1/3$, $2/3$ ҳажмида;

раҳбарлар учун – битта ўртача , иккита ўртача ва учта ўртача ойлик ҳажмида олиниши мумкин.

Ишчилар зарарни тўла қоплайди:

- ўз иш вазифасини бажармаётганда юз берса;
- қасддан зарар етказилса;
- маст ҳолда бўлса.

Моддий жавобгарлик юқоридаги 3 та жавобгарликка боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади.

4. Мехнат муҳофазасига оид қонун ва қоидаларга риоя қилишни назорат қилиш.

Мехнат муҳофазаси қонун ва қоидаларига риоя қилиш давлат, муассаса ва жамоат органлари томонидан назорат қилинади. Олий назорат Республика Бош прокурори томонидан, жойларда эса унинг кул остидаги бошқа прокурорлар томонидан олиб борилади.

Махсус давлат назоратини қуйидаги инспекция ваорганлар соҳасига боғлиқ ҳолда олиб борилади:


1. Саноатконтехназорат;
2. Давтехназорат (Гостехнадзор);
3. Ўзстандарт (Ўзстандарт);
4. Давёнғинназорат (Госпожнадзор);
5. Давсанназорат (Госсаннадзор);
6. Давэнерназорат (Госэнергоназор);
7. ДАН;
8. Давсувхўжаликназорат.

Жамоат назорати марказий касаба уюшмалари инспекциялари томонидан олиб борилади:

1. Мехнат техник инспекция.
2. Мехнат ҳуқуқий инспекция.
3. Мехнат муҳофазаси комиссияси.
4. Мехнат муҳофазаси жамоат инспектори.
5. Штатдан ташқари мехнат техник инспектори.

Маъмурий - жамоат назорати, 3 босқичдан иборат бўлади:

- 1-босқич - участка бошлиғи ва мехнат муҳофазаси жамоат инспектори ҳар куни эрталаб иш бошланганда техника хавфсизлиги



талабларининг бажарилишини назорат қилади, аниқлаш, камчиликлар махсус журналага қайд қилинади, камчиликни бартараф қилиш муддати ва жавобгар шахс белгиланади.

2-босқич - Цех бошлиғи, меҳнат муҳофазаси инженери, катта жамоат инспектори ва техник хизмати ходимидан иборат гуруҳ ҳар ҳафтада цехда назорат ишларини ўтказди.

3-босқич - Корхона бошлиғи ёки бош муҳандис ва 2-босқичдаги мутахассислардан иборат гуруҳ ҳар кварталда корхонада "Меҳнат муҳофазаси" кунини ўтказди.



МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

1. Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими.
2. Меҳнат муҳофазасига оид тадбирларни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш.
3. Ишловчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш.
4. Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ходисаларни текшириш ва ҳисобга олиш.

1. Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими.

Меҳнат муҳофазасини бошқариш корxonани бошқариш тизимининг бир қисмидир. Меҳнат муҳофазасини бошқаришни корxона бошлиғи (бош инженер) ва бўлим бошликлари олиб боради.


Меҳнат муҳофазасини бошқариш - бу меҳнат жараёни вақтида ишловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иш қобилиятини ва соғлигини сақлаш бўйича ташкилий, техник, санитар-гигиеник, даволаш - олдини олиш ва бошқа чора-тадбирларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишдир.

Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимининг асосий вазифалари қуйидагича:

1. Ишловчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш ва меҳнат муҳофазаси масалаларини ташвиқот қилиш.
2. Бино ва иншоот, ишлаб чиқариш жараёнлари ва асбоб-ускуналарининг хавфсизлигини таъминлаш.
3. Меҳнат шароитининг санитар-гигиеник ҳолатини меъёрлаштириш.
4. Ишловчиларни шахсий химоя воситалари билан таъминлаш.
5. Ишловчилар учун макбул иш ва меҳнат шароитини яратиш.
6. Ишловчилар учун даволаш-олдини олиш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш.
7. Алоҳида мутахассисликлар бўйича касбий танлов утқизиш.
8. Ишловчиларга санитар-маиший хизмат курсатиш ва хоказо.

Қишлоқ хужалиқ корxоналари мансабдор шахсларининг меҳнат муҳофазаси бўйича асосий вазифалари:

- меҳнат муҳофазаси ҳолатини доимий назорат қилиш;
- ҳамма ишловчилар томонидан МХСТ меъёр ва қоидалар, йуриқномаларга амал қилишни талаб қилиш;
- механизациялаштирилган, автоматлаштирилган илгор технологик жараёнларни тадбиқ қилиш;
- ишловчиларни хавфсиз меҳнат қилиш услубларига ўқитиш;
- меҳнат муҳофазаси бўйича ўз вақтида сифатли йуриқнома-лар утқизиш;
- ишловчиларни шахсий химоя воситалари билан таъминлаш;
- юқори хавфли машина ва механизмларни ўз вақтида рўйхатдан утқизиш ва текширувдан утқизишни назорат қилиш;
- иш уринлари ва ишлаб чиқариш хоналарида аттестация ва паспортизация утқизишни таъминлаш;



- меҳнат муҳофазаси буйича комплекс ва тезкор режалар, шартно келишувларни тайёрлаш ва утказишни таъминлаш;
- қабул қилинган низомга асосан бахтсиз ходисаларни текширишда катнашиш ва х.к.

Меҳнат муҳофазаси инженери Меҳнат муҳофазаси буйича ишларнинг асосий ташкилотчисидир. У корхона бошлигига буйсунади, лекин корхонада Меҳнат муҳофазаси буйича раҳбарнинг булим бошликлари ёки бош мутахассиснинг вазифаларини уз зиммасига олмайди. У ҳар бир булимда Меҳнат муҳофазаси талабларига амал килишни назорат қилади. Юқори хавфли техникаларни текшириш, синаш, рўйхатга олиш ишларида, ҳамда янгилари ишга тушириш жараёнида иштироқ қилади. Ишчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитишда, билимини текширишда қатнашади. Меҳнат хавфсизлигига ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини кузатиб боради. У ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ходисаларнинг ҳисобини олиб боради, уларни текширишда катнашади, сабабларини аниқлайди ва улар қайта такрорланмаслиги учун таклифлар киритади.

2. Меҳнат муҳофазасига оид тадбирларни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш.

Меҳнат муҳофазаси буйича ҳамма ишлар, ҳар қандай мураккаб ишга ухшаб, олдиндан тузилган режа асосида олиб борилиши керак. Асосий режа, номенклатура чора-тадбирларининг режасини ишлаб чиқишдир, чунки у жамоа ва маъмурият томонидан узаро келишув асосида тасдиқланиши керак.

Номенклатурага асосан келишув куйидаги тадбирларни уз ичига олади:

- 1) жароҳатланишларнинг олдини олиш буйича;
- 2) касалланишларнинг олдини олиш буйича;
- 3) меҳнат шароитини умумий юксалтириш буйича;

Келишувда тадбирлар рўйхати, таннархи, амалга ошириш вақти ва жавобгар шахс фамилияси қайд қилинади.

Келишув корхона раҳбари ва касаба уюшма томонидан ифодаланади.

Чора-тадбирларни бажаришга корхона ҳар йили маблағ ажратиши ва маблағ факат шу соҳага ишлатилиши лозим. Акс ҳолда маъмурият қонун олдида жавоб беради.


Маблагни сарфлаш касаба уюшмаси томонидан назорат қилинади. Бундан ташқари, корхона ҳар йили юқори ташкилотга амалга оширилган тадбирлар ва маблағ сарфи тўғрисида ҳисобот бериши лозим.

3. Ишловчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш.

Ишловчиларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш урта, урта махсус ва олий мактаблардан бошланади.

Ишлаб чиқаришда эса ишчилар куйидаги тартибда ўқитилади:

- а) техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалардан ўтказиш:
 1. Кириш йўриқномаси;
 2. Бирламчи йўриқнома;



3. Такрорий йўриқнома;
4. Режадан ташкари йўриқнома.
5. Жорий йўриқнома.

- б) Курс ўқитишлари. Хужаликларда ҳар йили 1 марта, январда олиб борилади.
- в) Малака ошириш факультетларида ўқиш.

4. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш.

Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш Вазирлар Маҳамасининг 1997 йил 6 июндаги 286 – қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом”га асосан олиб борилади. Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишнинг мажбурийлиги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни"да ҳам кўрсатиб ўтилган (4-модда).

Текшириш ва ҳисоб-китоб қилиш шу воқеа қайта такрорланмаслиги; жароҳатланиш сабаблари ва омиллари аниқлаш учун, айбдорларни аниқлаш учун қилинади. Текшириш натижалари бўйича “Н-1” шаклдаги махсус далолатнома 3 та нусхада тўлғазилади (баъзи ҳолларда 4 та нусхада тўлдирилади).

Ҳар бир корхона йил охирида юз берган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида махсус тасдиқланган формага асосан ярим йиллик ва бир йиллик (9-Т форма) қилиб ҳисобот тузади ва у юқори ташкилотга юборилади.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш сабабларини таҳлил қилишнинг қуйидаги услублари мавжуд:

1. Статистик услуб.
2. Гуруҳий услуб.
3. Топографик услуб.
4. Монографик услуб.
5. Эргономик услуб.
6. Иқтисодий услуб.

Ишлаб чиқаришда содир бўладиган жароҳатланишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосан тўртта: гуруҳий, топографик, статистик ва монографик методлар орқали олиб борилади.

Гуруҳий метод билан аниқлашда асосан содир бўлган бахтсиз ҳодисалар улар расмийлаштирилган ҳужжатлари орқали маълум бир белгиларига асосланиб, яъни масалан: меҳнат шароитлари, касблари, ёшлари, жинслари, иш стажлари билан ҳамда жароҳатланиш даражалари билан аниқланади. Барча материаллар яхшилаб ўрганилади ва тегишли хулоса чиқарилади ҳамда шунга асосланиб жароҳатланишнинг содир бўлиш сабаблари бартараф этилади, яъни маълум ишчилар группасини ўқитиш йўли билан меҳнат муҳофазаси тадбирлари бажарилишини назорат қилиш янада ҳам мустаҳкамланади ва бошқа тадбирлар жорий этилади. Бу методга тегишли материаллар йиғиш учун кўпроқ вақт талаб қилинади.

Топографик (график) методда қайси жойда, хонада, иш ўрнида, фаслда ва қаерда кўпроқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлган жойларни аниқлашда фойдаланилади. Махсус карта тузиб ўша картада бахтсиз ҳодисалар қайд



қилинади ва кўпроқ қайси жойда бахтсиз ҳодисалар содир бўлганлиги аниқланади.

Аниқланган хавфли жойларга диққат эътибор қилиниб, у ерда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун профилактика ишлари олиб борилади. Бу методни бажариш учун ҳам кўп вақт талаб қилинади.

Статистик метод (кўпинча таққослаш, анализ қилиш методи ҳам дейилади) орқали қайси жойда ва қаерда кўпинча оғир бахтсиз ҳодисалар содир бўлганлиги аниқланади. Бу метод асосан кўпинча бахтсиз ҳодисаларни таққослаш, таҳлил қилишга қаратилгандир. Кўпинча статистик метод орқали қуйидагилар аниқланади: ишлаб чиқариш жароҳатланиш-ларининг частота коэффидиенти — $K_{\text{ч}}$; оғирлик коэффидиенти — $K_{\text{г}}$; умумий кўрсаткичи — $K_{\text{д}}$.

Частота кўрсаткичи ҳар бир 1000 киши учун маълум вақтда неча маротаба жароҳатланиш содир бўлганини кўрсатади.


Жароҳатланишларнинг оғирлик кўрсаткичи жабрланувчининг узоқ муддатли меҳнат лаёқатсизлигининг ўртача вақтини кўрсатади. У жароҳатланишни ҳисоблайди, лекин ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни ҳисобламайди.

Жароҳатланишларнинг умумий кўрсаткичи ёки вақтини йўқотганлаги ($K_{\text{д}}$ ҳар бир 1000 киши ҳисобига неча ишчи куни йўқотилганлиги билан аниқланади.)

Монографик метод орқали жароҳатланишлар синчковлик билан илмий изланишлар натижасида аниқланади; иш шароити, яъни жомакор, махсус кийимлар, иш жойи, асбоблар, машиналар, механизмлар, технологик жараёнлар, санитария-гигиена шароитлари ва ҳоказолар ўрганилади. Бу метод натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинггина эмас, балки уларни келтириб чиқарган сабаблари ҳам аниқланади.

Эргономик метод орқали жароҳатланишларнинг сабабларини ўрганишда асосий эътибор “инсон-машина” тизимининг эргономик параметрларига қаратилади.

Иқтисодий метод орқали жароҳатланишларнинг сабабларини ўрганишда эса асосий эътибор иқтисодий омилларга қаратилади: меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлашга сарфланган маблағ, жароҳатланишлар натижасида кўрилган зарар ва бошқа.



5--маъруза

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОНАЛАРИ ВА ИШ ЎРИНЛАРИДАГИ МИКРОИҚЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Режа:

1. Ишлаб чиқаришдаги метеорологик шароитлар.
2. Ишлаб чиқаришдаги микроиқлим шароитларининг хусусиятлари.
3. Микроиқлим кўрсаткичлари ва уларнинг инсон организмига таъсири билан танишиш.
4. Иш хонасидаги микроиқлим кўрсаткичларининг гигиеник меъёрлари

1. Ишлаб чиқаришдаги метеорологик шароитлар


Ташқи муҳитнинг „метеорологик“ шароитлари тушунчасига инсон организмида иссиқлик алмашинуви жараёнига таъсир қилувчи физик омиллари киради. Булар қуйидагилардир: атмосфера босими, ҳаво температураси (ҳарорати), ҳавонинг ҳаракат тезлиги, нисбий намлик ва иссиқлик нурланишидир. Агарда юқоридаги омиллар бирор бир чегараланган жойга (шаҳар, район, объект, хона, трактор ёки бошқа машина кабинаси ва ҳ.к.) нисбатан ўрганилса улар „микроиқлим“ кўрсаткичлари деб аталади.

Микроиқлим кўрсаткичлари таъсири остида юзага келадиган организмнинг жадал исиши ёки совуб кетиши унда ҳар хил касалланишлар келтириб чиқаради, иш сифати ва унумдорлигини пасайтиради, фалокат ва жароҳатланишлар юз беришига ҳамда бошқа кўнгилсиз оқибатлар сабабчиси бўлади. Шунинг учун ишлаб чиқаришда қулай микроиқлим кўрсаткичларини ҳосил қилиш меҳнат муҳофазаси, умуман, фаолият хавфсизлигини таъминлашининг асосий масаласидир.

Хона ичидаги микроиқлим шароитлари ташқи атмосфера кўрсаткичларига, ишлаб чиқариш жараёни турига, иссиқлик ҳосил қилиш манбалари мавжудлигига, иссиқлик ютиш тўсиқларининг турига ва конструкциясига, иш ўринларининг иссиқлик манбасига, эшикка ва бошқа ҳаво алмашиш қурилмаларига нисбатан координаталарига, хонада ҳаво алмаштириш хусусиятига ва бошқа омилларга боғлиқ. Баъзибир микроиқлим кўрсаткичлари, айниқса ҳаво ҳарорати ва иссиқлик нурланиши иш сменаси давомида ўзгариб туради, хонанинг горизонтал ва вертикал текисликларида ҳам бир хил даражада бўлмайди.

Микроиқлим кўрсаткичларининг инсон организмига таъсирини комплекс ўрганиш, уларни меъёрлаш, ўлчаш ва ҳисоблашдан олдин, кўрсаткичларни алоҳида, физик моҳиятини тушуниб, чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун микроиқлим кўрсаткичларини алоҳида ўрганиб, физик моҳиятини таҳлил қилиб чиқишдан олдин ҳамма микроиқлим кўрсаткичларининг асоси бўлган атмосферанинг физик ва кимёвий катталикларини билиш зарур.

Ер шарини ўраб турган атмосфера, ҳаво қатлами мавжудлиги, ҳаёт юзага келишининг ва ривожланишнинг асосий шартларидан биридир. Бунда асосий ролни атмосферанинг тропосфера, яъни ер юзасидан 9 – 11 км баландликкача бўлган қисми ўйнайди.



Тропосфера бир қатор газларнинг мураккаб механик аралашмаси, инверсион қатлам билан таъсир қилади. Унинг кимёвий таркиби қуйидагича: Азот (N_2) асосий қисмини ташкил қилади (78,03%), Кислород (O_2) ҳажм жиҳатдан иккинчи ўринда (20,95%) туради, инерт газлар (аргон, гелий, неон, криптон, ксенон, радон) 0,94% ташкил қилади, CO_2 гази 0,03 %, сув буғи эса 0,05 % ташкил қилади. Бу аралашма таркиби турли шароитларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Атмосфера кимёвий таркибининг ўзгариши инсон соғлигига, организмдаги модда алмашинувига, физиологик жараёнларнинг кечишига катта таъсир қилади. Айниқса, атмосфера таркибида O_2 ва CO_2 газининг ўзгариши организмга катта таъсир қилади. Масалан O_2 газининг 20,95 % дан 16 % гача камайиши, ёки CO_2 газининг 0,03 % дан 1 % гача кўтарилиши нафас олишнинг бузилишига олиб келади.

Кейинги пайтларда Азот (N_2) ва бошқа инерт газларнинг ҳам организмдаги физиологик жараёнларга таъсир қилиш хусусиятлари аниқланди.

2. Ишлаб чиқаришдаги микроклим шароитларининг хусусиятлари.

2.1. Атмосфера босимининг таъсири.

Ер шарини ўраб турган атмосфера гравитация майдони таъсири остида ўз оғирлигига ва физик жисм сифатида ўз массасига эгадир.

Атмосфера ер юзасида энг катта зичликка ва босимга эга бўлиб, 0 °C ҳароратда денгиз сатҳида босим 760 мм. сим. уст. ёки 101332 Па ташкил қилади. Баланшликка кўтарилиши билан атмосфера зичлиги ва босими камайиб боради: 1 км.да – 734; 3 км.да – 526; 5 км.да – 405; 10 км.да – 196; 15 км.да – 90 мм.сим.уст. ташкил қилади.

Инсон организми 550...950 мм.сим.уст.га тенг бўлган босимларда салбий ўзгаришларсиз фаолият кўрсатади. Организмга босимнинг вақт бирлиги ичида кескин тез ўзгариши салбий таъсир қилади.

Атмосфера шароитларига боғлиқ ҳолда ер юзасига яқин қатламларда босим ўзгариши 10 м 30 мм.сим.уст. ошмайди. Лекин босимнинг катта миқдорларда ўзгариши организмларда функционал бузилишларни келтириб чиқаради.

Баланшликка жуда жадал тарзда кўтарилиш натижасида босимнинг камайиши организмда „баланшлик касаллиги“ юзага келтиради. Бу касаллик босим камайиши натижасида ҳавода кислороднинг парциал босими камайиши туфайли организмнинг кислород билан тўйиниши сусайиши оқибатида ҳосил бўлади. Масалан, денгиз сатҳида кислороднинг парциал босими 159 мм. сим. уст.га тенг бўлса, 3 км.да – 110, 5 км.да – 95, 10 км.да – 42 мм. сим. уст.га тушиб қолади.

Инсон ўпкасидаги альвеоляр ҳавода кислород 14,5 % дан ошмаслиги, сув буғларининг мавжудлиги кислороднинг парциал босимининг янада кескин пасайишига ва „кислород очлиги“ касаллигининг тез авж олишига олиб келади.

Атмосфера босимининг ошиши инсон фаолиятининг бир қатор соҳаларда юзага келиши мумкин, масалан, сув остида ишлаганда, метро ва туннелларда ишлаганда ва кессон ишларида. Кессон ишларида ортқча босим 0,2 ... 4 ати.гача оширилиши мумкин. Босим ошиши билан, нафас олиш, эшитиш ва пульс сусаяди. Босимнинг янада ошиши наркотик мастлик, ҳаяжонланиш, хотира пасайиши,



Ҳаракат координацияси бузилиши ва ҳ.к олиб келади. Босим остида қонда азот (N_2) эриш миқдори ошади. Бу ҳолат ортиқча босимдан нормал босимга ўтиш жараёнида муаммога, декомпрессия касаллигига олиб келади. Бу касаллик оғир оқибатлар, ҳатто ҳалок бўлишга сабаб бўлади.

2.2. Ҳаво температурасининг тавсифи.

Ҳаво температураси унинг иссиқлик ҳолатини характерловчи катталиқ бўлиб, газларнинг молекуляр кинетик энергияси билан характерланади. Бу энергияни газларга қуёш нурлари ва ер иссиқлигининг узатилиши беради. Бу катталиқ инсонга доимий равишда, унинг фаолиятининг барча соҳаларида тўхтовсиз таъсир қиладиган омилдир.

Инсон организмида метобализм жараёни туфайли юзага келадиган ортиқча иссиқлик атроф муҳитга берилиши керак. Агарда ишлаб чиқарилаётган ортиқча иссиқлик ва узатилаётган иссиқлик ўртасида тенглик ҳолати бўлса комфорт шароит юзага келган деб ҳулоса қилинади. Агарда бу тенглик у ёки бу тарафга нисбатан бузиладиган бўлса организмнинг исиб ёки совуб кетишига олиб келади.

Инсон организми атроф муҳитга иссиқликни қуйидаги услублар билан узатади: конвекция, нурланиш, тернинг буғланиш. Ўтказилган изланишлар натижасида аниқланишича 25 % иссиқлик конвекция, 50 % иссиқлик нурланиш ва 25 % буғланиш билан узатилади.

Иссиқлик узатиш жадаллигига ҳаво ҳаракат тезлиги катта таъсир кўрсатади. Агарда ҳаво ҳаракат тезлиги 0,09 дан 2,25 м/с гача ошса конвекция билан иссиқлик узатиш 48 % дан 82 % гача кўтарилади, нурланиш билан иссиқлик узатиш эса 52% дан 18% гача пасаяди, терлаш билан иссиқлик узатиш нолга тенг.

Терлаш билан иссиқлик узатишнинг аҳамияти ҳаво температураси кўтарилиши билан ошиб боради. Масалан, ҳаво температураси 10 °C бўлганда буғланиш туфайли иссиқлик узатиши 18% ни ташкил қилса, ҳаво температураси 29 °C бўлганда у 40 % га етади, ҳаво температураси 36 °C дан ошса деярли ҳамма ортиқча иссиқлик, ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ равишда, фақат буғланиш билан узатилади.

Юқоридагилардан ташқари ортиқча иссиқлик нафас олишда, истеъмол қилинган озиқ – овқат маҳсулотларини иситишга ҳам сарф бўлади.

Нурланиш иссиқлик узатишнинг физик моҳияти бошқа иссиқлик узатишларидан кескин фарқ қилиб, у электромагнит тўлҳинларидан иборатдир.

Организмнинг иссиқлик узатиш жараёнларининг қанақа кечиши ишлаб чиқариш жараёнларининг турлари ва уларнинг хона ҳавоси температурасига кўрсатадиган таъсирига ҳам боғлиқ.

2.3. Ҳаво ҳаракат тезлигининг тавсифи.

Ишлаб чиқариш хоналари ичида ҳавонинг ҳаракат тезлиги унинг нотекис қизиши, иситиш манбааларининг турига, ҳаво алмаштириш тузимларининг ишлашига боғлиқ.



Ҳавонинг ҳаракат тезлиги 0,1 м/с кичик бўлса, уни инсон худди тинч турган ҳаво шароити деб қабул қилади, 1 м/с ошиқ тезлик эса шамол шаклида қабул қилинади.

Ҳавонинг ҳаракат тезлиги организмнинг иссиқлик алмашинув жараёнига катта таъсир кўрсатади. Бу шамол таъсири остида конвектив ва буғланиш билан иссиқлик узатиш жараёнларининг кучайиши сифатида намоён бўлади. Демак, иссиқ шароитда ҳавонинг ҳаракати терморегуляция жараёнини осонлаштиради.

Паст температуралар шароитида эса катта тезликдаги ҳаво ҳаракати организмнинг совуб кетишига олиб келади. Бу масала ишнинг иккинчи қисмида кўриб чиқилган.

Кучли ҳаво ҳаракати, (20 м/с) нормал нафас олиш жараёнини издан чиқаради, нерв ва психик ҳолатга ўз таъсирини кўрсатади. Ҳавонинг ҳаракати 1...4 м/с бўлса (ёз даврида) мақбул шароит деб ҳисобланади.

2.4. Ҳаво нисбий намлигининг тавсифи.

Атмосфера ҳавоси ва шу билан биргаликда ишлаб чиқариш хонаси ҳавоси таркибида маълум бир миқдорда сув буғлари бўлади. Сув буғи миқдори турли шароитларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Ишлаб чиқариш хоналари ҳавосининг намлик даражасига шу хонада олиб бориладиган технологик жараёнлар катта таъсир кўрсатади. Баъзибир хоналарда намлик даражаси 80...100 % гача бўлиши мумкин. Намлик манбалари – ювиш ванналари, сув сақланадиган бошқа идишлар, ювиш ускуналари, намлантириш қурилмалари ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Организмнинг иссиқлик алмашинув жараёнига ҳаво намлиги жуда катта таъсир қилади. Ҳаво намлиги унинг сув буғлари билан тўйинганлик даражаси билан ҳарактерланади. Маълум бир ҳаво температураси ҳавонинг намлик даражасига боғлиқ ҳолда организм томонидан турлича сезилиш мумкин.


Ҳаво намлигини ҳарактерлаш учун бир қатор тушунчалардан фойдаланилади:

1. Ҳавонинг абсолют намлиги, A , г/м³; ҳавонинг абсолют намлиги деб маълум бир берилган температура ва босимда 1м³ ҳаво таркибидаги сув буғлари массасига айтилади.
2. Ҳавонинг максимал намлиги, R , г/м³; ҳавонинг максимал намлиги деб берилган маълум бир температура ва босимда 1 м³ ҳаво таркибида бўлиши мумкин бўлган сув буғлари массасининг энг юқори миқдорига айтилади. Максимал намлик ҳаво температурасига тўғри, босимга эса тесқари пропорционал.
3. Ҳавонинг нисбий намлиги, W , %; ҳаво абсолют намлигининг максимал намлигига нисбатан ҳавонинг нисбий намлиги деб аталади, ва фоизда аниқланади:

$$W = \frac{A}{R_K} 100$$

бу ерда: A – ҳавонинг абсолют намлиги, г/м³;

R_K – ҳавонинг максимал намлиги, г/м³,



(психрометрнинг қуруқ термометри кўрсат

температурада);

4. намлик дефицити, D , г/м^3 ; бу катталиқ 1м^3 ҳавонинг сув буғлари билан тўйиниши учун етишмаётган сув буғлари массасини кўрсатади. У максимал ва абсолют намликлар айирмаси бўйича топилади, г/м^3 :

$$D=R_k - A$$

Нисбий намлик инсон организмнинг атроф муҳит билан иссиқлик алмашинувига қуйидагича таъсир қилади:

1. ҳавонинг юқори намлиги паст температурада иссиқлик узатишнинг ошишига олиб келади. Бу қуйидаги сабаблар туфайли содир бўлади:
 - а) кийимларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ошади, чунки материал толалари орасидаги ҳаво намлиги ошиб унинг иссиқлик ўтказувчанлиги кўтарилади;
 - б) ҳавонинг иссиқлик ўтказувчанлиги ошади, нам ҳавонинг иссиқлик ўтказувчанлиги қуруқ ҳавога нисбатан каттадир;
 - в) нам ҳавода атрофдаги жисмларнинг (девор, шифт, пол ва бошқа элементларнинг) иссиқлик ютувчанлик хусусияти ошади, бу эса организмнинг иссиқлик нурланиши билан катта миқдорда иссиқлик йўқотишга олиб келади
2. ҳавонинг юқори намлиги юқори температурада иссиқлик узатишни қийинлаштиради. Ҳаво температураси ошиб бориши билан нурланиш ёрдамида иссиқлик узатиш сусайиб боради (30°C гача), температура 36°C дан ошса, совуш фақат терлаш ва унинг буғланиши ҳисобига бўлади. Ҳаво температураси 15°C бўлса ва гавданинг тинч ҳолатида организм томонидан соатига $36,32$ г намлик йўқотилади ва бу боғланиши 30°C температурада соатига 120 граммни ташкил қилади. Терлаш шу ҳолда совушга хизмат қиладики, қачонки тер гавданинг иссиқлиги таъсири остида буғланса, 1г терни буғлатиш учун организм 2514 Жоуль иссиқлик сарфлайди, ва шу сабабли совуш жараёни юзага келади.

Ҳаво намлигининг турли температурада инсон томонидан намлик йўқотишига таъсири қуйидаги жадвалда келтирилган.

Атроф–муҳит температураси	ҳавосининг	Ўпка ва тери орқали нам йўқотиш, г/соат.	
		Жуда қуруқ ҳаво	Жуда нам ҳаво
15°C		36,0	9,0
20°C		54,1	15,3
25°C		75,4	23,9

3. ҳавонинг паст намлиги паст температурада иссиқлик йўқотишнинг сусайишига олиб келади.
4. ҳавонинг паст намлиги юқори температурада организмнинг намни катта миқдорда йўқотишига олиб келади.

Қуруқ ҳаво ҳамма шароитда нам ҳавога нисбатан организм учун қулайдир. Ўта қуруқ ҳавога (20% паст) организмга салбий таъсир кўрсатади: бурун, оғиз, томоқда ва бошқа органларда катта миқдорда намлик йўқотилиб қуруб қолиш



исасини келтириб чиқаради. Ҳавонинг қуруқлиги катта тезликдаги шамол билан биргаликда таъсир қилса организмда салбий физиологик ҳамда психологик оқибатлар келтириб чиқаради.

2.5. Ҳаво физик омилларининг организмга комплекс таъсири.

Атмосфера физик омиллари инсон организмга таъсир кўрсатади. Физик омиллар миқдорларининг турли туман мажмуаси баъзи ҳолатларда ижобий баъзи ҳолатларда эса салбий таъсир қилиши мумкин. Бу ҳолат физик омилларнинг шундай тўпламини ҳосил қилишга ёрдам қиладики, баъзи омилларнинг салбий таъсири бошқа омилларнинг ижобий таъсири билан бартараф қилиниши мумкин. Масалан, бир хил даражадаги комфорт шароитини омилларнинг қуйидаги бир биридан фарқ қилувчи 3 та тўпламида ҳосил қилиши мумкин:



- 1 – тўплам: температура – 20 °С;
ҳаво тезлиги – 0 м/с;
нисбий намлик – 85 %;
- 2 – тўплам: температура – 35 °С;
ҳаво тезлиги – 0,5 м/с;
нисбий намлик – 33 %;
- 3 – тўплам: температура – 24,5 °С;
ҳаво тезлиги – 1,5 м/с;
нисбий намлик – 20 %;

Инсон организмнинг иссиқлик ҳолати бажарилаётган иш характериға, кийимига, овқатланиш характериға боғлиқ ҳолда кенг миқёсда ўзгаради. Шу сабабли юқорида келтирилган физик омиллар тўпламининг организмга таъсири турлича бўлади. Ишлаб чиқаришда, умуман, фаолиятининг ҳамма соҳаларида, микроиклим кўрсаткичларининг юқорида келтирилган салбий таъсирини бартараф қилиш ёки олдини олиш мақсадида, уларнинг берилган шароитлар учун энг мақбул тўпламини аниқлаш комфорт меҳнат шароити яратишнинг асосий шартлардан биридир.

Инсон организмга ҳавонинг физик омиллари мажмуасининг комплекс таъсирини таҳлил қилиш учун турли услублардан фойдаланилади. Эффе́ктив ва эквива́лент – эффе́ктив температура деб номланувчи услублар ҳам шу мақсадда ишлатилади. Бу услублар ёрдамида олинган катталиклар бўйича инсон организмнинг иссиқлик ҳолати тўғрисида, яъни комфорт ёки дискомфорт шароит тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Эффе́ктив (ЭТ) ва Эквива́лент – эффе́ктив (ЭЭТ) температура номограммасидан фойдаланиш ишнинг 2 қисмида келтирилган.

3. Микроиклим кўрсаткичлари ва уларнинг инсон организмга таъсири билан танишиш.

Инсон фаолият жараёнининг ҳар қандай турида, шу жумладан ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганда ҳам, ўзини ўраб турган муҳит таъсири остида бўлади. У шу муҳит билан ҳар доим ўзаро энергия, иссиқлик, маълумот ва ҳ.к. алмашинуви воситасида алоқада бўлади. Муҳитнинг кўрсаткичлари, айниқса, метеорологик кўрсаткичлари мажмуи, инсон организмнинг функционал ҳолатига,



унумдорлигига ва шароитига, ҳамда меҳнат хавфсизлигига катта таъсир кўрсатади. Метеорологик кўрсаткичлар атмосфера босими, ҳаво температураси, ҳавонинг ҳаракат тезлиги, ҳавонинг намлиги ва қиздирилган жисмлардан тарқалаётган иссиқлик нурланиши билан характерланади. Агарда метеорологик кўрсаткичларни бирор-бир чегараланган фазога, жойга ва ҳ.к. нисбатан ўрганилса, улар микроиқлим кўрсаткичлари деб аталади.

Ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринларидаги микроиқлим кўрсаткичлари мажмуи турли омилларга (йил фасли, сутканинг вақти, бино тури, ишлаб чиқариш тури, технологик жараён тури ва ҳ.к.) боғлиқ бўлганлиги сабабли улар доимо ўзгариб туриши мумкин. Бу ҳолат инсоннинг тана температурасини ростлаб туриш (терморегуляция) жараёнида юкланиш ҳосил қилиб, уни издан чиқариши ва охир оқибат организмда салбий ўзаришлар келтириб чиқариши мумкин.

Инсон организми температураси ҳар доим $36,6 \pm 0,5$ °C бўлиши керак. Бу даража инсон организмнинг терморегуляция механизми билан бошқарилиб турилади. Терморегуляциянинг икки хил тури мавжуд: а) кимёвий; б) физик.

Кимёвий терморегуляция инсон организмида кечаётган биокимёвий жараёнларни жадаллаштириш (бунда иссиқлик ҳосил бўлиши кўпаяди) ёки сусайтириш (бунда иссиқлик ҳосил бўлиши камаяди) ҳисобига бўлади. Физик терморегуляция эса танадан атроф-муҳитга иссиқлик узатилишини бошқариш билан олиб борилади. Атрофга иссиқлик узатишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) иссиқлик нурланиши; б) конвекция; в) терлаш; г) кондукция.



Қанақа усулда қанча миқдорда иссиқлик узатилиши ҳаво температурасига боғлиқ. Агарда ҳаво температураси 18...20 °C бўлса 44 % иссиқлик нурланиш билан, 33 % иссиқлик конвекция билан, 23 % иссиқлик эса терлаш билан узатилади. Агарда ҳаво температураси 30 °C атрофида бўлса 50 % иссиқлик терлаш билан, қолган 50 % нурланиш ва конвекция билан узатилади. Агарда ҳаво температураси 30 °C дан юқори бўлса танадаги ортиқча иссиқликнинг ҳаммаси фақат терлаш билан узатилади. 1 грамм тернинг буғланиши 2,5 киложоул иссиқлик ютилиши билан кечади.

Инсон шундай шароитда ўзини комфорт шароитда деб ҳис қиладики, қачонки унинг танасида ҳосил бўлган ортиқча иссиқлик миқдори атрофга узатилаётган иссиқлик миқдorigа тенг бўлса

Ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринларидаги микроиқлим кўрсаткичлари йилнинг даврига, иш оғирлигига, иш ўрни турига боғлиқ равишда ГОСТ 12.1.005-88 томонидан энг мақбул ва йўл қўйиладиган миқдорлар бўйича меъёрланган (- жадвал).

Ишлаб чиқариш хоналаридаги микроиқлим кўрсаткичлари даврий равишда ўлчашлар ўтказиб текшириб турилиши ва зарур ҳолларда кўрсаткичларни талаб даражасига олиб келиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Микроиқлим кўрсаткичларини ўлчаш махсус асбоб-ускуналар билан олиб борилади.



5. Иш хонасидаги микроклим кўрсаткичларининг гигиеник меъёрлари

-жадвал


Ишлаб чиқариш хоналари учун микроклим кўрсаткичларининг меъёрлари (ГОСТ 12.1.005-88 бўйича)

Иш катего- риялари	Мақбул меъёрлар		Йўл қўйиладиган меъёрлар			
	Темпера- тура, °С	Ҳавонинг ҳаракат тезлиги, м/с, катта эмас.	Температура, °С		Ҳавонинг нисбий намлиги, %, катта эмас.	Ҳавонинг ҳаракат тезлиги, м/с.
			Доимий иш ўринла- рида.	Доимий бўлмаган иш ўрин- ларида.		
	Йилнинг совуқ даври учун					
Ia	22-24	0,1	21-25	18-26	75	0,1 кичик
Iб	21-23	0,1	20-24	17-25	75	0,2 кичик
IIa	18-20	0,2	17-23	15-24	75	0,3 кичик
IIб	17-19	0,2	15-21	13-23	75	0,4 кичик
III	16-18	0,3	13-19	12-20	75	0,5 кичик
Йилнинг иссиқ даври учун						
Ia	23-25	0,1	22-28	20-30	55; 28 °Сда	0,1-0,2
Iб	22-24	0,2	21-28	19-30	60; 27 °Сда	0,1-0,3
IIa	21-23	0,3	18-27	17-29	65; 26 °Сда	0,2-0,4
IIб	20-22	0,3	16-27	15-29	70; 25 °Сда	0,2-0,5
III	18-20	0,4	15-26	13-28	75; 24 °Сда	0,2-0,6

Изоҳ: 1) Ҳамма иш категориялари учун ҳавонинг энг мақбул нисбий намлиги 40...60%;

2) Суткалик ўртача температура +10 °С ва ундан юқори бўлса йилнинг иссиқ фасли дейилади, аксинча бўлса йилнинг совуқ фасли дейилади;

3) Ишчи смена давомида кўчиб ишлайдиган бўлса қайси иш ўрнида иш вақтининг икки соат ва ундан кўпроқ вақтини ўтказадиган бўлса шу иш ўрни асосий иш ўрни дейилади.



ЗАҲАРЛИ ВА ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ ТАДБИРЛАРИ.

Режа:

1. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган заҳарли ва зарарли моддалар (ЗЗМ).
2. ЗЗМларнинг инсон организмига таъсир қилиш хусусиятлари.
3. ЗЗМлардан ишловчиларни ҳимоя қилиш тадбирлари.

Мехнат қилиш жараёнида киши организмига салбий таъсир курсатадиган турли моддалар бўлиши мумкин.

Бу моддаларнинг узлари ёки уларнинг брикмалари ишловчилар организмига таъсир этиш оқибатида, улар касб касаллигига чалиниши, мехнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай йукотиши мумкин.

Бу моддалар кимёвий заҳарли ёки зарарли моддалардир. Ишлаб чиқариш шароитида ишчиларга зарарли моддаларнинг таъсирини билиш, улардан муҳофазаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришда заҳарланишлар.

Ишловчиларга кимёвий модуллар касбга доир фаолиятнинг купгина турларида ишлашда таъсир қилиши мумкин.

Ҳозирги даврда дунёда 5 млн. дан ортиқ кимёвий моддалар маълум. Шундан 60 мингга яқини ишлаб чиқаришда қўлланадиган.


Шу жумладан ГМТ олиб борладиган ишларда ҳам кимёвий заҳарлаш хусусиятига эга бўлган моддалар ишлатилади:

- полиметр пленкалар билан ишлашда;
- кудук қовлаш, кудукларни назорат қилишда;
- гидромеханизация ишларида;
- маҳсус сугориш ишларида;
- портловчи моддалар билан ишлаганда;
- гербицидлар ишлатганда;
- асбоб ускуналарни зарарсизлантиришда ва шу қабилар.

Заҳарли моддалар (ЗХМ) -деб, инсон организмига оз миқдорда тушиб, унда туқималар билан кимёвий ёки изик кимёвий узаро таъсирга киришадиган ва муайян шароитларда соғлиқни бузилишига олиб келадиган моддаларга айтилади.

Мехнат фаолияти шароитларида таъсир этадиган ЗХМ лар ишловчиларни иш қобилиятини пасайтиради, касбий касалликларга сабаб бўлади. Ишлаб чиқаришнинг (и/ч) ҳом ашё, оралик, ва охириги маҳсулотлари, аралашмалар, ёрдамчи моддалар, чиқиндиларни ҳам ЗХМ лар қаторига киритиш мумкин. ЗХМ лар қаттиқ суюқ, газ, парланган ҳолатларда бўлиши мумкин.

**Ишлаб чиқариш хонаси ҳавоси таркибидаги зарарли моддаларнинг энг
юқори йўл қўйиладиган концентрациялари**



Технологик жараёнларнинг ва иш зонасига захарли моддаларнинг тушишига қарши кураш воситаларининг ҳозирги даражасида ишчиларнинг нафас олиш зонасида захарларнинг бўлмаслигини талаб этиш, албатта, меъёрий ҳолат ҳисобланади. Шундай натижага эришиш эса жуда мушкул техник вазифа бўлиб, уни ато этиш катта моддий харажатлар билан боғлиқдир. Шунга кўра, меҳнат гигиенасида захарли ва зарарли моддаларнинг (ЗЗМ) ҳаводаги энг юқори йўл қўйиладиган концентрацияларни (ЭЮК), яъни безарар миқдорларини асослаш зарурати вужудга келди.


Захарли ва зарарли моддалар (ЗЗМ) - деб, инсон организмига оз миқдорда тушиб, унда туқималар билан кимёвий ёки физик - кимёвий узаро таъсирга киришадиган ва муайян шароитларда соғлиқнинг бузилишига олиб келадиган моддаларга айтилади.

Меҳнат фаолияти шароитларида таъсир этадиган ЗЗМлар ишловчиларни иш қобилиятини пасайтиради, касбий касалликларга сабаб бўлади. Ишлаб чиқаришнинг хом-ашё, оралик ва охириги маҳсулотлари, аралашмалар, ёрдамчи моддалар, чиқиндиларни ҳам ЗЗМлар каторига киритиш мумкин. ЗЗМлар каттик, суюқ, газ, пар ҳолатларда бўлиши мумкин.

ГОСТ 12.1.005-88 нинг "Иш зонаси ҳавоси" бўлимида бу энг юқори йўл қўйиладиган концентрациялар қуйидагича белгиланади: иш зонаси ҳавосида зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган зичлик миқдорлари 8 соат давомидаги кундалик ишда (дам олиш кунларидан ташқари) ёки бошқача давомлиликда, бироқ ҳафтасига 40 соатдан ошмаган меҳнат жараёнида, бутун иш фаолияти давомидаги иш жараёнида ёки ҳозирги ва келгуси авлодлар ҳаётининг кейинги даврларида замонавий текшириш усуллари билан аниқланадиган касалликлар ёки соғлиқ ҳолатида четланишлар келтириб чиқара олмайдиган концентрациялардир.

- Ишлаб чиқаришда энг юқори йўл қўйиладиган концентрацияларни белгилашда:
- а) моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳисобга олинади;
 - б) тажриба текшириш натижаларидан фойдаланилади;
 - в) ишлаб чиқаришдаги гигиеник кузатувлар маълумотларига, ишчиларнинг соғлиқ ҳолати ва касалланишга доир материалларга ҳам амал қилинади.

Ишлаб-чиқаришга янги киритиладиган кимёвий бирикмалар учун материалларнинг дастлабки икки гуруҳидан ва агар янги технологияни ишлаб чиқариш жараёнида лаборатория-ишлаб чиқариш ускуналарида олинган гигиеник маълумотлар бўлса, улардан ҳам фойдаланилади. Бундай ҳолларда тавсия этилган ЭЮК гигиеник кузатув маълумотлари, шунингдек корхоналаридаги ишчиларнинг соғлиқ ҳолати ва касалланиш маълумотларини йиғишга қадар, илгари таклиф этилган ЭЮК аниқлаш мақсадида вақтинчалик ҳисобланади. ЭЮКни асослашда моддаларнинг таркибий ва тузилиш формуласи, молекуляр массаси ва нисбий зичлиги, эриш ва қайнаш нуқтаси, турли муҳитларда эрувчанлиги, кимёвий реакцияга киришиш хусусияти ва захарли хоссаларнинг юзага чиқишига таъсир қила оладиган ва ҳаводаги захарнинг таъсир этадиган концентрациялари пайдо бўлиши имконини белгилайдиган қатор бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади. ЭЮКни белгилашда ҳаводаги моддани кимёвий ёки физик усулда текшириш мажбурий ҳисобланади.



Иш хонаси ҳавосидаги зарарли моддалар ЭЮКни белгилаш мақсадида тажр. тадқиқотлари тўлиқ ёки қисқартирилган ҳажмда бажарилиши мумкин. Охирги ҳолда тавсия этилган ЭЮКнинг тахминий миқдори ҳисоблаш усули ёрдамида олиниши мумкин.

Заҳарли моддаларнинг ЭЮКларидан ишлаб чиқаришдаги санитария шароитига, соғломлаштириш тадбирларининг, масалан, шамолатиш самарадорлигига баҳо беришда, шунингдек янги цехлар ва заводларни лойиҳалашда амалда фойдаланилади. Заҳарли моддалар ЭЮК рўйхати тинимсиз кенгаймоқда. ЭЮКлари эса гигиена фани назария ва амалиётдан олинган маълумотлар билан тўлдирилиб, қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги заҳарли моддаларнинг ЭЮК, шунингдек ишлаб чиқаришда қўлланиладиган заҳарларнинг заҳарлилик синфларига қараб ҳам белгиланади.

ГОСТ 12.1.007-76 га асосан заҳарли моддалар организмга таъсир кўрсатиш даражасига қараб 4 синфга бўлинади: ўта хавфли, юқори хавфли, ўртача хавфли ва кам хавфли моддалар.

Заҳарловчи моддаларнинг инсон организмга таъсири.

ЗЗМлар организмга умумий ёки маҳаллий таъсир килиши мумкин.

Умумий заҳарланишларда заҳар конга сурилиб, айрим органлар, асаб тизими кон ҳосил килиш органлари зарар кўради.

Маҳаллий заҳарланишда туқималар, терининг яллиғланиши каби ҳодисалар руй беради.

Заҳарланишнинг куйидаги шакллари мавжуд:

- ўткир заҳарланиш - киска муддатда катта миқдорда ЗЗМ таъсири натижасида рўй беради;
- сурункали заҳарланиш - организмга ЗЗМнинг нисбатан оз миқдорда, аста-секин, узок вақт давомида таъсири натижасида пайдо булади.

Ишлаб чиқаришда ЗЗМ жуда куп салбий оқибатларга ҳам сабаб булади. Улар организмнинг иммунбиологик қаршилигини пасайтиради: юқори нафас йуллари катори, сил, буйрак, юрак - қон томирлари тизими касалликлари кабилар ривожланишига имкон бериши мумкин.

Аллергик (астма, экзема ва бошқа), авлоддан авлодга ўтувчи, майиб-мажрухликка олиб келувчи ва бир қатор кейинчалик авж оладиган оқибатлар келтириб чиқарадиган ЗЗМлар мавжуд.

ЗЗМ ичида ўсмалар ривожланишига имкон берадиган канцероген моддалар мавжуд бўлиб, улар жумласига турли мураккаб моддалар киради.


ЗМнинг организмга таъсир қилиш йўллари.

ЗМ ларнинг организмга таъсирини бир қатор омиллар белгилайди. Турли моддаларнинг захарли таъсири организм, захар ва атроф-мухитнинг узаро таъсири натижаси ҳисобланади. У купгина омиллар:

- организм ёшига, жинсига, шахсий сезувчанлигига;
- захарнинг кимёвий тузилиши ва физик хоссаларига, микдорига, таъсир қилиш давомийлигига;
- микроклим кўрсаткичлари (ҳаво ҳарорати, босими, намлиги ва тезлиги) даражасига боғлиқ бўлиши мумкин.

ЗМ ларни ҳаводаги микдори қуйидагича назорат қилинади;

1. Лаборатория усули;
2. Экспресс- анализ усули (газоанализаторлар ёрдамида);
3. Автоматик усул (автоматик қурилмалар ёрдамида).



-расм. УГ-2 туридаги универсал газ анализатори:


1— ҳаво сўриш қурилмаси; 2 — шток; 3 — индикатор трубкаси; 4 — сингдирувчи порошокли трубка; 5— шкала; 6 — трубканинг ғилофи; 7—ускуналаручун футляр; 8— индикатор порошокли ампулалар; 9— сингдирувчи порошокли ампулалар; 10 — индикатор порошки учун бўш ампула; 11 — сингдирувчи порошокли учун ампула; 12 — жўмров; 13 — стержен; 14 — пжи; 15 — штьфек; 16 — пжи тайёрлаш учун шаблон; 17 — воронка; 18— сургуч қалпокли индикатор трубкаси; 19 — ишлатилган индикатор трубкаси; 20 — термометр.

**Баъзи бир зарарли моддаларнинг иш зонаси хавоси таркибидаги
энг юқори йўл қўйиладиган концентрациялари (ЭЮК), мг/м³**

№	Модданинг номи	Э.Ю.К.	Хавфли- лик синфи	Асосий агрегат ҳолати
Моддалар				
1	Аммиак	20	4	б
2	Ацетон	200	4	б
3	Ёқилғи бензин (углеродга нисбатан)	100	4	б
4	Олтингугурт ангидириди	10	2	б
5	Углерод оксиди	20	4	б
6	Симоб	0,01	1	б
7	Қўрғошин ва бирикмалари	0,01	1	а
8	Сульфат кислота	1	2	б
9	Туз кислотаси	5	2	б
10	Этилли эфир	0,15	2	б+а
11	Хлор	1	2	б
12	Сода	2	3	а
13	Скипидар	300	4	б
14	Фенол	0,3	2	б
15	Бензол	20	4	б
20	Пропилацетат	200	4	б
22	Синил кислота тузлари	0,3	2	б
23	Скипидар	300	4	б
24	Сульфат кислота	1	2	б
25	Сольвентлар	100	4	б
27	Толуол	50	3	б
28	Уайт-спирит	300	4	б
29	Озон	0,1	1	б

ЗЗМ таъсиридан химояланиш.

1. Заҳарли моддалар ишлатиладиган технологик жараёнларни камайитириш ёки умуман бартараф этиш.
2. Технология ва ускуналарни такомиллаштириш.
3. Гигиеник ва санитар-техник тадбирлар (авария шароити, ремонт ишларини заҳарланиш хавфи ошган шароитларда (гигиеник талабларга риоя қилиш гигиеник стандартлаш, хаво муҳитини назорат қилиш, индивидуал (шахсий) химоя воситалари ва Х.К.З
4. Санитария ва даволаш-профилактика тадбирлари.



ИШ ЖОЙЛАРИДАГИ ҲАВО ТАРКИБИДАГИ ЧАНГ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

Режа:

1. Чангнинг турлари ва уларнинг зарарли хусусиятлари.
2. Санитар меъёр томонидан турли чангларга белгиланган энг юқори йўл қўйиладиган концентрациялар ва уларнинг хавфлилиқ синфлари.
3. Ҳаводаги чанг миқдорини гравиметрик (массасини ўлчаш) услубда аниқлашнинг назарий асослари.
4. Ҳаво таркибидаги чанг миқдорини талаб даражасига келтириш тадбирлари.

1. Чангнинг турлари ва уларнинг зарарли хусусиятлари билан танишиш.

Сув ва қишлоқ хўжалигида бажариладиган жуда кўп технологик жараёнларни ва ишларни бажаришда инсон организмига салбий таъсир қилувчи чанг ҳосил бўлади. Масалан, чанг ер-тупроқ ишларини бажаришда, тупроққа ишлов беришда, ер текислашда, каналлар ва ариқларни актив ишчи органга эга бўлган мелиоратив машиналар билан қозишда, қурилиш ишларида, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда, транспорт ишларини бажаришда ва бошқа ишларда амалга оширишда жуда жадал равишда ажралиб чиқади.

Чанг деб ҳар қандай модда ва жисмларнинг ҳавода муаллақ ҳолда учиб юрган майда заррачаларига айтилади. Ҳавода учиб юрган чанг аэрозол деб, юзага чўккани эса аэрогел деб ҳам айтилади.

Келиб чиқишига қараб улар органик (ўсимлик ва бошқа тирик организмлардан ажралиб чиқадиган) ва ноорганик (турли қаттиқ моддалар, минераллар ва металллардан ажралиб чиқадиган) ҳамда юқоридаги иккисининг қўшилгани - аралаш чангларга бўлинади.

Ўлчамлари бўйича чанглар қуйидагича синфланади:

- кўзга кўринадиган чанглар – ўлчамлари 10 мкм катта;
- микроскопик чанглар – ўлчамлари 0,25 ... 10 мкм;
- ультрамикроскопик чанглар – ўлчамлари 0,25 мкм кичик.

Инсон организмига чанг зарарли таъсирининг даражаси нафас олишда ютилаётган чанг миқдорига, чанг заррачалари ўлчамларига, заррачалар шаклига, чангнинг кимёвий таркибига ва эрувчанлигига боғлиқ. Нафас олишда ютилаётган чанг миқдори эса иш ўрни ҳавосининг чангланганлик даражасига боғлиқ. Чангланган ҳаво ишлаш ва ундан нафас олиш натижасида одам организмнинг нафас олиш органлари, овқат ҳазм қилиш органлари, кўзи, териси ва бошқа органлари турли даражада зарарланиши мумкин. Шуларнинг ичида энг хавфлилари ўпка силикози, кўзга қорачиғининг хиралашиши, кўзда оқ парда ҳосил бўлиши, тери яллиғланиши, кичима ва бошқа тери касалликларидир.

Ўлчамлари 5 мкм дан кичик бўлган чанг заррачалари ўта хавфли ҳисобланади. Улар юқори нафас олиш органларида ушланиб қолмасдан ўпканинг ичги қисмига (альвеолга) чуқур кириб бориб силикоз (кварцли чангни ютганда),



рокоз (кўмир чангини ютганда), асбестоз (асбест чангини ютганда) ва кимё таркибига боғлиқ ҳолатда бошқа турдаги касалликларни келтириб чиқаради.

Чанг заҳарли ва заҳарсиз бўлиши мумкин. Бу унинг кимёвий таркибига боғлиқ. Заҳарли чанглар кукунсимон пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлаганда ҳосил бўлади. Бундан ташқари заҳарсиз чанг таркибида турли микроорганизмлар ва микроблар бўлиши мумкин. Бу ҳолат унинг зарарли таъсири оқибатини оғирлаштиради.

Баъзибир чанглар инсон соғлиғи учун хавфли бўлишидан ташқари ҳаво билан маълум бир концентрацияда аралашма ҳосил қилганда портлаш хусусиятига эга. Буларга кўмир, торф, ёғоч-тахта, шакар, ун, дон, тамаки ва тери маҳсулотлари чанглари киради. Баъзибир чанглар портлашининг пастки концентрация чегараси ва хавфлилики синфи 6-иловада келтирилган.

Чанглар, ўзининг абразивлик хусусиятига боғлиқ ҳолатда, машина ва механизмларнинг деталларининг ейилишини, бузилишини тезлаштиради, ишончлилигини пасайтиради. Бунинг натижасида турли авария ҳолатлари юзага келиб бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

Демак, ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринлари ҳавоси таркибидаги чанг миқдорини аниқлаш (ўлчаш), механик ва кимёвий таркибини таҳлил қилиш ва зурур ҳолатларда унинг миқдорини санитар меъёрлар талаби даражасигача камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш меҳнат шароитини яхшилаш бўйича ечиладиган масалаларнинг асосийларидандир.

Ишлаб чиқариш хона ҳавосининг чангланиш даражасини баҳолаш учун чангнинг ҳаводаги миқдорини (чанг концентрациясини), чангнинг кимёвий таркибини, унинг эрувчанлигини, заҳарлилиги ва чанг заррачалари шаклини билиш зарурдир.

Илмий изланишнинг мақсадига кўра ҳавонинг чангланишини даражасини гравиметрик (массасини ўлчаш), кониметрик (санаш), оптик электр, фотоэлектрик ва бошқа усуллар билан аниқлаш мумкин.

СН 245-71 ва ГОСТ 12.1.005-88 томонидан турли чанглар (аэрозоллар) учун, уларнинг фиброген ва заҳарлилики хусусиятларига боғлиқ равишда, ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринлари ҳавоси таркибида энг юқори йўл қуйиладиган концентрациялари (ЭЮК) ишлаб чиқилган (-жадвал). Бу концентрациялар чанг таркибида эркин ҳолда бўлиши мумкин бўлган кремний икки оксидининг (SiO_2) эркин ҳолдаги нисбий миқдорига боғлиқ (фоиз ҳисобида) ҳолда ҳам белгиланган.

Бзи бир зарарли моддаларнинг иш зонаси ҳавоси таркибидаги
 энг юқори йўл қўйиладиган концентрациялари (ЭЮК), мг/м³
 (СН 245-71 кўчирма)

№	Модданинг номи	ЭЮК, мг/м ³	Хавфлилик синфи	Агрегат ҳолати
1	2	3	4	5
Аэрозоллар (чанглар)				
1	Асбест	2	4	а
2	Асбоцемент	6	4	а
3	Дон чанги	2	4	а
4	Известняк	6	4	а
5	Таркибида 70% кўп кремний бор моддалар	1	3	а
6	Таркибида 10...70% кремний бор моддалар	2	4	а
7	Кўмир ва тупроқ чанги	4	4	а
8	Таркибида 10% дан кўп SiO ₂ , бўлган пахта, жун ва пух чанглари	2	4	а
9	Таркибида 2...10 % SiO ₂ бўлган пахта каноп, жун ва пух чанглари	4	4	а
10	Таркибида 2% кам SiO ₂ бўлган пахта, каноп, жун ва пух чанглари	6	4	а
11	Тамаки	1	2	а
12	Чой	3,0	3	а
13	Цемент, апатит	6	4	а
14	Капролактам	10	3	а
15	Кобальт ва кобальт оксиди	0,5	2	а
16	Марганец	0,3	2	а
17	Мис	1	2	а
18	Молибден	2	3	а
19	Молибден (чанг шаклидаги)	4	3	а
20	Молибден (эримайдиган)	6	3	а
21	Никель ва оксидлари	0,2	2	а
22	Никель тузлари	0,005	1	а
23	Чугун	6	4	а
24	Поливинилхлорид	6	3	а
25	Полипропилен	10	3	а
26	Полиэтилен (паст босимли)	10	3	а
27	Полиформальдегид	5	3	а

2. Массасини ўлчаш усули билан чанг миқдорини аниқлашнинг назарий асослари

Массасини ўлчаш усули билан ҳаводаги чанг миқдорини аниқлаш статик электрлаштирилган махсус АФА-ВП филтрлари орқали чангланган ҳавони (аэрозолни) сўриб ўтказишга ва филтрнинг тажрибадан олдинги ва кейинги массалари фарқини сўриб ўтказилган ҳаво ҳажмига бўлишга асосланган, яъни:

$$C_{\text{ч}} = \frac{\Delta m_{\text{ч}}}{V_0} \cdot 10^3 = \frac{m_2 - m_1}{V_0} \cdot 10^3, \quad \text{мг/м}^3 \quad (7)$$

бу ерда: $\Delta m_{\text{ч}}$ - ҳаводаги чанг миқдори, мг;

m_1 - филтрнинг тажрибадан олдинги массаси, мг;

m_2 - филтрнинг тажрибадан кейинги массаси, мг;

V_0 - тажрибада филтр орқали сўриб ўтказилган ҳавонинг нормал шароитда, яъни ҳаво температураси 0 °C ва босим 760 мм.сим.уст. тенг бўлганда эгаллаши мумкин бўлган ҳажми, л.

Тажриба вақтидаги мавжуд босим ва температурада филтр орқали сўриб ўтказилган ҳавонинг ҳажмини нормал шароитда эгаллаши мумкин бўлган ҳажмга келтириш қуйидаги ифода билан амалга оширилади:

$$V_0 = \frac{273 \cdot V_{\phi} \cdot P_{\phi}}{(273 + t) 760}, \quad \text{л} \quad (8)$$

бу ерда: P_{ϕ} - тажриба ўтказилаётган вақтдаги атмосфера босими мм.сим.уст.

t - тажриба ўтказилаётган вақтдаги ҳаво температураси, °C;

V_{ϕ} - тажриба ўтказилаётган вақтдаги мавжуд атмосфера босими ва температурасида филтр орқали сўриб ўтказилган ҳавонинг ҳажми, л.

Тажриба вақтида филтр орқали сўриб ўтказилган ҳавонинг ҳажми қуйидагича аниқланади:


$$V_{\phi} = \tau \cdot W_p, \quad \text{л} \quad (9)$$

бу ерда: W_p - реометр орқали ҳаво сўришнинг ҳажмий тезлиги, л/мин;

τ - тажриба вақтида филтр орқали ҳаво сўриш давомийлиги, мин.

Агарда (3) ва (2) ифодаларни (1) ифодага қўйсак, ҳар битта тажрибада ҳаводаги чанг миқдорини аниқлашнинг натижавий ифодасига эга бўламиз:

$$C_{\text{чи}} = \frac{760 \cdot 10^3 (273 + t) (m_{2i} - m_{1i})}{273 \cdot \tau \cdot W_p \cdot P_{\phi}}, \quad \text{мг/м}^3 \quad (10)$$



ерда: i - тажриба учун олинган филтърларнинг (ёки тажрибанинг) тартиб номери, ($i = 1 \dots n$).

Агарда бир туркум тажрибалар вақтида ҳаво босими, температураси, реометр орқали ҳаво сўриш тезлиги ва ҳаво сўриш давомийлиги ўзгармасдан қолса (4) ифодани қуйидаги шаклга келтириш мумкин:

$$C_{\text{чи}} = A(m_{2i} - m_{1i}), \quad \text{мг/м}^3 \quad (11)$$


бу ерда: A - ўзгармас сон;

$$A = \frac{760 \cdot 10^3 (273 + t)}{273 \cdot \tau \cdot W_{\phi} \cdot P_{\phi}}.$$

Ишлаб чиқаришда ҳавода чанг ҳосил бўлиш жараёни вақт бўйича ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, чангнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш учун бир нечта тажриба ўтказиш лозим бўлади.

4. Иш ўрнида ишловчиларга чанг таъсир қилишини бартараф қилиш ёки камайтириш бўйича тадбирлар

1. Иш ёки технологик жараённи бажараётганда чанг ҳосил бўлишининг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш.
2. Ҳосил бўлган чангнинг хона ёки иш ўрни ҳавоси таркибига тарқалишининг олдини олиш.
3. Герметик ёпиладиган машина ва механизмларда узлуксиз давом этувчи технологик жараёнларни тадбиқ этиш.
4. Технологик жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш.
5. Ишлаб чиқариш жараёнларини ва машиналарни масофадан туриб бошқаришни жорий қилиш.
6. Мелиоратив, қурилиш ва қишлоқ хўжалик машиналарида герметик кабиналарни қўллаш ва унга ҳаво тозалаш-совутиш қурилмаларини ўрнатиш.
7. Машина ва механизмлар контрукциясида маҳаллий ҳаво сўриш қурилмаларини қўллаш.
8. Ишлаб чиқариш хоналарида умумий ҳаво алмаштириш қурилмаларини ишлатиш.
9. Ишловчиларни шахсий ҳимоя воситалари (махсус кийим-бош, пойафзал, қўлқоп, респиратор, газниқоб ва кўзойнақлар) билан таъминлаш.



ИШЛАБ- ЧИҚАРИШ ХОНАЛАРИНИ ВА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЁРИТИШ.

Режа:

1. Ёритилганликнинг и/чдаги аҳамияти ва ёруғликни характерловчи катталиклар.
2. Ишлаб - чиқариш хоналарини ёритишнинг турлари ва ёритишга бўлган гигиеник талаблар.
3. Ёритиш асбоблари ва уларнинг гуруҳланиши.

Инсон атроф - муҳитдан оладиган маълумотнинг (информациянинг) деярли 95 % кўзи орқали олади. Қолган 5 % ҳид билишга, эшитишга ва интуицияга тўғри келади. Демак, инсон кўзи фақат ёритилганлик туфайлигина кўришини ҳисобга олсак, ёритилганликнинг и/чда ва умуман ҳаётда жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги тасаввурга эга бўламиз. Ёруғлик нури ва демак ёритилганлик инсон соғлиги ва унинг организмида кечаётган физиологик жараёнлар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Ишловчиларнинг иш унумдорлигини ва иш сифатини кўтаришда ҳамда меҳнат шароитларини яхшилашда и/ч хоналарни ва иш ўринларни ёритиш муҳим роль ўйнайди. Ёритилганлик меъерий талаблар даражасида бўлган ҳолатларда жароҳатланишнинг келиб чиқиш потенциал хавфи анча камаяди.

Ёритиш табиий ва сунъий булиши мумкин. Инсон организми учун энг маъқул бўлгани бу табиий ёритилганликдир.

Ишлаб чиқариш хоналарида табиий ёритишни лойиҳалаш асосий қоида ва меъёрлари "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари" (ҚМК) ва "Санитар меъёрлари" (СМ) билан белгиланади.


Ёруғлик нури - бу электромагнит тўлқини спектри оптик қисмининг кўзга кўринадиган қисмидир. Электромагнит тўлқини тўлқин узунлиги (λ), тўлқин частотаси (f) билан характерланади. Улар орасида қуйидагича ўзаро боғланиш мавжуд:

$$\lambda = \frac{c}{f}, \text{ бу ерда } c - \text{ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, м/с.}$$

Электромагнит тўлқини спектри оптик қисмининг тўлқин узунлиги $\lambda=10\ldots340000$ нм ташкил қилади. Шунинг ичидаги кўзга кўринадиган қисмнинг тўлқин узунлиги эса $\lambda=380\ldots760$ нм тенг.

Ёруғликни характерловчи катталикларга қуйидагилар киради: ёруғлик оқими, ёруғлик кучи, ёритилганлик, равшанлик.

Ёруғлик оқими - бу ёруғлик сезувчанлик буйича куз билан баҳоланадиган нузли энкргия оқимидир. Унинг бирлиги килиб люмен (лм) қабул килинган.



Расм. Электромагнит тўлкини спектрининг кўзга кўринадиган қисмида тўлқин узунлигига боғлиқ равишда кўзнинг рангларга сезгирлиги.

Ёруглик окимининг бушликдаги зичлиги билан бахоланадиган катталиқ ёруглик кучи деб аталади. Ёруглик кучи-бу ёрглик окимининг жисмга тушиш бурчагига нисбатидир.

Ёритганлик-юзаларнинг окими зичлиги билан характерланади. Ва у юзага тушаётган ёруглик окимининг шу юзага нисбати билан аникланади.

Ёритилганлик ёритилаётган юзанинг хусусиятларига (ранги, формаси.) боғлиқ эмас. Равшанлик юзага тушаётган ёруглик кучининг шу юзага нисбати билан аникланади.

2. Иш жойларининг табиий ва сунъий ёруглик билан ёритилиши мумкиин. Яна кушилган ёритиш ишлатилиш мумкин яъни табиий ёритиш норма буйича кам булганда, сунъий ёритиш куйилади (кушимча килинади).

Табиий ёритиш дераза, фонарлар оркали кирган ва таркалган ёруглик нури ёрдамида ишлаб-чиқариш хоналарини ёритишдир.

Табиий ёритиш 3 хил булиши мумкин:

- ён томондан (боковой)
- юкоридан (верхний)
- аралаш (комбинированный)

Табиий ёритиш коэффицентининг ўзгариш графиклари ишлаб чиқариш хоналаридаги ёритиш турига боғлиқ ҳолда 11-расмда келтирилган.

Табиий ёритишни меъёрлаштиришни табиий ёритилганлик коэффиценти (т.ё.к.) орқали амалга оширилади:

$$e = \frac{E_u}{E_T} \cdot 100, \quad \%$$

Табиий ёритганликнинг нормаси ҚМҚ II-4-79 буйича аникланган ва у куриладиган ишнинг характеристкаси, объектнинг энг кичик размерларига ва куриладиган ишнинг разрядига боғлиқ (8-разряд) .



Сунъий ёритганлик-табiiй ёритиш етарли булмаганда кулланилади, ҳамда иш зоналарни куннинг қаронги вақтларда ёритишда фойдаланилади. Сунъий ёритиш: умумий, маҳаллий ва комбинациялашган бўлиши мумкин.

Умумий ёритиш-ҳамда бинони ёритиш учун белгиланган, у текис ва яққалашган бўлади.

Умумий текис ёритишда ишлаш учун бинонинг (ёритиладиган бушликнинг) ҳамма жойида шароит ёритилади.

Яққалаштирилган умумий ёритишда жихозларнинг жойлашишига қараб ёритгичларни жойлаштириш кузда тутилади.

Маҳаллий ёритишда фақат ишчи сиртларни ёритиш учун кулланилади. У стационар ва кучма ҳолатда амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб-чиқариш биноларининг фақат маҳаллий ёритиш билан ёритиш тақиқланади.

Комбинациялашган ёритишни умумийга маҳаллийни қушиб амалга оширилади. У юқори, аниқликдаги ишларни бажариш учун кулланилади. Сунъий ёритишни нормаллаштириш қуриш ишларининг характеристикаларига боғлиқ ҳолда, ишчи сиртларининг минимал ёритганлиги билан амалга оширилади. ҚМҚ бўйича биринчи 5 та разряд учун, ҳамда уларнинг 4 тадаги подразрядлари учун (а,б,в,г) ёритганлик нормаллашган қиймати объектнинг кичик размерларидан ташқари, объектнинг контарсти (мос келмаслиги) ва фон характеристикасига ҳам боғлиқдир.

Кенг катта нормаллаштирилган ёритганлик 5000 лк (1-разряд), энг кичик 30-лк (VII_в - разряд).

ҚМҚ норма бўйича ишга ёритишдан ташқари аварияга 5 ёки 2 лк, эвакуация 0.2-0,5 лк ва қуриқлаш-0,5 лк ёритишлар мавжуддир.

3. Ишлаб-чиқаришга бўлган гигиеник талаблар қуйидагилардан иборат:


-сунъий манбалар билан ҳосил қилинган ёригликнинг спектр таркиби қуёшникига яқинлаштирилган бўлиши керак.

-ёритганликнинг даражаси гигиеник талаблар нормасига мос келадиган ва етарли бўлиши керак. (қуриш ишларини ҳисобга олган ҳолда).


-ёритиш ёруғлик манбаларига ва бошқа предметларга иш зонасига ялтироклик ҳосил қилмаслиги керак.

-биноларда ёритганлик даражаси текис ва турғунликни таъминлаш керак.

Қуйидаги 12 расмда ёритилганлик поясларининг жойлашиш схемалари келтирилган.




11-расм. Ишлаб чиқариш хоналарида ёритиш турига боғлиқ ҳолдаги табиий ёритилганлик даражаси графиклари.



12-расм.

Ёритилганлик

пояслари.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ.

Режа:

1. Техника хавфсизлиги тушунчаси.
2. Техника ва технологик жараёнларига, жихозларига ва механизация воситаларига бўлган умумий хавфсизлик талаблари
3. Машина ва механизмларининг хавфсизлигини баҳолаш
4. Хавфсизликнинг техник воситалари.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг характерли афзалликларидан бири уларнинг юкори унум билан ишлашлигидадир. Машиналар конструкциясининг мураккаблиги ва юкори режимларда ишлаши ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги талабларини кутаришга олиб келади.

Техника хавфсизлиги деганда биз шундай меҳнат хавфсизликни таъмирловчи шундай техник тадбирлар ва иш усулларини системасини тушунамиз. Техника хавфсизлиги бу меҳнат муҳофазасининг муҳим ташкил килувчи қисмидир.

Хар қандай техникада (машина ёки механизмда) жойлари (зоналари) бўлади.

Хавфли жойи деганда машинанинг ташқарисидаги ва ичидаги шундай бушлик тушунилади бунда шу жойда хизмат килаётган киши учун доимий ва даврий равишда хавф туғилиб туради.


Инженер-техник ходимлар олдида қўйилган муҳим масалаларидан бири инсон учун техникани хавфсиз қилишдир. Бундай техникани бошқарганда ишга хар қандай жароҳатланишдан хавфсизланади ва соғлиги учун ижобий бўлмаган омиллар бартараф қилинади, хавфсиз техникани яратиш давлат қонунларидан қурилади.

Машина ва механизмларнинг хавфли жойларига қуйидагиларини айтиш мумкин: айбланувчи ва улар, чархловчи станоклар, дискли пичок, занжирли, тишли узайтмалар, дентали транспортер, юк кутариш механизмлар, кесувчи механизмлар. хардан вали ва ҳақозалар.

И/ч жараёнлари қуйидаги хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.3.002-75 (сув ва қишлоқ хўжалигида):

сув ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигини қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

1. ишлаб чиқаришнинг илғор технологияси ва техник хизмат қилишнинг илғор усулларини қўллаш;
2. сув ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун омборларини яхши тутиш, машина ва механизмларни сақлаш.
- 3, ёрдамчи бино ва иншоотларни сифатли лойиҳалаш ва сақлаш.
- 4,. юкларни тайёрлашнинг, сақлашнинг, ташишнинг рационал усулларни танлаш дори ва ўғитларни рационал қўллаш.
5. сув ва қишлоқ хўжалигида бўлимларида иш жойларини рационал ташкил қилиш.
6. ишлаб чиқариш ускуналарни рационал жойлаштириш.
7. ишловчиларни касбий танлаш ва ўқитиш, уларни химоя воситалари билан таъминлаш.



8. Хавфсизлик талабларини технологик хужжатларга киритиш ва хавфсиз талабларини назорат қилиш.

Зарур ҳолатларда сув ва қишлоқ хўжалигида ишчилар учун рационал бўлган икки сменали меҳнат режими ва дам олишни жорий қилиш.

III. Жароҳатланишнинг ва касбий касалликларининг олдини олиш учун машина, механизм ва технологик жараёнларининг хавфсизлигини баҳолаш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

ГОСТ 12.2.002-81 бўйича синов пайтида машина конструкцияларининг хавфсизлиги қуйидаги методлар билан аниқланади:

қўриш, намунавий ишлатиш ва ўлчаш, талаблар билан таққослаш каби методлар билан ҳисобланади.

Бевосита қўриш ва намунавий ишлатиш билан қуйидагича аниқланади:

-Химоя кабинасининг тулалиги ҳамда қарқеснинг мустаҳкамлиги.

-Иш жойига чиқиш ва ундан тушишнинг хавфсизлиги, КХМ ни қўшиш ва ажратишнинг, техник қаров утқизишнинг, техник ва технологик бузилишларни тузатиш, машинани ишчи ҳолатдан утқизишнинг ва аксинча, ҳамда йулдан ва йул иншоотларидан ўтиш хавфсизликлари аниқланади.

-Куннинг қаронғи вақтида бошқаришнинг қулайлиги ва хавфсизлиги аниқланади.

-Ишчи органларини, асбобларни ва обзорли қулатишнинг қулайлиги аниқланади.

-Электр ва ёнғин хавфсизлиги аниқланади

-Сигнал тузилмалари ва асосий двигателни ут олувчи тизимларининг борлиги аниқланади.

-Машинанинг босим остида ва юқори температурада ишловчи ташкил қилувчи қисмларнинг хавфсизлигини таъминловчи воситаларнинг борлиги

-Меҳнат шароитини таъминловчи воситаларнинг борлиги жумладан қиздиригич, конденционерлар, ойна тозалагичлар, хавфсизлик камарлари, осма машиналарни транспорт ҳолатда ишлаб тувчи тузилмалар борлиги аниқланади.

-Хавфли жойларда тўсиқларнинг борлиги;

-Оёқ қўйиш нарвонлари, майдончалар, ва домкрат қўйиш жойлари борлиги.


Ўлчаш билан қуйидагилар аниқланади:

Бошқарадиган ғилдиракларда нағрузи, машинанинг статик тургумлиги, рул ғилдиракнинг осевой зазори ва тормозларнинг таъсир қилиш самарадорлиги; оператор иш жойининг розермерлари ва ундан қўриниш; оператор иш жойидаги шум, вибрация параметрлари; машинанинг габарит ўлчамлари; иш жойидаги хавонинг таркибидаги чанг ва зарарли парчаларнинг миқдори; хавфсизлик учун боғланадиган ременларнинг маҳкамланиши; қоронғи вақтида иш зонасининг ёритилганлиги аниқланади.

Хавфсизликнинг техник воситаларга: бокировкалар, тўсиқлар, сақланувчи тузилмалар, сигнализация воситалари, масофадан бошқариш ва автоматик бошқариш воситалари ва аварияга қарши тузилмалар қиради.

Технологиук жараёнларга бўладиган хавфсизлик талаблари қуйидагилардан иборат:

-хўжаликларда механизация, авитоматизация, масофадан бошқариш ўз вақтида таъмирлаш, ишларни планлаштириш, ташкил қилиш ва олиб бориш.



- Жихозларни ўз вақтида таъмирлаш ва созлаш

-Ишловчиларнинг хавфли ва зарарли и/ч омиллари билан буладиган узаро алокаларини бартараф қилиш.

-Хавфли ва зарарли омиллар пайдо бўладиган технологик операцияларини йўқотувчи ёки камайтрувчи операция 6-н олмаштириш

-Технологик жараёнларининг айрим операцияларидан хавфли ва зарарли омилларининг пайдо бўлиши ҳақида ўз вақтида маълумотлар олиб туриш.

Механизация воситалари ва и/ч жихозларига бўлган хавфсизлик талаблари-бу хавфсизлик, ишончилик ва ишлатилишда қулайликлардир.

Ишлаб чиқариш (и/ч) жихозларининг хавфсизлиги асосан уларнинг ҳаракат принципларини, конструктив схемаларни, материалларини, ишчи процесларини тугри танлаш ва бунда конструкцияда махсус химоя воситалари куллаш, механизация воситалари, автоматизация узокдан бошқаришни максимал куллаш бунда техник ҳужатларга монтаж қилишга, таъмирлашга, ишлатишга ,саклашга ва жихозларни ташишга хавфсизлик талабларини қўйилади.

И/ч жихозларга ва механизация воситаларига хавфсизлик талаблари тузилганда, уларнинг конструктив афзаллиги ва ишлашлари билан боглик булган ҳолда пайдо бўладиган салбий омилларнинг манбайини аниқлашга имкон берадиган ишларни бажариш тўғри бўлади. Янги жихозларни яратаётганда албатта уларнинг иш шароитларини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Улар портлаш ва ёнғинлардан хавфсиз бўлиши керак. Жихозлар иш зонасига зарарли нарсаларни ажратиб чиқмаслиги керак. Улар хавфсизликнинг техник воситалари , ўчиргичлар , тормозлар , автоматик тўхтагичлар билан таъминланган бўлиши керак, иш бажаришда хавфсиз ва қулай бўлиши керак., кнопкалар. речаглар ва бошқа аварияда учирувчи органлар ёзувлар бўлиши керак ва қизил ранг бўлиш керак.. ва енгил бўлмоғи зарурдир. Машина ва механизация лойиҳалашда албатта уларнинг эргономик талабларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Машиналарга асосан умумий ва махсус талаблар қўйилади.

Умумий талабларга қуйидагиларни айтишимиз мумкин;

1. Харажатланадиган ва айланадиган қисмлари конструкциянинг ичкарасида ёки тўсувчи қонухлар билан таъминланган бўлиши керак ва улар ишлашга ҳлаkit бермаслиги керак улар қуйилмаганда сигнализация бўлмоғи зарур.



2. Конструкциянинг элементларида-уткир бурчаклар , қирралар, нотекис юзалар бўлмаслиги керак. И/ч жихозларида тасодифан тегиб кетадиган иссиқ ва совуқ қисмлар бўлмаслиги керак.

3. Жихозларнинг ташкил қилувчи қисмлари шундай ҳисоб билан қилинган бўлиши керакки , улар тасодифан ишдан чиқиб хавф туғдирмаслиги керак.

4. Машиналарнинг транспорт ҳолатдаги гобарит ўлчамлари электр ўтказгичлар тагидан, йўлда, йўл иншоотларида ўтганда қулай ва хавфсиз бўлиши керак

5. Ишлаб чиқарилган газлар таркибида зарарли газлар концентрациясининг миқдори оператор ўтирадиган жойда руҳсат қилинган нормадан ошмаслиги керак.

Махсус талаблар ҳар битта мелиоратив ва қурилиш машинасига алоҳида қўйилади.



Маъруза -7(ЕТК) **ТОПОГРАФИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК -ГЕОДЕЗИЯ** **ИШЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ.**

Режа:

1. Нивелир ва полигонометрия ишлари
2. Самолётда расмга тушириши.
3. Курилиш майдонига талаблар ва курилиш -монтаж ишлари.
- 4.Йўл ва кўприклар устида ва аҳоли яшайдиган пунктларда ишлаш.

1. Нивелир полигонометрия ишлари.

Бу ишларни олиб бориш учун куп холларда темир ва автомобиль йуллари ёки (буйи) режалаштирилади. Бу холларда утувчи транспортдан жарохатланиш хавфи тугилади. Агар ишлар темир йул чегарасида олиб борилса бу Вазирлик ва темир йул маҳаллий раҳбарияти коид ва инструкцияларини бажарилиши талаб қилинади.

Иш раҳбари поездлар ўтиш жадвали билан танишиши керак. Ишдан олдин бригаданинг хийма аъзолари инструктаждан ўтиши керак. Ишчилар қиядиган кийимлар огохлантрувчи кизгиш-сарик,рангда булиши керак.

Автомобиль йулларида иш олиб борилганида йулнинг транспорт катновчи қисмида узок муддат турмаслик керак. Кул асбобларини факат йул четларига куйиб туришга рухсат берилади , Йулда катнаганда (юрганда) автотранспортга карама-карши юриши керак.

Йул устида иш олиб борганда иш жойидан хар томонда 120-180 м. Масофада огохлантрувчи белги “Бошка турдаги хафлар “ кйилади; иш жойининг атрофида кизил рангдаги атрофини ураб утувчи химоя мосламаси куйилади.

Йулларнинг хар иккала турида хам кучли шамол , туман ва емгирда, яшин хавфида , йул музлаганда ишлаш тақиқланади.


Ишга қабул қилиши даврида кузги ва кулоғи ожиз кишиларни , хушидан кетиб қолувчиларни йулларда ишлашга рухсат берилмайди.

2. Самолётда расмга тушиш.

Самолётда расмга туширишдан олдин бу самолётларнинг ишга тайёрганлиги астойдил текширилади, яъни қўл асбоблари комплектлиги , эҳтиёт қисмлар ва силги етарлиги ва ҳакозо.

Авиаотория буйруғи расмга тушириш партияси бошлиғи тайинланади. Бу шахс партиянинг ишлаб-чиқариш, техник ва хужалик фаолиятига жавоб беради.

Самолёт командири ва расмчи-штурман учишидан олдин иш бажариладиган район об-хаво шароитларини , эҳтиёт аэродроми бор-йўқлиги ва бошқа маълумотларни оладилар.



Расмга тушириш-учиш жараёнида корабл командири партия бошлиғи билан мунтазам алоқа боғлаб туради, унга об-хаво, узоқни кура-билиш тўғрисида маълумот бера боради ва зарур ҳолларда унинг буйруғи билан учишни тухтатади.

Самолёт ҳавога кўтарилиши ва куниш даврида экипаж аъзолари ўз иш жойларида ўтириши, расмга тушириш асбоб ва апаратларини текширмасликлари, командирни гапга тутиб эътиборини тортмасликлари, ўзлари сезган хавф тўғрисида огоҳлантиришлари керак.

3. Қурилиш майдонига талаблар ва қурилиш-монтаж ишлари.

Қурилиш майдонининг бош плани тузилганида хавфсиз иш бажаришнинг ҳамма шароитлари қўзда тутилади. Айниқса хавли зоналарни ишлаш, бирта қурилиш майдонида бир неча ташкилотининг ҳамкорликда ишлаши, техниканинг туپланиш жараёнларига катта эътибор берилади.

Хавфли ишларга қўйидагилар қиради.

- чуқур траншея ва котлованлар билан боғлиқ ишлар;
 - портлаш ишлари
 - катта баландликдаги монтаж ишлари
 - оғир конструкция ва ускуналарни ташиш ва монтаж ишлари ва ҳакозо.
- Аҳоли яшаш жойларида қурилиш майдони 2 м баландликдаги девор билан тусилади. қурилиш майдонининг ҳамма жойида қўйидагилар қўзда тутилади:
- ўтиш ва транспорт юриш йўлларининг хавфсиз эни (йўлакча-0,8 м, транспорт йўли 2,5 м);
 - ариқчалар , траншеялар , вақтинчалик сув тармоқи кабилар устидан куприкчалар;
 - маиший -санитар бинолари;
 - ўтиш юриш жойларига белгилар -кўрсаткичлар;
 - йўлакчалар қиялиги 20° дан ошганда зинапоя ёки қўл билан тутиб юриш мосламаси;
 - чоррахаларни сигнализация (ёруғлик-светофор) билан таъминлаш, темир йўл чоррахасини шлагбаум билан , уларни кечки пайт ёритиши;

Портловчи моддалар махсус кўрсатмаларга асосан сақланади , ишлатилади ва ҳисобга олиб борилади.

Электр узатиш йўллари (ЛЭ) ва ускуналари билан ишлаганда махсус қоидаларга риоя қилинади.


Эксковаторда котлован қазиганда қўйидагилар таққиқланади:

- хавфли зонада туриш ва юриш:
- котлован девори четида туриш,
- котлован ва траншея ичида дам олиш, ухлаш.

Агар иш бажарилаётган жойнинг остидан коммуникация йўли (газ, электр, юқори босимлик труба) ўтган бўлса, ер навлаш ишлаши шу йўлларни ишлатувчи корхона назорати остида олиб борилади.

Юқорида ишлаганда ишчилар белбоғ (пояс) билан ўзларини боғлаб ишлашлари керак.

Қўзга кўринувчи жойда жароҳатланган кишиларга “тез ёрдам” машинасини ва врачни чақириш йўллари ёзиб (белгилари илан) қўйилади.



4. Йўл ва кўприк қуриш, аҳоли яшаш пунктларида ишлаш.

Йўл қурилишидаги геодезик ўлчовларни олиб боришди, коръерда, тош майдаловчи ускунада портлаш ишлари олиб бориловчи районларда, электроэнергетика иншоотлари қурилиш зоналарида иш бажаришда эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиш керак.

Тош, гравий ва кум карерларида иш бажаришда шовқин ва чанг таъсирида касб касалликлари ривожланиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун:

- Ш.Х.В (респиратор, кузойнак, маска, “Беруши”, наушник каби) лардан фойдаланиш;

- нафас йўли органлари ва эшитиш органлари касаллиги бу шчиларни бу ишларга жалб қилмаслик керак.


Йўл қурилиш ишларида куйидаги холларда бахтсиз ходисалар бўлиши мумкин;

- қазилма деворининг қўллашидан;

- тош майдаловчи ускунадан отилиб кетган тошдан.

Шунинг учун геодезистнинг иш жойи хавфли зокадан ташқарида сақланиши керак.

Портлаш ишлари олиб бориловчи зонада геодезия ишларини бажаришдан олдин геодезист махсус инструктаждан ўтиши ва “Йўл қурилишидаги портлаш ишларининг техника хавфсизлиги қоидалари” ни ўрганиши керак.



Маъруза-7(СХМИМ)

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ

1. Мелиоратив машиналар ва тракторлари конструкциясига куйиладиган хавфсизлик талаблари.

Тракторлар ва мелиоратив машиналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқишнинг замонавий принциплари (тамойиллари) техника хавфсизлиги эргономика ва ишлаб чиқариш санитариясининг асосий талабларини ҳисобга олиши зарур. Бу талабларни ҳисобга олмаган янги машина лойиҳалари тасдиқланмайди ва ишлаб чиқаришга қабул килинмайди.

Тракторлар ва мелиоратив машиналар конструкцияларига бўлган техника хавфсизлиги талаблари ГОСТ 12,2.019-86, ГОСТ 12,2.111-85 ва "Санитарными правилами по устройству тракторов и сельскохозяйственных машин" N 4282-87 келтирилган.

Мелиоратив машиналар иш куруллари, асбоб-ускуналар ва агрегатларнинг конструкциялари меҳнат хавфсизлигининг амалдаги стандартларига мос келиши керак.

Тракторлар, мелиоратив машиналарни техник ҳолати тайёрловчи заводларнинг инструкциясида баён қилинган техникавий тавсифи талабларига ҳамда мазкур қоидаларга тўла мос келиши керак.

Машиналарнинг ҳаракатланувчи, айланувчи қисмлари хизмат кўрсатувчи ходимларнинг беҳатар ишлашини таъминлайдиган даражада химоя тўсиқлари билан ёпилган бўлиши лозим. химоя тўсиқларидаги ёзувлар тўсиқлар ранги ҳам талаб даражасида бўлиши лозим.

Трактор ва машиналарнинг асосий қисмлари - двигатель, шасси, трансмиссия, тормоз, рул, кабина, электр жиҳозлари, пневмо- ёки гидросистемаси ҳолатлари шу қисмларга бўлган стандартлар талаблари даражасида бўлиши лозим.

Кабина ва бошқа иш ўринларидаги санитар-гигиеник ҳолатни таъминлаш (шовкин, титраш, газ, чанг концентрацияси, ҳарорат, намлик, ҳаво ҳаракати ва бошқа) санитар меъёрлар талаби даражасида бўлиши керак.

ГОСТ 19677-87 бўйича ҳамма тракторлар электр стартерли ўт олдириш ва бошқа электрмеханик асбоблар билан таъминланган бўлиши керак ва х.к.

2. Механизациялашган ишларни бажаришга булган умумий хавфсизлик талаблари.

2.1. Хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлган талаблар.

Механизациялаштирилган ишларни бажаришда хавфли ҳолатлар ва жароҳатланишлар юз беришининг олдини олишда хизмат кўрсатувчи ходимлар асосий ўринни эгаллайди. Кейинги пайтда олиб борилган таҳлил шуни кўрсататдики техносферадаги авария ҳолатларининг 66% хизмат кўрсатувчи



имлар айби билан содир бўлган. Шу сабабли ишлаб чиқариш жараёни қўлланиладиган машина-механизмларга боғлиқ ҳолатда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг физиологик, психофизиологик, психологик, антропометрик кўрсаткичларига маълум бир талаблар қўйилади. Улар даврий равишда, ўрнатилган тартиб бўйича тиббий кўрикдан ўтиб туриши лозим. ГОСТ 12.0.004-78 ва ГОСТ 46.0.126-82 бўйича хавфсизлик бўйича йўриқномалардан ўтиши керак.

Машиналарни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлмаган ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича инструктаж (йўриқнома)дан ўтмаган шахслар, шунингдек, 17 ёшга етмаган ёшларни тракторлар, мураккаб машиналар ва махсус машиналарни бошқаришга йўл қўйилмаслиги керак. "Механизатор" касби бўйича меҳнат таълими курсини тугатган, ҳамда ўзи юрар мелиоратив машиналарни бошқариш ҳудудига эга бўлган, белгиланган тартибда тегишли гувоҳнома олган 17 ёшли ёшлар мураббий раҳбарлиги остида ишга қўйилиши мумкин. Механизатор хотин-қизларнинг ишини ташкил қилиш амалдаги махсус талаб ва қоидалар асосида олиб борилиши керак.

Машина тузилишини, уни зарур ҳолларда созлашни ўрганган ҳамда техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномалардан ўтган, 16 ёшга тўлган шахсларни истисно тариқасида мураккаб бўлмаган ва бошқариш учун ҳуқуқ талаб қилинмайдиган мелиоратив машиналарда ишлашга йўл қўйилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрий ҳужжат ва талабларини бузган ишчилар ҳўжалик ички тартиби ва меҳнат муҳофазаси талаблари асосида жавобгарликка тортилади.

Маст ҳолдаги ишчи-хизматчилар умуман ишга қўйилмайди.

2.2. Механизациялаштирилган ишларни бажаришда умумий хавфсизлик талаблари.


ГОСТ 46.0.141-83 га мувофиқ ишга қўйиладиган тракторлар, мелиоратив машиналар ва бошқа механизмлар, ускуналар соз ҳолатда бўлиши ва ишдан олдин текширилиши лозим. Ҳамма ҳаракат қилувчи қисмлар тўсиқлар билан тўсилган (сарик ёки қизил рангдаги) бўлиши лозим.

қуйидагилар йўл қўйилмайди:

- ёқилғи оқиши;
- мой ва сув оқиши;
- қолдиқ газларнинг сизиб чиқиши;
- электр қисмдаги чакнашлар;
- электр ўтказгичларнинг ва пневмо-гидро шлангларнинг ҳаракатдаги қисмларга тегиши;
- хавфли кимёвий моддаларнинг (пестицид, гербицид ва х.к.) трактор қисмларига оқиши ёки тўкилиши ва х.к.
- алоҳида эътибор билан бошқариш механизми, уланиш муфтаси, тормоз тизими, юриш механизмлари ва х.к. текширилиши лозим;
- электр ёритиш тизими созлиги текширилиши керак.

Маъмурият машинани бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларни шу машинани ишлатиш бўйича йўриқнома билан таъминлаши керак.

Ишга чиқиш махсус текширув ва рўйхатдан кейин йўл қўйилади.





Техника ишлайдиган зона ва участкаларда, кабиналарда бегона шахс бўлиши йўл қўйилмайди. Иш вақтида ва двигатель ишлаб турган вақтда машина ва механизмларда созлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ўтказиш таққиқланади.

Осма машиналарни кўтарилган ҳолатда қолдириш ва созлаш таққиқланади.

Ағдарилиб кетишнинг олдини олиш мақсадида трактор ва комбайнларнинг нишаблиги 8-9 град. бўлган далаларда ишлаши таққиқланади. Улар нишабликни назорат қилиш асбоблари билан таъминланган бўлиши керак.

Хизмат кўрсатувчи ходимлар дала шароитида дам олиш учун дала шийпонлари бўлиши керак. Махсус ишлатилмаган жойларда дам олиш таққиқланади.



МАЪРУЗА-6. ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТИЗИМЛАРДА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Режа:

1. Гидромелиоратив тизимларда (ГМТ) меҳнат хавфсизлигини таъминлашда умумий қоидалар.
2. Ер ишларини бажаришда меҳнат хавфсизлиги (МХ).
3. Монтаж , бургулаш, кудук казишда меҳнат хавфсизлиги (МХ).

Гидромелиоратив тизимларда меҳнат хавфсизлигини таъминлашда умумий қоидалар.

Хар қандай объектдаги каби, гидромелиоратив тизимларига қарашли жойларда иш олиб борилганда барча ишчилар жойида меҳнат хавфсизлиги таъминланган бўлиши лозим.

Хар бир бажариладиган иш бўйича шу иш бажарилишига тегишли бўлган “Ишлаб чиқариш ишлари лойиҳаси “ ёки бошқа тегишли тасдиқланган ҳужжат бўлиши лозим.

Шундай ҳужжат асосида иш турига қараб иш жойини ташкил қилиш, тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Қурилиш, таъмирлаш, қайта қуриш ишлари амалга оширилган майдон ташқи муҳитдан тусиқлар билан ажратилади, махсус хавфсизлик белгилари урнатилади. Иш майдонида ишчилар учун зарур бўлган шароитлар яратилиши жуда муҳим масаладир.

Иш жойларини ташкил қилишда ҳам, ишлаётган хар бир ишчининг ҳаёти ва соғлиғига бирор предмет ёки воситалар томонидан хавф солинмаслиги , бемалол меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиши даркор.

Хавфли зоналар деб иш бажариш жойларида ишчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф тугдириш мумкин бўлган иш жойлари, майдонларига нисбатан айтилади.

Маълумотлар бўйича, бахтсиз ҳодисаларнинг 20%га яқини қурилишда, хавфли зоналарда содир бўлар экан.

Хавфли зоналарга: котлован ва зовур киргоклари, электр узатиш линиялари атрофи (30 м) транспорт воситалари, ишлайдиган механизмлар атрофи ва шу қабилар қиради (плакатлар).

Ер ишларини бажаришда МХ.

Гидромелиоратив ишларни бажаришда аҳоли пунктлари (ва коммуникацияларига бевосита яқин жойларда тупрок) ҳамда йул ёқаларидаги участкаларда иш олиб борилса, у ерлар тусилган бўлиши лозим.

Ер ости линиялари ва коммуникацияларига бевосита яқин жойларда тупрок қавлаш ишлари факат қулда белқурак билан бажарилади. Лом, пона ва пневматик қуроллар ишлатиш матн этилади.



Чукурлиги 3 м. гача булган котлован ва траншеяларнинг тик деворлар, махкамлаш инвентардаги шитлар билан куйидагича баён килинадиган талабларга кура бажариш зарур. Башарти бундай шитлар йук булса, табиий намликка эга тупрокда (кумли тупрокдан бошка) камида 40 мм. калинликдаги тахтадан, кумли тупрокда ва ошикча намликдаги тупрокда камида 50 мм. тахтадан фойдаланишга йул куйилади, бу тахталар тик устунлар урнида хар бири 1,5 м. масофада урнаатилади, махкамлаш тиргаклари бир-биридан тик холда камида 1 м. масофада урнатилади, уларнинг юкори ва пастки учларига белгилар кокилади, махкамлаш устки тахтаси чукурлик чеккасига камида 0,15 см. коплаб урнатилади.

Тупрок катлами
Табиий намликдаги,
сочилувчан тупрокдан
ташкари
Ошикча намликдаги ва
сочилувчан тупрокда

Ер ости сувлари кучли
окиб турувчи барча тупрок
катламида

Махкамлаш турлари
Ётигига махкамлаш, бир
тахта урни ерда буш
колдирилади.
Тахталарни бир-бирига
зичлаб тикка ёки етигига
махкамлаш
Сув утмайдиган катламга
тушалган холда камида
0,75 м. чукурликда ер
ости сувларидан
пастда тусиб турувчи
шпунтлар кокилади.



Траншея кумилаётганда махкамланган тахталарни пастдан юкорига томон иш бошининг ёки уни алмаштирувчи шахснинг иштирокида кучириб олиш зарур. Бунда бир варакайига кучириб олинаётган тахта юкорига нисбатан учтадан ошмаслиги, сочилувчан тупрокда эса битта булиши лозим. Тахталар кучириб олинаётганда ушанга мослаб тиргакларни кайтадан урнатиш лозим. Сувга туйинган (окма), сочилувчан тупрокда махкамланган тахталарининг бир кисмини ёки хаммасини тупрокда колдириш лозим.

Ута намликка эга, кумли, урмонтус ва уйма тупрокларда котлован ва траншеяларни тикка деворни махкамламасдан туриб казиш ман килинади.

Ёмгир, кор ва бошка сувлар билан туйинган лой тупрокда казилган котлован ва траншеяларни кияликнинг тик калинлиги жадвалда курсатилганидан 1:1 гача (450) камайтириш зарур. Кияликнинг тиккалигини камайтириш хакида прораб акт тузиши шарт.

Чукурлиги 1 м.дан зиёд карераларни эксковаторнинг тескари лопаткаси билан казишга йул куймайди. Тутри лопатка билан ишлаётганда остидан ковлашга йул куйилмайди.

Табиий намликка эга хамда ер ости сувлари булмаган тупрокда катта чукурликда махкамлаш воситаларисиз котловон ва траншеялар казиётганда белгиланган нормаларни хисобга олиб кияликлар хосил килиб ишлаш лозим.



Темир-бетон конструкцияларини монтаж ва демонтаж ишлари

Мелиоратив курилишда, кувир утказиш ишларида, ортиш ва тукиш ишларида, монтаж ишлари олиб борилади. Гидротехник иншоотларида монтаж ишларини олиб боришда тасдиқланган лойиха булиши лозим. Лойиха хавфсизлик ва ёнгинга қарши талабларига жавоб бериши лозим. Бу лойихасиз монтаж ишларини бошлаш ман этилади. Монтаж ишларини бажаришда тиббиёт қуригидан утган, шу дастурдан имтихон топширган махсус ҳужжат олган 18 ёшдан кичик бўлмаган шахсларга рухсат этилади.

Ҳамма ишчилар, ишга тушишидан олдин хавфсизлик йуриқномасидан (инструктаж) утишлари лозим.

Гидромелиоратив иншоотларини қуришда, топшириқларни бажаришда хавфли бўлган зоналарга утказилаётган ишчиларга ёзма равишда наряд- рухсатномалар берилади. У ерда хавфли зоналар ва хавфсизлик ҳақида баён этилади.

Хавфлилик даражасини бош инженер аниқлайди ҳамда унга кул қуяди.

Иш тухтагандан сунг наряд - рухсатномаси уз қучини йукотади ва иш бошлаганда янғиси берилади.

Бу ишларни бажаришда 18 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлмаган шахсларгина қуйилмайдилар.

Ҳамма ишчилар махсус қийим билан таъминланишлари керак, махсус қийимсиз ишлаш ман қилинади.

Гидромелиоратив иншоотларда монтаж ишларини бажаришдан олдин у ерда ер ишларини бажариш лозим.

Темир- бетон буюмлари (плита, латок, блоклар) махсус машиналарда ташиб утилади.

Йигма темир-бетон буюмлари уз маркировкаси ва ёзувчи билан бўлиниши керак.

Уларни ортиш ва тушуришда бошқа нарсаларга уриб олишдан эҳтиёт қилиш керак.

Уларни қутариб олишда ҳатоликка йул қуйилса дарҳол тушуриб, қайтадан қутариш лозим.


Бурғулаш ва қудуқлар қазиш ишлари

Мелиоратив курилишда бурғулаш ишлари, лойихавий изланишда, сув қувурлари утказишда, яйловларда сув ўтказишда, ишлаб чиқаришни сув билан таъминлаш бажарилади.

У ерда ишлаётган шахс ишга, йуриқномадан (инструктаж) утган, хавфсизлик ва иш жойида хавфсизлик йуриқномасини утгач қуйилади ва улар ҳар чоракда бир маротаба қайта текширилади.

Демонтаж ва монтаж ишларини олиб боришда катта тажрибага эга монтажчилар қуйиладилар.

Ҳамма хизматчи ва инженер - техник ишчилар, қазиш ишларини амалга оширишда махсус каскалар, қийимлари керак, бу каскалар совуқдан асрайди ва махсус қийим.



казиш агрегати хаёт фаолият навбат бошида казиш устаси томонидан текширилиши керак, бош уста 2 ойда бир марта текширилади.

Текшириш натижаларини казиш устаси, казиш дафтарига, бош уста эса “Техника хавфсизлиги дафтарига ёзиб қуяди”.

Техниканинг носозлиги иш бошлашдан олдин тузатилиши керак.

Аҳоли пунктлари ва саноат пунктлари ҳудудида олиб борилаётган кудук казиш ишларида монтерлик ишларини бажариш учун вишкарлар 30 м.дан баланд бўлмаслиги керак, ва қушимча ишлар бажарилиши лозимки ХОМК хавфсизлиги тامينланади. Махаллий Давлат техника назорат ва ёнгиндан саклаш йуриқномаси билан ҳамкорликда бажарилади.

Иш вақтида казиш ускуналарини тезлигини ошириш ёки камайитириш мумкин эмас. Носоз тормозлар билан ишлаш катиян таъқиқланади. Пастга тушириладиган қувирлар ва элеваторларни тагида туриб қолиш ман қилинади.

Иш қилинаётган пайтда юк туриши мумкин эмас.

Сугориш ишлари хавфсизлиги.

Сунъий ёмғир ёғдирувчи машиналар ва қурилмаларни ишлатишда хавфсизлик техникаси.

Ишни бошлашдан олдин ёмғирлатувчи машиналарни қуриқдан утказиш ташкил қилиниши лозим, сув босими ишлаб турган ҳолда, сув қувури бирлашган халқаларнинг зич (герметик) ёпилганлиги, химоя кожухларининг бор-йўқлиги, ёмғирлатувчи қурилмаларнинг ишлаши, сув утказгич поясидаги сув туқиш клапанларининг ёйилиб кетиши текширилиб турилади.


Сугориш тармогининг гидроктини очаётганда гидравлик урилишнинг рўй беришга йўл қўймаслиги керак. Сув қувурига қираётган сув босими техникавий шароитларда қурсатилганидан ошмаслиги лозим.

Ёмғирлатиш машинасига сув бераётган гидрант қопкоғи 1-2 минут давомида шошилмасдан очилади.

Ёмғирлатиш техникаси ва асбоб ускунасига техникавий хизмат қурсатиш, носозликларни, айни пайтда угитларни сонини ва чорвачилик оқоваларини чиқариш бўйича барча ишларни ёмғирлатиш машинасига угит қоришмаси беришни тўхтатгандан кейингина, ҳамда уни олдиндан тоза сув билан ювилади, сунг бажариш лозим. Хар гал угитлаш сугориш утказилгач орадан 10-13 м. утгач ёмғирлатиш техникасини тоза сув билан тозалаб (ювиб) туриш мақсадга мувофиқдир.

Ток билан ишлайдиган ёмғирлатиш машиналаридан фойдаланиш жараёнида қаида хар уч ойда бир марта симларнинг изоляция билан қопланиши ва электродвигателларнинг изоляция билан уралишини текшириб қуриш ва улчов маълумотларини махсус дафтарга қайд қилиб қўйиш лозим. Электр тоқи қаршилиғи 0,3 NO км.дан қам бўлганда электр асбоб-ускунасини қуриқдан утқазиб, носозликларни тузатиш лозим.

Текширишни электрик утқазиши зарур.




Насос станцияни ишлатишда юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларда химоялаш

Насос станциядаги гидротехник асбоб-ускуналарга ва гидротехник иншоотларга хизмат кўрсатишда турли эҳтиёт чоралари қурилиши талаб қилинади. Гидромеханик асбоб-ускуналарнинг ҳамма айланадиган қисмлари эҳтиётлаб қуйилиши лозим. Машина золида поли курук, бўлиши керак. Машина золида кучланиш 12 В бўлгандагина кучма ёриткичлардан фойдаланиш мумкин. Ҳамма қуприкчалар, утиш жойлари ва дераза эшик уринлари, босими бассейнлари ва солт сув ташлагичлари бош участкалари панжаралар билан тусиб қуйилади. Керак бўлган жойларда иншоотларнинг айтиб утилган жойлари, шунингдек, сув хавзаси ёритилади.

Ҳас чупларни тутиб қолувчи панжаралардаги ахлатни тозалаб олишда, тозалаш машиналари ва мосламаларининг тросларидан ушлаб туриш ёки тикилиб қолган ахлатни “узиға” томон тортиб тозалаш мумкин эмас, электр билан иситиладиган панжараларни ерга улаш лозим.

Насос станциясида қурилма ва анжомларни таъминлаш (анжомлари) ишларининг бир қисми бино ичидаги таъминлаш майдончасида бажарилади ва бунда электр токи ёрдамида пайвандлашдан фойдаланилади. Пайвандлаш ишларини махсус уқиган, хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфсизлиги бўйича билимлари синалган шахслар олиб бориши керак. Пайвандчи ишни бажариш жараёнида турли хил қуйишлар ва шикастлардан химоя қилиш мақсадида брезентдан тайёрланган махсус қийим - бош билан таъминланади. Электр учқуни таъсиридан юзни ва қузни химоялаш учун светофилтр урнатиладиган масқали шитлардан фойдаланилади. Электр пайвандчилари ГОСТ 13.03.0003-75. ГОСТ 12.3. 002-75 ҳамда СНИП 3 - 4-80 талаблари ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари асосида бажарилиши керак. Ишни бажаришдан олдин пайванд аппаратлари трансформаторларнинг корпуслари, пайвандловчи конструкция ва буюмлар ерга уланиши керак электроаппаратлар, пайванд кабеллари электродумлагич ва масқаси шитларни ишлатишдан олдин яхшилаб текшириб қурилади. Электр тармоғи билан пайванд аппарати оралигидаги электр симнинг узунлиги 10м. дан ошмаслиги, электродга боровчи кабелнинг узунлиги эса 15-25 м. бўлиши лозим. Эл. кабеллари сувдан ва турли мойлардан химояланади. Химояланган ёки шикастланган ва очилиб қолган кабеллар алмаштирилади ёки очик жойига резина шланг тақиб хавфсизлантиради. Пайванд ишлари бажариладиган участка енгил ёнувчи материаллардан (5 метр радиусда) ва портлаш хавфи бор бўлган материаллардан (10 м. радиус) тозаланган бўлиши керак.

Юқорида амалга ошириладиган ишлардан ташқари, гидромелиоратив тизимларда бажариладиган барча ишларда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига бўйсунган ҳолда амалга ошириш учун курсатмалар, МХ қоидалари ва талаблари асосида олиб борилади.



МАЪРУЗА-8 ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ.

Режа:

1. Электр токининг хавфли омил сифатидаги ўзига хос хусусиятлари.
2. Электр токининг инсон организмига таъсир қилишининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Электр токидан жароҳатланишнинг турлари.
4. Одамга электр токи таъсири оқибатини шакллантирувчи асосий омиллар.
5. Иш шароитларининг электр хавфсизлиги бўйича классификацияси.
6. Одамнинг электр токи таъсирига тушиш шарт – шароитлари ва уларнинг таҳлили.
7. Электр токи таъсиридан ҳимояланишнинг асосий усул ва воситалари.
8. Электр токидан жароҳатланганларга бирламчи ёрдам бериш қоидалари.

1.Электр токининг хавфли омил сифатидаги ўзига хос хусусиятлари.

Электр токининг ишлаб чиқаришдаги хавфли омил сифатида, бошқа хавфли омилларда бўлмаган, 5 та ўзига хос хусусияти мавжуд:

1. электр токи таъсирига тушиб қолиш хавфининг ташқи белгилари йўқлиги;
2. электр токи билан жароҳатланиш оқибатининг оғирлиги;
3. инсоннинг ўтказгичга ток таъсирида “ёпишиб қолиш” ҳолатининг юзага келиши;
4. ток таъсири оқибатида инсон томонидан механик жароҳат олиш эҳтимолининг мавжудлиги;
5. электрофтальмия

1. Электр токининг инсон организмига таъсир қилишининг ўзига хос хусусиятлари.

Электр токининг хавфли омил сифатида тирик организмга таъсир қилишининг ҳам 4 та ўзига хос хусусияти мавжуд:

1. токнинг термик таъсири:
2. токнинг электролитик таъсири:
3. токнинг биологик таъсири:
4. токнинг механик таъсири:

3. Электр токидан жароҳатланишнинг турлари

Электр токининг одам организмига хилма – хил таъсирини шартли равишда иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

1. электр жароҳатланишлар;
2. электр токи зарбаси (ток уриши).

Кўп ҳолатларда бу икки турдаги электр токидан шикастланишлар биргаликда содир бўлади. Ишлаб чиқаришда улар ўртасидаги нисбат (фоиз ҳисобида) қуйидагичадир: 19 % - электр жароҳатланишлар; 26 % - ток уриши; 55 % - аралаш шикастланиш.

1. Электр жароҳатланиш. Инсон танасига бевосита электр токи ёки электр ёйи таъсир қилиши натижасида электр жароҳатланишлари юз беради. Электр жароҳатланиш асосан организмнинг юза қисми, яъни терисининг зарарланиши шаклида юзага келади. Электр жароҳатланишларга қуйидагилар киради:

- 1) электр токи таъсиридаги куйишлар; 2) электр токи белгилари;

3) ерининг металланиши; 4) механик шикастланишлар;
5) электрофталмия; 6) аралаш жароҳатланишлар, яъни куйиш билан биргаликдаги бошқа жароҳатланишлар.

2. Электр токи зарбаси (ток уриши). Ток уриши эса инсон танаси мускуллари ва тўқималарининг ток таъсири остида “қўзғалиши”, яъни беихтиёр, талвасали қисқаришлари шаклида намоён бўлади. Бу ҳодисанинг организмга салбий таъсири турли даражада бўлиши мумкин. Энг кўнгилсиз ҳолатда ток уриши организмнинг ҳаётий зарур органлари (юрак, ўпка ва олий нерв тизими) фаолиятини бутунлай издан чиқаради, яъни ўлимга олиб келади. Бунда ток урганликнинг ташқи локал шикастланиш белгилари бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ток уриши шикастланиш оқибатига қараб шартли равишда қуйидаги тўртта даражага бўлинади:

I – ҳуш йўқотилмаган ҳолатда мускулларнинг беихтиёр, талвасали қисқариши;


I I - ҳуш йўқотилган, лекин нафас олиш ва юрак ишлаши тўхтамаган ҳолатда мускулларнинг беихтиёр, талвасали қисқариши;

I I I - ҳуш йўқотилган ва нафас олиш ёки юрак ишлаши (ёки иккаласи ҳам биргаликда) тўхтаган;

IV – клиник ўлим ҳолати, яъни нафас олиш ва қон айланишнинг тўхташи.

Ток урганликнинг ташқи белгиларига қуйидагилар киради:

- токнинг киши танасига кириш ва чиқиш нуқталарида ҳосил бўладиган белгилар (1-расм);
- ички шикастланишлар билан характерланадиган электр токининг уриши (майда нуқтали қон қуйилиши, тери рангининг ўзгариши ва бошқалар).



а)




б)

Электр токи таъсирининг инсон қўлидаги “белгилари”:

а – нуқталар шаклидаги; б – яшин шаклидаги.

Ўлим билан тугаган ток таъсиридан шикастланишларнинг 85...87 % ток уришига тўғри келади.




Ўзгарувчан ва ўзгармас токнинг инсонга таъсир этиш характери
(ток ўтиш йўли қўлдан-қўлга, ёки қўлдан-оёқга бўлган ҳолатлар учун)


Ток кучи, мА	Таъсир этиш характери	
	Ўзгарувчан ток, 50 Гц	Ўзгармас ток
0,5...1,6	Сезишни бошланиши, терида чимчиланиш бошланади.	Сезилмайди
2...4	Ток сезилиши панжаларга ҳам тарқалади, қўлни енгил беихтиёр ҳаракатга келтиради.	Сезилмайди
5...7	Панжалардаги оғриқ кучаяди, уларда қалтираш пайдо бўлади; кучсиз оғриқ бутун қўл бўйлаб тарқалиб, елкагача етиб боради. Қўللари тоқли ўтказгичлардан мустақил равишда озод қилиш мумкин.	Сезиш бошланиши. Электрод остидаги терида қизиш бошлангандек тасаввур пайдо бўлади.
8...10	Бутун қўл бўйлаб елкагача кучли оғриқ ва қалтираш тарқалади. Қўллари қийинчилик билан бўлса ҳам, баъзи ҳолатларда, тоқли ўтказгичлардан мустақил равишда озод қилиш мумкин.	Қизиш бошланганлигини сезиш кучаяди.
10...15	Бутун қўлда зўрға чидаса бўладиган кучли оғриқ пайдо бўлади. Кўп ҳолатларда қўлни тоқли ўтказгичлардан мустақил равишда озод қилиб бўлмайди. Токнинг таъсир қилиш давомийлиги ошиши билан оғриқ кучаяди.	Электродлар остида терида қизиш бошланганлигини сезиш янада кучаяди, шу билан бирга электродлар атрофидаги тери қатламларида ҳам қизиш бошланганлиги сезилади.
20...25	Қўллар бир онда фалажланади, тоқли ўтказгичлардан мустақил равишда озод бўлишнинг имкони йўқ. Кучли оғриқ сезилади, нафас олиш қийинлашади.	Электродлар остида терида қизиш бошланганлигини сезиш янада кучаяди, шу билан бирга ички қизиш бошланганлиги сезгиси пайдо бўлади. Қўл мускулларининг кичик даражада қисқариши содир бўлади.
25...50	Қўл ва кўкракда кучли оғриқ сезилади. Нафас олиш ўта қийинлашади. Токнинг таъсир қилиш давомийлиги чўзилса нафас олиш аъзолари фалаж бўлиб қолиши мумкин, ёки юрак фаолияти пасайиши, ҳамда ҳушдан кетиш содир бўлиши мумкин.	Қўлда жуда кучли оғриқ, қалтираш ва қизиш сезилади. Қўлни электродлардан тортиб олишда мускулларнинг қалтирашли қисқариши натижасида зўрға чидаса бўладиган оғриқ пайдо бўлади.
50...80	Нафас олиш аъзолари бир неча секунддан кейин фалаж бўлиб қолади, юрак иши бузилади. Токнинг таъсир қилиш давомийлиги чўзилса юракда фибрилляция содир бўлиши мумкин.	Қўлнинг бутун қисмида, ҳамда кўкрак соҳасида жуда кучли оғриқ ва ташқи, ҳамда ички қизиш сезилади. Нафас олиш қийинлашади. Мускулларда юзага келадиган жуда кучли оғриқ сабабли қўлни электродлардан ажратиб олишнинг имкони бўлмайди.

1	Ток таъсири 2...3 секунд давом этса юракда фибрилляция пайдо бўлади; агарда таъсир яна бир неча секунд давом этса юрак фалаж бўлиб қолади.	Токнинг таъсир қилиш давомийлиги узоқ вақтга чўзилса нафас олиш аъзолари фалаж бўлиб қолади.
300	Юқоридагидай ҳолат қисқа вақт давомида содир бўлади.	Ток таъсири 2...3 секунд давом этса юракда фибрилляция пайдо бўлади; агарда таъсир яна бир неча секунд давом этса юрак фалаж бўлиб қолади.
5000 катта	Бундай катталиқдаги ўзгарувчан ва ўзгармас ток таъсирида дарров – секунднинг қандайдир бир бўлаги давомида нафас олиш аъзолари фалаж бўлиб қолади. Одатда юракда фибрилляция пайдо бўлмайди; ток таъсир қилиш давомида вақтинчалик юрак тўхташи юз бериши мумкин. Токнинг таъсир қилиш давомийлиги чўзилса (бир неча секунд) организмда жуда оғир куйишлар ва тўқималарда парчаланишлар содир бўлади.	

4.2. Одам организмининг шикастланиш оқибатига ток турининг таъсири



2 - расм. Ўзгармас ток (1) ва частотаси 50 Гц бўлган ўзгарувчан токнинг (2) танага қўйилган кучланишга боғлиқ равишда хавфлилик даражаси.



4.3. Инсон организмининг шикастланиш оқибатига ток частотасининг таъсири

3 – расм. Токдан шикастланиш хавфининг L ва қўйиб юбормайдиган ток миқдорининг $I_{нo}$ қўйилган кучланиш частотасига боғлиқ равишда ўзгариши.

4.4. Инсон организмининг шикастланиш оқибатига ток ўтиш давомийлигининг таъсири

2-жадвал


Таъсир қилиш вақтига боғлиқ равишда йўл қўйиладиган энг юқори тегиш кучланиши ва ток (ГОСТ 12.1.038-82)

Ток тури	Кўрсаткичлар	Таъсир этиш давомийлиги (сек) бўйича энг юқори йўл қўйиладиган миқдорлар					
		0,1	0,3	0,5	0,7	1,0	1,0 кўп
Ўзгарувчан 50 Гц	Тегиш кучланиши, В	500	165	100	70	50	36
	Ток, мА	500	165	100	70	50	6
Ўзгармас	Тегиш кучланиши, В	500	350	250	230	200	40
	Ток, мА	500	350	250	230	200	15

4.5. Одам танаси орқали ток ўтиш йўлининг шикастланиш оқибатига таъсири

Инсон танаси орқали токнинг ўтиш йўли шикастланиш оқибатига катта таъсир кўрсатиши тажрибада аниқланган. Агарда ток ўтиш йўлига инсон ҳаёти учун муҳим бўлган органлар - юрак, ўпка, бош мия тўғри келиб қолса шикастланиш хавфи кескин ошади, чунки бунда ток тўғридан

ри шу органларга таъсир қилади.



8 - расм. Инсон танаси орқали токнинг характерли ўтиш йўллари.

5. Иш шароитларининг электр хавфсизлиги бўйича классификацияси.

6.

Атроф-муҳит омилларига боғлиқ равишда ишлаб чиқариш шароитлари электр хавфсизлиги бўйича уч гуруҳга бўлинади:


- юқори хавфли шароит;
- ўта хавфли шароит;
- хавфи кам бўлган шароит.

Юқори хавфли шароитли хоналарда поллар ток ўтазувчан (металл, тупроқли, бетонли), хоналардаги ҳаво нисбий намлиги 75 % дан юқори, ток ўтказувчан чанглари мавжуд, ҳаво ҳарорати 35...40 °C атрофида, ер билан уланган бино ва ускуналарнинг металлконструкциялари ҳамда электр ускуналарининг металл корпусларига одамнинг бир вақтда тегиб қолиш хавфи эҳтимоли борлиги билан характерланади.

Ўта хавфли шароитли хоналарда ҳавонинг нисбий намлиги 100 % атрофида, кимёвий актив муҳит (кислота буғлари, ишқорлар) мавжуд, ҳамда юқори хавфли шароитда келтирилган омиллардан битта ёки иккитаси бир вақтда мавжудлиги билан тавсифланади. Шу категорияга очиқ майдонларда, хонадан ташқарида ишлатилаётган электр қурилмаларни киритиш мумкин.

Сув хўжалигидаги кўпчилик хоналар юқори хавфли ёки ўта хавфли шароитли хоналарга киради (поли ер ёки бетонли хоналар, юқори намли насос станциялари, суғориш машиналари ва ҳ.к.).

Хавфи кам бўлган шароитли хоналарда юқоридаги иккита гуруҳда келтирилган омилларнинг биттаси ҳам мавжуд эмас.



7. Одамнинг электр токи таъсирига тушиш шарт – шароитлари ва уларнинг таҳлили.

Одам электр токи таъсирига шу ҳолатда тушадики, қачонки у бир вақтнинг ўзида тармоқнинг потенциаллари ҳар хил бўлган 2 та нуқтасига тегса. Юқоридаги ҳолат ишлаб чиқаришда қуйидаги шакл кўринишларида бўлиши мумкин:

- кучланиш остидаги изоляцияланмаган ток ўтказувчи қисмларга ердан изоляцияланмаган киши бир фазали туташганда;
- тасодифан кучланиш остида қолган электр жиҳозларнинг қобик ёки корпусига текканда;
- бошқа одамни токдан озод қилиш вақтида кучланиш остига тушиб қолганда;
- икки фазага ёки қутбга бир вақтда текканда;
- тегиш кучланишига тушганда;
- ток оқиш зонасида қадам кучланишга тушганда.

Юқорида келтирилган ҳолатларда одам танаси оқали ўтаётган электр токининг миқдори электр тармоғининг турига ва одамнинг тармоққа тушиш схемасига боғлиқ бўлади.

6.1. Электр қурилмаларининг кучланиш бўйича категориялари ва уларни таъминлаш схемалари


Электр тармоқлари ва қурилмалари шартли равишда, шунингдек электр хавфсизлиги нуқтаи назаридан, ишчи кучланишининг катталигига қараб қуйидаги икки тоифага бўлинади:

- 1) кучланиши 1000 В гача бўлган тармоқлар ва қурилмалар;
- 2) кучланиши 1000 В дан юқори бўлган тармоқлар ва қурилмалар.

Кучланиши 1000 В гача бўлган электр тармоқлари манба нейтрал нуқтасининг ҳолати ва тармоқдаги симлар сони бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

- уч фазали, тўртта симли ва манба нейтрал нуқтаси ерга уланган тармоқ;
- уч фазали, учта симли ва манба нейтрал нуқтаси ердан изоляция қилинган тармоқ.

Кучланиши 1000 В гача бўлган электр қурилмаларнинг кўпчилиги нейтрал нуқтаси яхшилаб ерга уланган тўрт симли тармоқларда ишлайди. Тармоқнинг тўртинчи сими трансформаторнинг ерга уланган нейтрал нуқтасига туташтирилган, шунинг учун уни ноль сим дейилади. (9 - расм).



9 – расм. Учта фазали, тўртта симли ва нейтрал нуктаси ерга уланган тармоқ.

1. Биричи ва учинчи ҳолатларда инсон танаси орқали ўтувчи ток қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{ин} = \frac{U_{\phi}}{R_{ин} + R_k + R_n + r_0}, \quad (3)$$

бу ерда, R_n - инсон оёғи тагининг юзига тенг бўлган пол юзаси қаршилиги, Ом;

R_k - инсон оёқ кийими қаршилиги, Ом;

r_0 - нейтрал нуктанинг ерга уланиш қурилмаси қаршилиги, Ом.


Агарда $R_k=0$ ва $R_n=0$ бўлса ва $r_0 \leq 4$ Ом бўлишлик шарти кўзда тутилса, ҳамда ($R_{ин}=1000$ Ом) эканлиги ҳисобга олинса, фаза кучланишининг деярли ҳаммаси киши танасига қўйилган бўлади. Бунда киши танасидан ўтаётган ток қуйидагича аниқланади:

$$I_{ин} = \frac{U_{\phi}}{R_{ин}} = \frac{220}{1000} = 0,220 \text{ A} = 220 \text{ mA}$$

2. Иккинчи ҳолат жуда хавфлидир, чунки бунда инсон тармоқ кучланишига тушади ва шикастловчи ток кучи бир неча юз миллиамперга етади:

$$I_{ин} = \frac{U_T}{R_{ин}} = \frac{380}{1000} = 0,380 \text{ A} = 380 \text{ mA}, \quad (4)$$

Электр хавфсизлигига юқори талаблар қўйилганда кучланиши 1000 В гача бўлган электр қурилмалар нейтралли ердан изоляцияланган уч фазали ва уч симли тармоқдан таъминланади (10 - расм).



10 – расм. Учта фазали, учта симли ва нейтрал нуктаси ердан изоляция қилинган тармоқ.

1. Биричи ва учинчи ҳолатларда инсон танаси орқали ўтувчи ток йўли қуйидагича бўлади. Ток фаза А - киши танаси – ер - ўтказувчан С ва В фазалардан иборат занжирдан ўтади (10-расмга қаранг). Бу токнинг катталиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$I_{ин} = \frac{3U_{\phi}}{3R_{ин} + z_{уз}}, \quad (5)$$

бу ерда U_{ϕ} — фаза кучланиши, 220 В;

$z_{уз} = 1/(1/r_{уз} + j\omega c)$ - битта фаза изоляциясининг ерга нисбатан тўла қаршилиги.

Унча узун бўлмаган электр тармоқларида симларнинг ерга нисбатан сиғими кичик, ($c=0$) бўлади. Бундай ҳолда $z_{уз} = r_{уз}$ бўлади:

$$I_{ин} = \frac{3U_{\phi}}{3R_{ин} + r_{уз}}, \quad (6)$$

Битта фазада камида 500000 Ом қаршилик бўлиши керак. Масалан, агарда изоляциянинг қаршилиги талаб бўйича $r_{уз} \geq 500000$ Ом бўлса, у ҳолда инсон танаси орқали ўтувчи ток кучи қуйидагига тенг бўлади:

$$I_{ин} = \frac{3U_{\phi}}{3R_{ин} + r_{уз}} = \frac{3 \cdot 220}{3 \cdot 1000 + 500000} = 0,001 \text{ A} = 1 \text{ mA}$$

Бундай катталиқдаги ток кучи хавфсиз ҳисобланади.

2. Иккинчи ҳолат жуда хавфлидир, чунки бунда инсон тармоқ кучланишига тушади ва шикастловчи ток кучи (4 – формула) бир неча юз миллиамперга етади:

6.3. Тегиш кучланишига тушиш

Тегиш кучланиши ($U_{тег}$) деб электр занжирининг бир вақтда инсон теккан икки нуқтасининг потенциаллар айирмасига айтилади, ёки бошқача айтганда, инсон танаси қаршилигида ($R_{ин}$) кучланиш тушишига айтилади:

$$U_{тег} = I_{ин} \cdot R_{ин}, \quad (7)$$

бу ерда $I_{ин}$ — ўтиш йўли “қўлдан – оёқга” бўлганда инсон танаси орқали ўтадиган ток, А.


Электр хавфсизлигини таъминлашнинг химоявий ерга улаш, ноллаш ва бошқа соҳаларида инсон қўли тегадиган нуқта потенциали ерга улагичнинг потенциалига $\varphi_{ер.у}$, оёқи турадиган нуқта потенциали эса асос (пол) $\varphi_{ас}$ потенциалига тенг бўлади (11-расм). Унда тегиш кучланиши қуйидагича аниқланади:

$$U_{тег} = \varphi_{ер.у} - \varphi_{ас}, \quad (8)$$

ёки


$$U_{тег} = \alpha_1 \varphi_{ер.у},$$

бу ерда α_1 - тегиш кучланиши коэффиценти.



11– расм. Тегиш кучланишига тушиш.

1- Потенциалнинг масофага (x) боғлиқ равишда ўзгариш чизиғи. 2- тегиш кучланишининг ($U_{тег}$) масофага (x) боғлиқ равишда ўзгариш чизиғи.



Тегиниш кучланиши коэффициенти потенциал ўзгариши эгри чизиқининг шакли билан характерланади ва у қуйидагича аниқланади:

$$\alpha_1 = 1 - \frac{\varphi_{ep.y}}{\varphi_{ac}} \leq 1, \quad (9)$$

11-расмдаги графикдан кўринадики, 1-инсонга таъсир қиладиган $U_{mez.1}$ кучланиши нолга тенг. 2-инсонга таъсир қиладиган $U_{mez.2}$ кучланиши эса $\varphi_{ep.y}$ ва инсон турган асос нуқтаси потенциали φ_{ac} айирмасига тенг. 3- инсон эса ер юзасидаги потенциаллар майдонидан ташқарида турганлиги сабабли, яъни $\varphi_{ac}=0$ сабабли, $U_{mez.3}$ тегиш кучланиши олиши мумкин бўлган қийматнинг максимал даражасини олади:

$$U_{mez} = \varphi_{ep.y} - \varphi_{ac} = \varphi_{ep.y} = I_{ep.y} \cdot R_{ep.y}, \quad (10)$$

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсонга таъсир қиладиган тегиш кучланишини камайтириш ёки нолга тенглаштириш учун инсон оёқи остида $\varphi_{ep.y}$ потенциалига тенг бўлган φ_{ac} потенциалини ҳосил қилиш керак. Бу эса оёқ остида бир-бирига уланган ерга улаш қурилмаларини жойлаштириш билан амалга оширилади.

6.4. Қадам кучланишига тушиш

Электр тармоқининг фаза сими узилиб тушиб ер билан туташган бўлса ер юзасида ток оқиш зонаси ҳосил бўлади. Ток оқиш зонасида грунт қаршилиги ҳисобига потенциаллар майдони юзага келади (12-расм). Қадам кучланиши U_{KD} деб потенциаллар майдонига кирган одамнинг ташлаган қадам узунлигида (0,8 м), оёқ остида жойлашган нуқталардаги потенциаллар (φ_y ва φ_q) айирмасига айтилади:

$$U_{KD} = \varphi_y - \varphi_q, \quad \text{В} \quad (11)$$

Қадам кучланиши ҳам инсон танаси қаршилигида кучланиш пасайишини кўрсатади:

$$U_{KD} = I_{ин} \cdot R_{ин}, \quad \text{В}$$

бу ерда I_{ei} — ўтиш йўли “оёқдан – оёқга” бўлганда инсон танаси орқали ўтадиган ток, А.


Ўнг ва чап оёқ остидаги потенциаллар φ_{KD} потенциалнинг бир қисми бўлганлиги бўлганлиги сабабли, улар орасидаги айирма ҳам φ_{KD} потенциалнинг бир қисми деб ҳисоблаш мумкин. Шу сабабли 11 ифодани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$U_{KD} = \beta_1 \cdot \varphi_{KD}, \quad \text{В} \quad (12)$$

бу ерда β_1 - қадам кучланиши коэффициенти.

Қадам кучланиши коэффициенти потенциал ўзгариши эгри чизиқининг шакли билан характерланади ва у қуйидагича аниқланади:

$$\beta_1 = \frac{\varphi_y - \varphi_q}{\varphi_{KD}} < 1, \quad (13)$$



12- расм. Қадам кучланишига тушиш.

1- потенциалнинг масофага боғлиқ равишда ўзгариш чизиғи.

12-расмдаги графикдан кўринадик, 2-инсонга таъсир қиладиган $U_{KD.2}$ кучланиши нолга тенг, чунки у потенциаллар майдонидан ташқарида турибди. 2-инсонга таъсир қиладиган $U_{KD.2}$ кучланиши эса инсоннинг ўнг оёғи турган нукта потенциали φ_y ва чап оёғи турган нукта потенциали φ_q айирмасига тенг.


Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсонга таъсир қиладиган қадам кучланишини камайтириш ёки нолга тенглаштириш учун инсоннинг ўнг ва чап оёқлари остидаги потенциалларни тенглаштириш керак. Бу эса потенциаллар майдонига тушиб қолганда қадам ташлаш узунлигини камайтириш билан амалга оширилади.

7. Электр токи таъсиридан ҳимояланишнинг асосий усул ва воситалари.

ГОСТ 12.1.019-79 га мувофиқ электр хавфсизлиги электр қурилмаларнинг конструкциялари, электр токидан ҳимояланишнинг махсус усуллари билан, ишни бажариш вақтида эса ташкилий ва техник тадбирлар билан таъминланади.

Электр токидан ҳимояланиш усуллари ва воситалари кучланишга, ток тури ва частотасига, таъминлаш манбаи нейтрал режимига, ташқи муҳит шароитларига, электр қурилманинг вазифасига, инсонни ток уриш ҳолатига ва бошқаларга қараб амалга оширилади. Электр токидан ҳимояланишнинг қуйидаги техник усул ва воситалари алоҳида ёки бир нечтаси биргаликда қўлланилади:

1. Ток ўтказувчи қисмларни диэлектрик материаллар билан қоплаш, яъни изоляциялаш;



2. Кучланиш остидаги ўтказгичларни яқинига бориб бўлмайдиган қилиб жойлаштириш;
3. Тўсиқлар билан электр ускуналарини тўсиш;
4. Блокировка қурилмаларини қўллаш;
5. Кичик кучланишларни қўллаш;
6. Иш ўрнини изоляциялаш;
7. Электр қурилмаларини ноллаш;
8. Электр қурилмаларини ерга улаш;
9. Электр тармоқини қисмларга ажратиш;
10. Электр потенциалларини тенглаштириш;
11. Автоматик ажраткичларни қўллаш;
12. Электромагнит майдон таъсиридан ҳимояловчи экранлар ўрнатиш;
13. Огоҳлантирувчи воситаларни қўллаш;
14. Шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш.

1. **Изоляциялаш** - ўтказгичларни ва кучланиш остида бўладиган қисмларни ишончли изоляциялаш электр хавфсизлигини таъминлашнинг асосини ташкил қилади. Назарий жиҳатдан сифатли изоляция 100 % электр хавфсизлигини таъминлайди. Лекин амалда изоляция ҳар хил таъсирлар (механик, кимёвий, биологик, юқори температура ва бошқа) остида бузилиши ва хусусиятини йўқотиши мумкин. Шунинг учун ишчи изоляциядан ташқари қўшимча, жуфт ва кучайтирилган изоляция турлари мавжуд. Ишчи изоляция олдиндан кўрсатилган шарт-шароитларда электр қурилмасининг нормал ишлашини таъминлайди. Қўшимча изоляция ишчи изоляция бузилганда ҳимоя қилишга мўлжалланган. Жуфт изоляция - ишчи ва қўшимча изоляцияларнинг йиғиндисидан иборат. Кучайтирилган изоляция эса – ҳимоялаш хусусияти жуфт изоляцияга тенг бўлган ишчи изоляциядир.

2. **Кучланиш остидаги ўтказгичларни яқинига бориб бўлмайдиган қилиб жойлаштириш** – кабелли тармоқларни ер остидан, очиқ симли тармоқларни ҳаводан баландликда тортиш ва ҳ.к.

3. **Турли тўсиқлар билан электр ускуналарини тўсиш** – турли тўсиқлар, масалан, қопқоқлар, тўсиқлар, зирхлар ва бошқалар билан тўсиш.

4. **Блокировка қурилмаларини қўллаш** – блокировка қурилмалари ишловчиларнинг хато ҳатти-ҳаракат қилишларининг олдини олиш учун қўлланилади. Уларнинг механик, электрик, электрмеханик ва бошқа турлари мавжуд.

5. **Кичик кучланишларни қўллаш** – ўта хавфли шароитларда 12, 36 ва 42 В кучланишлар қўлланилади.

6. **Иш ўрнини изоляциялаш** – иш ўрнида пол ва майдончаларни юқори қаршиликка эга бўлган материаллар билан қоплаш (куруқ ёғочдан қилинган тагликлар, резина гиламчалар).

7. **Электр қурилмаларини ноллаш** – кучланиши 1000 В гача бўлган учта фазали, тўртта симли ва нейтрал нуктаси ерга уланган тармоқларда асосий ҳимоя воситаси сифатида қўлланилади (-расм).

8. **Электр қурилмаларини ерга улаш** - кучланиши 1000 В гача бўлган у фаза, учта симли ва нейтрал нуқтаси ердан изоляция қилинган тармоқларда асосий ҳимоя воситаси сифатида қўлланилади (-расм).

9. **Электр тармоқини қисмларга ажратиш** – электр тармоқини махсус трансформаторлар ёрдамида қисмларга ажратиш тармоқдаги сиғимий ўтказувчанликни камайтиради ва изоляция қаршилигининг ошишига олиб келади.

10. **Электр потенциалларини тенглаштириш** - Тегиш ва қадам кучланишига тушишнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади (ва - расмлар). Ток оқиш майдонига бир –бири билан уланган электродларни жойлаштириш билан амалга оширилади.

11. **Автоматик узгичларни қўллаш** - Ҳимоялаш учун узгичларни қўллаш электр қурилмаларида ток билан шикастланиш хавфи вужудга келганда, уларни тезда автоматик узиш йўли билан электр токидан ҳимоя қилиш усулига айтилади. Тармоқнинг шикастланган қисмини узиш давомийлиги 0,2 с дан ошмаслиги керак. Кучланиши 1000 В гача бўлган кўчма электр қурилмаларида ягона ҳимоя қилиш воситаси сифатида, ҳамда ноллашга ёки ерга улашга кўшимча ҳимоя қилиш воситаси сифатида қўлланилади. Кўп йиллаб музлаб ётадиган қояли грунтлар ва ҳоказоларда керакли ерга улашни бажариш мумкин бўлмаганда ишлатилади.

12. **Электромагнит майдон таъсиридан ҳимояловчи экранлар ўрнатиш** – ерга уланган махсус, турли конструктив кўринишга эга бўлган тўсиқлардан иборат.

13. **Огоҳлантирувчи ҳимоя воситаларини қўллаш** – огоҳлантирувчи воситалар турли белгилар тизимидан иборат бўлиб улар ишловчиларга зарур хавфсизлик маълумотларини бериш учун хизмат қилади.


14. **Шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш** – улар электрдан ҳимоялашнинг асосий ва кўшимча воситаларига бўлинади. Шахсий ҳимоялаш воситалари ишловчиларни электр токидан шикастланишдан, электр ёйидан куйишдан, механик шикастланишдан, юкоридан йиқиلىшдан, электр майдонининг таъсиридан ва ҳоказолардан ҳимоялаш учун хизмат қилувчи приборлар, аппаратлар, мосламалар ва қурилмаларга айтилади (жадвал ва 15-расм):

3-жадвал


Электрдан ҳимоялаш воситаларининг классификацияси

Ҳимоя воситаларининг тури	Электр установкаларнинг кучланиши қуйидагича бўлганда ишлатиладиган ҳимоя воситаларининг номи, В	
	1000 гача	1000 дан ортиқ
Асосийлари	Изоляцияловчи штангалар, изоляцияловчи ва электр ўлчаш омбурлари, диэлектрик қўлқоп, изоляцияланган дастали асбоб, кучланиш кўрсаткичлари	Оператив ўлчаш штангалари, изоляцияловчи ва ток ўлчаш омбурлари, кучланиш кўрсаткичлари, ремонт ишлари учун изоляцияланган қурилма ва мосламалар: изоляцияловчи нарвонлар, майдончалар, тортқилар, шчит габаритниклари,

		габаритникларни маҳкамлаш учун изоляцияловчи штангалар.
Қўшимчалари	Диэлектрик калишлар, диэлектрик резина гиламчалар, изоляцияловчи остқўймалар.	Диэлектрик қўлкоплар ва ботилар, диэлектрик резина гиламчалар, изоляцияловчи остқўймалар.



15 - расм. Ҳимоя воситалари ва мосламалари.



а – изоляцияловчи штанга; б – изоляцияловчи қисқичлар; в – изоляцияловчи қўлқоплар; г – диэлектрик ботилар; д – диэлектрик калишлар; е – резина гиламчалар ва дорожкалар; ж – изоляцияловчи таглик; з – изоляцияловчи дастакли асбоблар; и – кучланишни кўрсаткич; к - ток ўлчовчи қисқичлар.

8. Электр токидан жароҳатланганларга бирламчи ёрдам бериш қоидалари

Электр токи таъсирига тушган одамларга тиббиёт ходимлари келгунга қадар кўрсатиладиган ёрдам икки қисмга бўлиб қаралади:

- 1) ток таъсиридан қутқариш;
- 2) биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

Ток таъсиридан қутқазиш ўз навбатида бир неча хил бўлиши мумкин. Энг осон ва қулай усули электр қурилмасининг ўша қисмига келаётган токни ўчиришдир. Агар бунинг иложи бўлмаса (масалан, ўчириш қурил-маси узоқда бўлса), унда ток кучланиши 1000 В дан кўп бўлмаган электр қурилмаларида электр симларини сопи қуруқ ёғочли бўлган болталар билан кесиш ёки зарарланган кишининг кийими қуруқ бўлса, унинг кийимидан тортиб ток таъсиридан қутқазиб қолиш мумкин. Агар электр токининг кучланиши 1000 В дан ортиқ бўлса, унда диэлектрик қўлқоп ва электр изоляцияси катта бўлган электр асбобларидан фойдаланиш керак бўлади.

Электр таъсирига тушган ва ток таъсиридан қутқарилган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш унинг ҳолатини аниқлашдан бошланади. Ёрдам тури организм ҳолатига қараб белгиланади. Организм ҳолати эса асосан нафас олиш, юрак уруши ва ҳушдан кетган ёки кетмаганликка қараб аниқланади.

Агар ток таъсирига тошган одам ҳушини йўқотмаган бўлса, унинг тинчлигини таъминлаб, врач келишини кутиш ёки тезда даволаш муассасасига олиб бориш зарур.



Агар одам ток таъсирида ҳушини йўқотган, аммо нафас олиши ва юрак тизими ишлаётг-ан бўлса, уни қуруқ ва қулай жойга ётқизиш, камари ва ёқасини бўшатиш ва соф ҳаводан нафас олишини таъминлаш зарур. Нашатир спирти ҳидлатиш, юзига сув пуркаш, танасини ва қўлларини ишқалаш яхши натижа беради.

Агар жароҳатланган одамнинг нафас олиши қийин бўлса, қалтираш ҳолати бўлса, аммо юрак уриш ритми нисбатан яхши бўлса, унда бу одамга сунъий нафас олдириш зарур.

Агарда одамда клиник ўлим ҳолати юз берган бўлса сунъий нафас олдириш билан бир қаторда юракни ташқи массаж қилишни тиббиёт ходимлари келгунча ёки нафас олиш ва юрак уруши тиклангунча давом эттириш зарур.

Одамга сунъий нафас олдириш ва юракни ташқи массаж қилиш қоидалари махсус амалий ишда ўрганилади.

Ток уриши натижасида одам организми тушган ҳолатга охирги хулосани фақат тиббиёт ходимлари беради.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Ёнғин, унинг халқ хўжалигига келтирадиган зарари ва келиб чиқиш сабаблари.
2. Ёниш, унинг юзага келиши учун зарур шарт – шароитлар ва ёнишнинг турлари.
3. Модда ва материалларнинг ёнувчанлик ва портлаш хусусиятларини аниқловчи кўрсаткичлар.
4. Ишлаб чиқариш жарёнларининг ёнғин хавфсизлиги бўйича категориялари.
5. Ёнғинни ўчириш усуллари ва моддалари.

1. Ёнғин, унинг халқ хўжалигига келтирадиган зарари ва келиб чиқиш сабаблари.

Ёнғинлар содир бўлиши натижасида ишлаб чиқаришда ва умуман ҳаётда жуда катта иқтисодий, ижтимоий, техник ва бошқа турдаги зарарлар ҳосил бўлади. Баъзи ҳолатларда инсонларнинг жуда оғир жароҳат олиш ёки умуман ҳалок бўлиш ҳодисалари юз беради. Натижада давлатга катта маънавий ва моддий йўқотишлар етказилади.

Бошқарувдан, назорат остидан ва махсус ажратилган зонадан чиқиб кетган ва жуда катта моддий ва бошқа турдаги зарар етказувчи ёниш жараёни ЁНҒИН деб аталади.

Умумий ҳолатда халқ хўжалигида ёнғин содир бўлишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- Электр ускуналарининг бузилиши ёки нотўғри ишлатилиши натижасида ўртача 31 % ёнғин келиб чиқади;
- Олов билан эҳтиёткор муомала қилмаслик оқибатида ўртача 21 % ёнғин келиб чиқади;
- Печкали иситиш тизимларининг нотўғри ишлатилиши натижасида ўртача 15 % ёнғин келиб чиқади;
- Технологик ускуналарнинг бузилиши ёки нотўғри ишлатилиши сабабли ўртача 10 % ёнғин келиб чиқади;

Ёнғиннинг асосий қисми – 79 % яшаш секторида юз берган. Қишлоқ жойларга умумий ёнғиннинг ўртача 56 %, кўрилган моддий зарарнинг эса ўртача 62 % тўғри келган.

Ёнғин натижасида қуйидаги хавфли омиллар пайдо бўлади: очиқ аланга ва учқунлар; ҳаво ва жисмлардаги юқори температура; ёниш натижасида пайдо бўлган ўткир заҳарли ва зарарли газлар ва моддалар, тутун; кислород концентрациясининг пасайиши, бино ва иншоотларнинг қулаши ва зарарланиши, электр токи ва бошқа иккиламчи зарар етказувчи омиллар.

Масалан, 35 м³ ҳажмли хонада 0,5 кг ўтин ёкса кўриш 1 метргача қисқаради, худди шундай аҳвол 70 г полистрол, 100 г пенорезина, 500 г поролон ва 0,3 литр керосин ёққанда юзага келиши мумкин. Ҳавода ис гази (СО) коцентрацияси 0,5 %



са одам 5 мин. ичида ҳушидан кетади ва кейин жуда қисқа муддат ичида ҳаёт бўлиши мумкин. 70 °C температуранинг 20...35 минут давомидаги таъсири инсон учун хавфли ҳисобланади. У нафас йўллари куйдириб оғир оқибатларга олиб келади.

2. Ёниш, унинг юзага келиш учун зарур шарт – шароитлар ва ёнишнинг турлари.

Ёниш (горение) деб – катта миқдорда иссиқлик ва ёруғлик ажралиб чиқиши билан кечадиган ёнувчи модда ва оксидловчининг ўзаро мураккаб физик – кимёвий таъсирига айтилади.

Ёниш жараёни тизим бўлиб, унинг юзага келиши учун ва кечиши учун ёнувчи модда, оксидловчи ва ёндирувчи манбадан иборат 3 та элемент бўлиши зарур. Ёнувчи модда ва оксидловчи **ёнувчи тизим**ни ташкил қилади, ёндирувчи манба эса ёниш жараёнини содир этувчи **импульс** ролини ўйнайди.

Ёнувчи модда сифатида оксидланиши иссиқлик ва ёруғлик ажралиб чиқиши билан кечадиган ҳар қандай газ, суюқ ва қаттиқ модда хизмат қилиши мумкин.

Оксидловчи сифатида кислород, хлор, бром, азот кислотаси, фтор, бертолев тузи ва бошқа моддалар хизмат қилиши мумкин. Асосан ҳаво кислороди оксидловчи бўлиб хизмат қилади.

Ёндирувчи манба 2 та шаклда бўлади - очиқ шаклда ва берк шаклда:

- очиқ шаклдагиларга - учқунлар, ёруғлик оқими, қиздирилган ёки чўғланган буюмлар, зарба, очиқ аланга киради;
- берк шаклдагиларга - ишқаланиш, кимёвий ва микробиологик жараёнлар иссиқлиги, ва бошқалар киради.


Ёниш жараёни юзага келиши учун ёндирувчи манба, яъни ёниш жараёнини содир этувчи **импульс** ёнувчи тизимнинг маълум бир қисмини қиздиришга етарли температура ва энергия захирасига эга бўлиши керак.

Ёнувчи тизим **кимёвий бир турли** ва **кимёвий ҳар турли** бўлиши мумкин:

- Кимёвий бир турли тизимларда ёнувчи модда ва оксидловчи бир текисда аралашган бўлади, масалан, ёнувчи газлар, буғлар ва чангнинг ҳаво билан аралашмаси.
- Кимёвий ҳар турли тизимларда эса ёнувчи модда ва оксидловчи бир-бири билан аралашмаган бўлади ва улар ажралиш юзасига эга бўладилар, масалан, ҳаводаги қаттиқ ва суюқ ёнувчи моддалар, газ ва буғларнинг ҳавога кираётган оқими ва бошқа.

Ёнувчи тизимни очиқ алангасиз ёндирувчи манбадан иситилса ёнувчи тизим қуйида келтирилган график (1-расм) бўйича қизади. Ёнувчи тизим секин-аста t_b точкадан t_o гача қизийди. Бунда $t_b - t_o$ кесимда сарфланган иссиқлик ёнувчи моддани эритишга, парчалашга ва буғлатишга сарф бўлади. t_o точкада оксидланиш бошланади ва оксидланиш жараёнида юзага келадиган иссиқлик ҳисобига температура жадалроқ кўтарила бошлайди. Ёнувчи моддадан ажралаётган иссиқлик атроф-муҳитга узатилаётган иссиқликдан ошиб кетган вақтда модда, $t_{o\dot{a}}$ нуқтада, ўз-ўзидан алангаланиш бошланади. Тизим температураси кескин кўтарилади ва $t_{\dot{a}}$

қанда аланга пайдо бўлади, температура кўтарилиб t_i нуктада барқарор ёниш бошланади, t_i ёниш температураси дейилади.



1-расм. Ёнувчи модда температурасининг иссиқлик манбаси (очиқ алангасиз) таъсиридан ўзгариши.

t_b - исиш бошланиши температураси;

t_o - оксидланиш бошланиш температураси;

t_{oa} - ўз-ўзидан алангаланиш бошланиш температураси;

t_a - аланга ҳосил бўлиш температураси;

t_i - ёниш температураси;

$t_b - t_{oa}$ - индукция даври.

Индукция даврида ёнувчи аралашма ҳосил бўлади, ва бу давр ёнувчи модданинг ёнғин хавфсизлиги даражасини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Ёниш жараёни давом этиши учун ёнувчи модда ва оксидловчининг миқдорий кўрсаткичларига ҳам маълум бир талаблар қўйилади. Масалан, кимёвий ҳар турли тизимларда ёниш тўхтовсиз давом этиши учун оксидловчи етарли миқдорда тўхтовсиз равишда ёнувчи модда томон қолдиқ газлар орасидан ўтиб реакцияга киришиши керак. Акс ҳолда ёниш жараёни секинлашади ёки умуман тўхтайдди. Демак, тизим фақат ёнувчи модда ва оксидловчининг маълум бир миқдорий нисбатларидагина ёнувчи бўлади. Масалан, бензин буғлари ва ҳаво аралашмасидан иборат тизимда бензин буғлари ҳажм жиҳатдан 0,76...5,4 % ташкил қилсагина ёнувчи бўлади.

Ҳавонинг таркибида кислород миқдори 21 % дан 14...16 % га пасайса ёниш тўхтайдди ва туташ бошланади, агарда кислород миқдори 8...10 % га камайса туташ ҳам тўхтайдди.


Ёниш жараёни реакцияга киришаётган оксидловчининг миқдори бўйича икки гуруҳга бўлинади:

1. **тўлиқ ёниш** (бунда оксидловчи етарли ва ортиқча миқдорда мавжуд);
2. **чала ёниш** (бунда оксидловчи етарли миқдорда мавжуд эмас).

Чала ёнишда ёнувчи ва захарли ёниш маҳсуллари (углерод оксиди, альдегидлар ва бошқалар) ҳосил бўлади.

Модда ва материаллар ёнишининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. чақнаш,
2. алангаланиш,
3. ўз-ўзидан алангаланиш,
4. ўз-ўзидан ёниш.
5. портлаш.



1. Чакнаш. Чакнаш қаттиқ ва суяқ моддаларнинг тепасида ҳосил бўладиган буғ фазасининг ёндирувчи манба таъсирида тез ёниб тугаш жараёнидир. Буғ фаза моддага иссиқлик таъсири остида, температурасининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда, юзага келади. Чакнаш билан ёниш жараёни тўхтайдиган, чунки буғлар тез ёниб тугайди ва сиқилган газлар ҳосил бўлмайди. Агарда буғ ҳосил бўлиш жараёни тезлиги катта бўлса ёниш жараёни тўхтамаслиги мумкин.

Чакнаш **чакнаш температураси** билан характерланади. Ёнувчи модданинг тепасида ёндирувчи манба таъсири остида чакнаб кетадиган буғ ва газлар ҳосил қилувчи шу модданинг энг кичик температурасига - чакнаш температураси дейилади.

Чакнаш температурасига боғлиқ равишда суяқликлар 2 та гуруҳга бўлинади:

1. чакнаш температураси 61 °C гача бўлган суяқликлар – энгил алангаланадиган суяқликлар (ЕАС) деб аталади;
2. чакнаш температураси 61 °C дан катта бўлган суяқликлар – ёнувчи суяқликлар (ЁС) деб аталади.

ЕАС га, масалан, ацетон (-17 °C), бензол (-12 °C), бензин (-17...+44 °C), скипидар, керосин, спирт, дизел ёқилғиси ва бошқалар киради.

ЁС га ўсимлик мойи, тормоз суяқлиги, мазут ва бошқалар киради.

2. Алангаланиш. Ташқи ёндирувчи манбанинг, масалан, очиқ аланга ёки учқуннинг маҳаллий таъсири остида ёнувчи модданинг аланга чиқариб турғун ёниши бошланишига алангаланиш деб айтилади. Ёниш жараёни буғ ҳосил бўлиш жараёни тўхтамагунча, ёндирувчи манба олинганда ҳам, тўхтовсиз давом этади. Алангаланиш **алангаланиш температураси** билан характерланади. Алангаланиш температураси чакнаш температурасидан ЕАС лар учун 2...5 °C, ЁС лар учун 5...30 °C га катта.



3. Ўз-ўзидан алангаланиш. Бунда ёнувчи модда олдин ташқи иссиқлик манбаидан (очиқ алангасиз) исийди, маълум бир температурадан бошлаб ўзини-ўзи иситишга ўтади ва кейин эса ёниш жараёни бошланади. Ўз-ўзидан алангаланиш **ўз-ўзидан алангаланиш температураси** билан характерланади. Ўз-ўзидан алангаланиш температураси моддадаги экзотермик реакциянинг бирдан тезлашиб кетишини таъминлайдиган энг кичик температурадир.

Ёнувчи тизимнинг тавсифи учун ўз-ўзидан алангаланиш температураси катта аҳамиятга эга. Бу температура ёнувчи модда турига, реакция тезлигига, иссиқлик узатиш шартларига, босимга, аралашма концентрациясига ва бошқа омилларга боғлиқ равишда ўзгаради. Ўз-ўзидан алангаланиш температураси, масалан, ёғоч учун - 250...400 °C, тошкўмир учун – 350...600 °C, керосин учун – 230...500 °C, бензин учун – 240...500 °C, рубероид учун – 400 °C тенг.

4. Ўз-ўзидан ёниш. Ўз-ўзидан ёниш - ёнувчи моддадаги экзотермик реакция туфайли ҳосил бўладиган иссиқлик натижасида модданинг исиши ва ўз-ўзидан ёниб кетишидир. Экзотермик реакция моддадаги физик-кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида пайдо бўлади.

Ўз-ўзидан ўсимлик мойи, ҳайвонлар ёғи, кўмир, дон, торф ва бошқа моддалар ёниб кетиши мумкин.

5. Портлаш. Портлаш ёнувчи модданинг жуда катта босим ва энергия ҳосил қилиб жуда қисқа вақт давомида ёниш жараёнидир.



3.Модда ва материалларнинг ёнувчанлик ва портлаш хусусиятларини аниқловчи кўрсаткичлар.

Ёнувчи моддалар 3 та агрегат ҳолатда бўлишлари мумкин: **газсимон, суюқ ва қаттиқ**. Моддаларнинг ёнғин ва портлаш хавфини аниқлашда уларни агрегат ҳолатларга бўлиш учун қуйидагича тасниф берилади:

Газлар – буғларининг абсолют босими 50 °С температурада 300 кПа ёки ундан катта бўладиган моддалар;

Суюқликлар – эриш температураси 50 °С дан ошмайдиган моддалар;

Қаттиқ моддалар - эриш температураси 50 °С дан катта бўлган моддалар;

Чанглар – заррачалари ўлчамлари 850 мкм дан катта бўлмаган майдаланган қаттиқ моддалар.

Моддаларнинг ёнғин хавфи, яъни тенг шароитларда ёниш содир бўлиш эҳтимоли даражаси, турли кўрсаткичлар билан аниқланади. Моддаларнинг ёнғин ва портлаш хавфи ҳамма кўрсаткичлар бўйича эмас, балки уларни тўла тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича аниқланади.

Газлар ва буғларнинг ёнғин ва портлаш хавфи қуйидаги катталиклар бўйича олиб борилади:

- **алангаланиш температураси;**
- **ўз-ўзидан алангаланиш температураси;**
- **алангаланиш соҳаси (алангаланишнинг концентрация чегаралари билан).**

Ишлаб чиқаришда газ ёки буғ концентрацияси аралашмада 0...100 % гача ўзгариши мумкин. Лекин бу аралашмаларнинг ҳаммаси ҳам портловчи ёки ёнувчи бўла олмайди. Аралашма портловчи ёки ёнувчи бўлиши учун газ , буғ концентрацияси портловчи концентрациялар чегаралари оралиқида бўлиши лозим. Бундай катталиклар:

- **алангаланишнинг пастки концентрация чегараси (АПКЧ);**
- **алангаланишнинг юқори концентрация чегараси (АЮКЧ) деб аталади.**


Модданинг АПКЧ си қанча паст, АЮКЧ си қанча юқори ва ўз-ўзидан алангаланиш температураси қанча паст бўлса, у шунча портлаш ва ёнишга нисбатан хавфли бўлади.

Ёнувчи суюқликларнинг ёнғин хавфи қуйидаги катталиклар бўйича олиб борилади:

- **чақнаш температураси;**
- **ўз-ўзидан алангаланиш температураси;**
- **алангаланиш соҳаси (алангаланишнинг температура чегаралари билан).**

Газлардан фарқли равишда суюқликлар буғининг концентрацияси суюқлик температурасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун уларнинг алангаланиш соҳасини температура орқали белгилаш мумкин. Бундай катталиклар:

- **алангаланишнинг пастки температура чегараси (АПТЧ), (бу чақнаш температурасидир);**



- **алангаланишнинг юқори температура чегараси (АЮТЧ), деб аталади.**

Қаттиқ моддаларнинг ёнғин хавфи қуйидаги катталиклар бўйича олиб борилади:

- **ўз-ўзидан алангаланиш температураси;**
- **алангаланиш температураси**

Майдаланган қаттиқ моддалар (чанглар) ҳаво билан қўшилиб ёнувчи ва портловчи аралашма ҳосил қилиши мумкин. Улар **ўз-ўзидан алангаланиш температураси** билан тафсифланади. Чўккан ва ҳаводаги учиб юрган чанглар учун бу температура турличадир.

Чангли аэрозолнинг алангаланиши ва аланганинг тарқалиши фақат маълум бир концентрацияларда юз беради. Бу катталик **алангаланишнинг (портлашнинг) пастки чегараси (АПЧ)** деб аталади, ва у чангнинг ёнғин ва портлаш хавфини тавсифловчидир. У чангнинг ҳаводаги оғирлик бўйича ёниб кетиши мумкин бўлган энг кичик концентрациясини белгилайди.

Ёнғин хавфсизлиги бўйича чанглар ҳолатига боғлиқ равишда портловчиларга (аэрозол), ва ёнувчиларга бўлинади.

Портловчи чанглар 2 гуруҳга бўлинади:

I –портлаш хавфи юқорилар, уларнинг АПЧ си 15 г/м^3 , (олтингугурт, канифол, эбонит, торф ва бошқалар чанги);

I I – портлаш хавфи мавжудлар, АПЧ си $16 \dots 65 \text{ г/м}^3$, (алюмин, сланец ва бошқа чанги.)

Ёнувчи чанглар ҳам 2 гуруҳга бўлинади:

I I I – ёниш хавфи юқорироқлар, алангаланиш температураси 250°C гача, АПЧ си 65 г/м^3 ошиқ;

I V - ёниш хавфи мавжудлар, алангаланиш температураси 250°C дан юқори, АПЧ си 65 г/м^3 ошиқ;


Қурилиш материаллари ва моддалар ёнишга бўлган хусусиятлари бўйича 3 та гуруҳга бўлинадилар:

1. **Ёнмайдиганлар;**
2. **Қийин ёнадиганлар;**
3. **Ёнадиганлар.**

Ёнмайдиганлар гуруҳига нормал шароитда, 900°C гача температурали очик аланга таъсирида алангаланмайдиган, тутамайдиган ва кўмирга айланмадиган модда ва материаллар киради. Масалан, бу гуруҳга гранит, кум, пиширилган ва силикат ғишт, пўлат, бетон, темир-бетон конструкциялар ва бошқалар киради.

Қийин ёнадиганлар гуруҳига очик аланга ва юқори температура таъсирида алангаланадиган ва тутайдиган модда ва материаллар киради. Улар фақат аланга манбаи бўлсагина ёнишда давом этадилар, манба йўқолса ёниш ҳам тўхтайди. Бу гуруҳга куруқ гипс сувоқ, асфальтбетон, войлок, пенопласт ва бошқалар киради.

Ёнадиганлар гуруҳига очик аланга ёки юқори температура таъсири остида алангаландиган, ва ёндирувчи манба йўқолганда ҳам ёнишда давом этадиган модда ва материаллар киради. Ёғочлар, асфальт, битум, қоғоз ва бошқа жуда кўп модда ва материаллар шу гуруҳга киради.



Бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ёнғин вақтида ўзларини кўтариб турувчанлик, тўсиб турувчанлик ва бошқа хусусиятларини сақлаб туриши оловга чидамлилиқ деб айтилади. Конструктив элементларнинг “оловга чидамлилиги чегараси” деган катталиқ мавжуд бўлиб, у соатда ўлчанади. Конструктив элементларнинг оловга чидамлилиги чегараси улар устида олов билан синов ўтказилиб аниқланади. Масалан, ғишт деворники 5,5 соатга, темирбетон устунники 3,5 соатга, ҳимояланмаган металл конструкцияники 0,25 соатга ва сувалган ёғоч деворники эса 1 соатга тенг.

Сув ва қишлоқ хўжалигидаги бино ва иншоотлар конструктив элементларининг ёнувчанлик ва оловга чидамлилиқ чегараси бўйича 5 та даражага бўлинган:

I – даража. Бу даражага қирувчи бино ва иншоотларнинг ҳамма конструктив элементлари ёнмайдиган ва жуда катта оловга чидамлилиқ чегарасига (0,5...2,5 соат) эга материаллардан қилинган бўлади.

II – даража. Бу даражага қирувчи бино ва иншоотларнинг ҳамма конструктив элементлари ёнмайдиган, лекин оловга чидамлилиқ чегарасига кичикроқ (0,25...2,0 соат) бўлган материаллардан қилинган бўлади.

III – даража. Бу даражага қирувчи бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ёнмайдиган ва қийин ёнадиган материаллардан қилинган бўлади.

IV – даража. Бу даражага қирувчи бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари қийин ёнадиган материаллардан қилинган бўлади.

V – даража. Бу даражага қирувчи бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ёнадиган материаллардан қилинган бўлади.

4.Ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғин хавфсизлиги бўйича категориялари.

Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини қуришда, ишлатиладиган машина ва механизм, асбоб-ускуналарни танлашда, вентиляция тизимларини қурганда ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғин чиқишга бўлган хавфини ҳисобга олиш керак.

Ҳамма ишлаб чиқариш жараёнлари ёнғин чиқиш хавфига қараб ҚМҚ I I-90-81 бўйича 6 та категория бўлинган. Бу категориялар **А, Б, В, Г, Д** ва **Е** деб аталади.

1. Категория А. Бу категорияга сув, кислород ёки ўзаро таъсир натижасида портлаб ёки ёниб кетадиган қаттиқ моддалар ишлатиладиган; чакнаш температураси 28 °С гача бўлган суюқликлар; ҳамда алангаланишининг (портлашининг) пастки концентрация чегараси (АПКЧ) 10 % ва ундан кам бўлган ёнувчи газлар, агарда кўрсатилган суюқликлар ва газлар хона ҳажмининг 5 % катта ҳажмида портловчи аралашма ҳосил қиладиган бўлса, ишлатиладиган ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Ишлаб чиқаришда бу категорияга бензин, ёнувчи газлар, карбид, заҳарли моддалар омборлари, газогенератор ва бўяш хоналари ва бошқалар киради.

2. Категория Б. Бу категорияга АПКЧси 65 г/м³ гача бўлган ёнувчи чанг ёки тола ҳосил бўладиган; чакнаш температураси 28...61 °С гача бўлган суюқликлар; ишлаб чиқариш муҳитида чакнаш ва ундан юқори температурагача қиздирилган суюқликлар; ҳамда АПКЧси 10 % юқори ёнувчи газлар, агарда кўрсатилган чанглари, суюқликлар ва газлар хона ҳажмининг 5 % катта ҳажмида портловчи аралашма ҳосил қиладиган бўлса, ишлатиладиган ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Ишлаб чиқаришда бу категорияга пичан уни ва ем тайёралаш цехлари, тегир ва жувозхоналарнинг туйиш бўлинмалари, электр станциялари ва қозонхоналарнинг мазут хўжаликлари ва бошқалар киради.

3. Категория В. Бу категорияга АПКЧси 65 г/м^3 дан юқори бўлган чанг ёки тола ҳосил бўладиган; сув, кислород ёки ўзаро таъсир натижасида фақат ёниб кетадиган моддалар; қаттиқ ёнувчи модда ва материаллар; ҳамда чакнаш температураси 61°C дан юқори бўлган суюқликлар ишлатиладиган ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Ишлаб чиқаришда бу категорияга дурадгорлик ва ёғоч тилиш цехлари, дон элеваторлари, дон қуриткичлар, дон ва пахтани дастлабки тозалаш цехлари, бензинсиз ёнилғи-мойлаш материаллари сақланадиган омборлар, ёпиқ кўмир омборлари, гаражлар ва бошқалар киради.

4. Категория Г. Бу категорияга ёнмайдиган моддалар ва материаллар иссиқ, чўғ ва эритилган ҳолатда ишланадиган, технологик жараёнлар эса иссиқлик энергияси, учкунлар ва олов пайдо бўлиши билан кечадиган, қаттиқ, суюқ ва газ ёқилғилар ёқиладиган ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Ишлаб чиқаришда бу категорияга темирчилик-пайвандчилик цехлари, қозонхоналар, иссиқлик генераторлари хоналари ва бошқалар киради.

5. Категория Д. Бу категорияга ёнмайдиган материаллар совуқ ҳолда ишлов бериладиган ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Ишлаб чиқаришда бу категорияга токарлик, деталларни ечиш-ювиш хоналари, силосхоналар, мева-сабзавот, ғўшт, балиқ маҳсулотларига ишлов бериш цехлари ва омборхоналари, биологик ёки техникавий усулда иситиладиган иссиқхоналар ва бошқалар киради.

6. Категория Е. Бу категорияга сув, кислород ёки ўзаро таъсир натижасида кейинги ёнишсиз фақат портлаб кетадиган моддалар ишлатиладиган; ҳамда суюқ фазасиз ёнувчи газлар ва портлайдиган чанг, улар хона ҳажмининг 5% катта ҳажмида портлайдиган аралашма ҳосил қилишади ва технологик жараён шароитлари бўйича аралашма кейинги ёнишсиз фақат портлаб кетади, ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Ишлаб чиқаришда бу категорияга аккумуляторларни ва электр караларни зарядлаш бўлимлари, водородли ёки ацетиленли баллонлар омбори ва бошқалар киради.

А, Б, ва Е категорияларга кирувчиларга портлаш ва ёнғин чиқиш хавфи бўлган ишлаб – чиқариш жараёнлари дейилади.


В категория кирувчиларга ёнғин чиқиш хавфи бўлган ишлаб – чиқариш жараёнлари дейилади.

Г ва **Д** категорияларга кирувчиларга ёнғин чиқиш хавфи бўлмаган ишлаб – чиқариш жараёнлари дейилади.

5. Ёнғинни ўчириш усуллари ва моддалар.

Ёнғинни ўчириш усуллари.

Юқорида гапирилганидек, ёниш жараёни камида учта элементнинг маълум миқдорда ва сифатда бўлишини талаб қиладиган тизим экан, бу тизимни бузиш учун уни ташкил қилувчи элементларнинг камида биттасини миқдор ва сифат жиҳатдан пасайтириш ёки умуман йўқотиш талаб этилади.



Ёнғинни ўчириш ёниш жараёнини пасайтириш ва тўхтатишдан иборат. Амалда бу иш ҳозирги вақтда қуйидаги усуллар билан олиб борилади:

1. Ёниш ўчоғига оксидловчи кириб боришини (концентрациясини) пасайтириш ёки умуман тўсиш;
2. Ёниш ўчоғининг температурасини ўз-ўзидан алангаланиш температурасидан ёки ёнувчи модда температурасини алангаланиш температурасидан паст даражага тушириш;
3. Ёниш ўчоғига ёнувчи модда кириб боришини камайтириш ёки умуман бартараф этиш;²
4. Ёнувчи моддаларни ёнмайдиган моддалар билан аралаштириш;
5. Ёниш жараёнидаги кимиёвий реакциялар тезлигини жадал сусайтириш;
6. Алангани механик таъсир (кучли сув ёки газ оқими) билан йўқотиш .

Ёнғинни ўчирувчи моддалар, уларнинг гуруҳланиши ва хусусиятлари.

Ёнғинни ўчиришда жуда кенг миқёсда сув, сув буғи, кимёвий ва механик кўпик, галоид углеводородларнинг сувли эмульсиялари, карбонат ангидрид, инерт газлар, сиқилган ҳаво ва ҳар хил порошоклар қўлланилади.

5.2.1. Ёнғинни ўчирувчи моддалар ёнғинни ўчириш хусусиятлари бўйича қуйидагича гуруҳланадилар:

- а) **совутувчилар** (сув, хлор тўрт углероди ва бошқалар киради);
- б) **кислород йўлини тўсувчилар** (кўпиклар, порошоклар ва бошқалар);
- в) **кислород концентрациясини пасайтирувчилар** (сув, сув буғи, карбонат ангидрид ва бошқалар);
- г) **ёниш жараёнига кимиёвий таъсир қилиб сусайтирувчилар** (галоид углеводородлардан бром этил, метил ва бошқалар).


5.2.2. Ёнғинни ўчирувчи моддалар агрегат ҳолати бўйича қуйидагича гуруҳланадилар:

- а) **газсимонлар** (азот, карбонат ангидрид, инерт газлар, сув буғи ва бошқалар);
- б) **суюқ ҳолатдагилар** (сув, хлор тўрт углероди, бром этил);
- в) **қаттиқ ёки порошоксимонлар** (кальций сода, флюслар, куруқ қум ва тупроқ)
- г) **аралаш ҳолдагилар** (суюқлик билан газсимон-кўпиклар, қаттиқ моддалар билан карбонат ангидрид газы, ёки порошоксимон моддалар билан ҳаво аралашмаси).

5.2.3. Ёнғинни ўчирувчи моддаларнинг хусусиятлари.

а). Сув. Сув ёнғинни ўчиришда мустақил ҳолатда ёки ҳар хил кимиёвий моддалар билан аралаштирилган ҳолда ишлатилиши мумкин. У бошқа воситаларга нисбатан қуйидагилари билан ажралиб туради:



1) катта кировчанлиги, 2) катта иссиқлик сиғими, 3) кимиёвий жиҳатдан нейтраллиги, 4) катта транспортабеллиги, 5) арзон баҳолилиги. Унинг ёнғин ўчириш самарадорлиги совутувчанлигидир, яъни сув жуда катта иссиқлик сиғимига эга – 2263,8 кЖ/(кг·град). 1 кг сув 1700 литр буғ ҳосил қилади. Сув таркибига баъзи ҳолларда махсус намлагичлар қўшилади. Намлагичлар ёнаётган нарсаларда намланиш хусусиятини яхшилайти (масалан; резина, кўмир, ганч, толали материаллар, торф ва бошқа). Намлагичларга совун, синтетик эритмалар, амилсульфат; алкилсульфинат ва бошқалар киради.



Сувнинг ўчирувчи сифатидаги камчиликлари: баъзибир металл ва модда билан реакцияга киришади; ток ўтказида, қиш пайти музлаб қолади, енгил нефть маҳсулотларини ўчиришда қўллаб бўлмайди ва бошқа.

Сув буғини ҳажми 500 м³ гача бўлган хоналарда ёнғинни ўчиришда қўллаш мумкин. Сув буғининг ёнғинни очик ҳавода ўчиришдаги концентрацияси 35 % ни ташкил қилади.

б). Кимёвий кўпик: асосан сульфат кислота ва унинг тузлари билан кўмир кислота ва ПО-6 аралашмаси ўзаро кимёвий реакцияга киришганда ҳосил бўлади:



Бу ерда CO_2 ва ПО-6 кўпик ҳосил қилади. Кўпикнинг 80 % CO_2 , 19,6 % H_2O , 0,4 % ПО-6 иборат бўлади.

Амалда кимёвий кўпикни ёнғинни ўчиришда ишлатиш камаймоқда, кўпроқ механик-ҳаво кўпигидан фойдаланилмоқда.

в). Механик-ҳаво кўпик: 90 % ҳаво, 9,5 % сув ва 0,7 % кўпик ҳосил қилувчи модда ПО-1 аралашмасидан иборат. ПО-6 моддаси ишлатилганда (0,4 %), унинг ёнига 83 % ҳаво, 16,6 % сувдан иборат аралашма ташкил топади. Механик кўпикнинг хусусияти – унда кам маҳсулот ишлатилишидир, яъни кам моддадан кўп ҳажмда кўпик ҳосил қилишдир. У махсус кўпик ҳосил қилиш генераторларида ҳосил қилинади.

Ҳосил бўлган кўпик ҳажмининг бирламчи ҳажмга нисбатан ошишига қараб аралашмалар ва генераторлар гуруҳланади: 10 каррагача (кичик), 10...200 каррагача (ўртача) ва 200 ошиқ каррали (юқори). Бу кўпикнинг ҳажми анча кенг ва узок вақт сақланади.

г). Карбонат ангидрид - CO_2 : инерт, рангсиз, ҳаводан 1,5 марта оғир газ. 0 °С ва 3,6 МПа босимда суюқ ҳолатга ўтади ва углекислота деб аталади. Қисилган ҳолдан ташқарига чиқса 500 марта кенгаяди ва қор шаклига ўтади, температураси – 80 °С тенг бўлади. Қаттиқ ҳолатдан тўғри бўғ ҳолатга ўтиши мумкин, 1 килограммдан 509 литр буғ ҳосил бўлади. Карбонат ангидрид кичик ёнғинларни ўчиришда асосий қўлланиладиган воситадир. Электр ўтказмаслик хусусиятига кўра электродвигатель ва бошқа электротехник қурилмаларда ёнғин ўчиришда ягона восита ҳисобланади. У пўлат баллонларда суюлтирилган ҳолатда босим остида сақланади.

д). Галоид углеводородлар: Ёнғинни ўчириши ёниш жараёни реакциясининг кимёвий тормозланишига асосланган (ингибирлаш). Улар чегаравий углеводородлар бўлиб, улардаги бир нечта водород атоми галоид (фтор, хлор, бром) атомлари билан алмашинган. Ёнғинни ўчиришда қуйидагилар: тетрафтордибромметан (хладон 114В2), метил бром, трифторбромметан (хладон 13В1) кенг қўлланилади. Яна, бундан ташқари этил бром асосидаги бирикмалар (3,5; 4НД; 7; СЖБ; БФ) ҳам ишлатилади. 3, 5, 7 рақамлари бу бирикмалар 3, 5, 7 марта карбонат ангидриддан самалироқ эканлигини кўрсатади. Кейинги вақтларда этилбромли бирикмаларнинг ишлатилиши чекланмоқда, чунки бромэтил ва унинг бошқа моддалар билан аралашмаси баъзи бир шароитларда ёниши мумкин. Галоид углеводородли бирикмалар катта зичликка эга, бу эса, ёнғинни ўчириш хусусиятини

иради, музлаш даражасининг пастлиги эса уларни совуқ ҳавода ишлатилишига йўл беради.

е). Ёнғинни ўчириш кукунлари (порошоклари): минерал тузларнинг ёпишиб ва қотиб қолишининг олдини олувчи турли қўшимчалар қўшиб майдаланган кукунларидан иборат. Улар кучли ингибиторлар ҳисобланган галоид углеводородларга нисбатан ҳам бир неча баробар катта ёнғин ўчириш хусусиятига эга. Бундан ташқари улардан универсал ҳамдир. Чунки улардан сув ва бошқа моддаларни ёнғинни ўчиришда қўллаш мумкин бўлмаган жойларда (масалан, металл ва баъзи металл таркибли бирикмалар ёнганда) фойдаланиш мумкин. Кукунлар умумий ва махсус мўлжалланган турларга бўлинади. ПСБ-3 бирикмасининг асосий қўшимчаси сифатида натрий бикарбонат; ПФ-диаммоний фосфат; П-1А-аммофос; СИ-2 – силикагель (114В2), хладон билан тўйдирилган ва бошқа.

ё). Ёнғинни бошланғич фазасида ўчиришда қўлланиладиган воситалар: буларга брезент, кигиз, қум, тупроқ ва бошқалар киради.



е). Ёнғинни ўчириш моддаларини танлаш. Ёнғин турига қараб ёнғинни ўчириш моддалари танланади. Ҳозирги вақтда барча ёнғинлар беш турга бўлинади – **А, В, С, Д ва Е**. Қуйидаги -жадвалда ёнғин турлари ва мос равишда уларни ўчиришда қўлланиладиган моддалар турлари келтирилган.

Ёнғин тури	Ёнаётган муҳит ва объектнинг тавсифи	Ёнғинни ўчириш моддалари
А	Оддий қаттиқ ёнувчи материаллар (ёғоч, қўмир, қоғоз, резина, текстил ва бошқалар)	Барча ёнғинни ўчирувчи воситалар (энг аввал сув)
В	Ёнувчи суюқликлар ва иситилганда эрувчи материаллар (мазут, бензин, лок, мой, спирт, стеарин, каучук, синтетик материаллар)	Сочилган сув, барча турдаги қўпиклар, галоидалкил таркибли бирикмалар, кукунлар.
С	Ёнувчи газлар (водород, ацетилен, углеводород ва б.к.)	Газ бирикмалари: инерт газлар (CO_2 , N_2), галоид углеводородлар, кукунлар, сув (совитиш учун)
Д	Металлар ва уларнинг қотишмаси (калий, натрий, алюминий, магний ва бошқалар)	Кукунлар (ёнаётган сиртга секин сепиш)
Е	Кучланиш остидаги электр қурилмалар	Галоид углеводородлар, карбонат ангидриди, кукунлар.

ЁНЎИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЁНЎИДАН ҲИМОЯЛАНИШ ТИЗИМЛАРИ

РЕЖА:

1. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тизимлари.
2. Ёнғиндан сақланишни ташкиллаштириш.
3. Ёнғин тўғрисида хабар қилиш ва сигнализация воситалари.
4. Ёнғинни ўчиришда ишлатиладиган техник ускуналар.



5. Ёнғинга қарши сув таъминоти.

1. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тизимлари.

D.St. 12.1.004-85 асосан **объектнинг ёнғин хавфсизлиги:**

- ёнғиннинг олдини олиш тизими,
- ёнғинга қарши муҳофаза тизими,
- ташкилий – техник тадбирлар тизими билан таъминланади.

Ёнғиннинг олдини олиш тизимига ишлаб чиқариш объектида ёнғин чиқишига йўл қўймайдиган техник восита ва ташкилий чора – тадбирлар киради. Бу тизим ишлаб чиқариш объектида ёнувчи тизим ва ёндирувчи манба пайдо бўлмаслигини, ёнувчи тизим температураси ва босимини ёнишга олиб келадиган энг юқори даражадан паст ҳолда ушлаб туришни, ишлаганда ёндирувчи манба ҳосил қилмайдиган асбоб ускуналар қўллашни, моддаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетишига олиб келадиган шарт – шароитларни бартараф қилишни, яшин қайтаргичларни қуришни, статик электрланишни бартараф қилувчи воситаларни қўллашни ва бошқа ҳар хил чора – тадбирларни кўзда тутди.

Ёнғинга қарши муҳофаза тизимига инсонларни, моддий бойликлар ва ҳайвонларни ёнғин вақтида ёнғиннинг хавфли омилларидан ҳимоя қилувчи техник воситалар ва ташкилий чора-тадбирлар киради. Бунга ёнғинни ўчиришнинг турли воситалари ва техникаларини қўллаш, уларнинг зарур ва етарли миқдорини таъминлаш, гуруҳий ва шахсий ҳимоя воситаларини ишлатиш, ёнғиндан хабар берувчи ва уни ўчирувчи автоматик ускуналарни қўллаш, конструктив элементларга оловга қарши қоплама, аралашма ва бўёқлар билан ишлов бериш, объектларни қуришда ёнмайдиган ва қийин ёнадиган материал ва моддаларни кенг қўллаш, ёнадиган моддалар ҳажмини камайтириш, ёнувчи муҳитни тўсиш ва ёнғин тарқалишининг олдини оловчи воситаларни қўллаш, эвакуация йўллари қуриш ва уни техник таъминлаш ва бошқа ишлар билан амалга оширилади.

Ташкилий – техник тадбирлар тизимига ёнғиндан сақлаш хизматини ташкил қилиш; уни техник таъминлаш; ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш; ёнғин чиқиш хавфи катта объектларга тезкор ва профилактик хизмат кўрсатишни ташкил қилиш; модда ва материалларнинг, технологик жараёнларнинг паспортизациясини ўтказиш; жавобгар шахсларни ўқитиш ва йўриқномалардан ўтказиш; аҳолини ўқитиш, ташвиқот ишларини олиб бориш; кўнгилли ёнғинни ўчириш дружиналарини ва жамоат инспекторларини тайёрлаш ва бошқа ишлар киради.

2. Ёнғиндан сақланишни ташкиллаштириш.

Ёнғин хавфсизлигига давлат миқёсида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарлик қилади. Жойларда эса унинг қуйи тизимлари олиб боради. Бунга Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, бўлимлари, кичик бўлимлари, инспекцияси ва қисмлари киради. Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бўлимлари ёнғинга қарши ҳимоялаш билан боғлиқ



ган комплекс саволларининг ҳаммасини ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифаси давлат ва фуқаролар мулкини ёнғиндан сақлашдир.

Ёнғиннинг олдини олиш ишларини олиб бориш, шаҳар ва хавфли ва табақалашган корхоналарда ёнғинни ўчириш учун ҳарбийлашган ва касбий ёнғинни ўчириш бўлимлари ташкил қилинган, ҳамда барча ташкилот ва корхоналарда ёнғин муҳофазаси хизмати мавжуддир.

Катта-кичиклигидан қатъий назар ҳар бир корхонада ва муассасада кўнгилли ёнғинни ўчириш дружиналари ташкил қилинган бўлиши керак. Корхонада ва муассасада ёнғин хавфсизлигини таъминлашга раҳбарлар жавобгардирлар.

3. Ёнғин тўғрисида хабар қилиш ва сигнализация воситалари.

Ёнғинни муваффақиятли ўчиришда ёнғинни аниқлаш ва ўз вақтида ёнғин хизмати бўлимларини ёнғин жойига чақириш катта аҳамиятга эга. Халқ хўжалигининг ҳар бир объекти, ёнғин тўғрисида хабар қилиш ва сигнализация воситаси билан таъминланган бўлиши керак.

Ёнғин тўғрисида хабар бериш воситасига шаҳар ва маҳаллий телефон алоқаси, муҳим объектлар учун махсус ёнғин телефон алоқаси ва ёнғин электр сигнализацияси киради. Турли ёнғин электр сигнализация тизими ёнғинни бошланғич босқичда аниқлашга ва пайдо бўлган жойи тўғрисида ахборот беришга мўлжалланган (ЭПС). ЭПС ёнғин ва ёнғин кўриклаш турларига бўлинади: уларнинг асосий элементлари – ёнғин хабарчиси, қабул қилиш станцияси, алоқа тизими, таъминот тизими, овозли ёки ёруғлик сигнали қурилмалари.

Ёнғин хавфини хабар этувчилари қўлда ишлайдиган ва автоматик ҳаракатга келадиган бўлади: кейингилари иссиқлик, тутун, ёруғлик ва бир нечта таъсирдан (мураккаб) ишлайдиган турларга бўлинади.

Иссиқлик таъсирида ишлайдиган хабар этувчилар атроф муҳитда иссиқлик даражаси ошиши билан ишга тушади. Уларнинг сезгир элементлари биметаллик пластинка ёки спирал, енгил эрувчан учлари қалайланган пружинали пластинка, терморезисторлар (яримутказгичли қаршилик), термopapa ва бошқалардан иборат. Уларга АТВ-3В, АТИМ-1, АТИМ-3, ДТЛ, ДПС-038, ПОСТ-1 в.б. ёнғин хабар берувчилари киради, (расмлар).

Тутунни сезувчи ёнғин хабар этувчиларда сезувчи элемент фотоэлемент ёки радиоактив моддали ионизация камерадан иборатдир. Тутун, ионизация камерасига тушиб, ҳавонинг ионизация даражасини камайтиради, бу эса оқибатда қабул станцияси кўшиш релесининг ишлаб кетишига олиб келади. РИД-1 хабар этувчисига, масалан, плутоний-239 радиоактив элементидан фойдаланилади. Тутун фотоэлемент ёнғин хабар этувчисига ИДФ-1 хабар этувчиси киради.


Мураккаб таъсирдан хабар этувчилар ионизация камераси ва терморезистордан иборат. КИ-1 мураккаб хабар этувчиси – расмларда тасвирланган.

Ёруғлик хабар этувчисига фотоэффект ҳолатидан фойдаланилади. Фотоэлементга аланганинг ультрабинафша ёки инфрақизил қисми таъсир этади. Шундай хабар этувчиларга СИ-1, АИП-М, ДПИД в.б. киради.

ДУЗ-4 ультратовуш датчиги ёпиқ хоналарда ҳаракатланаётган объектларни аниқлаш учун хизмат қилади (тебранаётган аланга ҳаракатланаётган инсон в.б.).

Қўлда ишлайдиган ёнғин хабар этувчилари тугмачали ва кодли бўлиб, аввалдан келишилган кодни хабар этишни таъминлайди. Тугмачали хабар этувчилар асосан автоматик хабар этувчилар ҳаракатини яна қайтариш учун ишлатилади. Улар бинонинг ичига ҳам, ташқарисига ҳам ҳавонинг -50 дан $+60^{\circ}\text{C}$ даражасигача ўрнатилади.

Қўл ва автоматик хабар этувчилардан сигнал қабул қилиш учун ёнғин сигнализация станцияси кўзда тутилган. Корхоналарда 2 хил турдаги станциялардан кенг фойдаланилади: ТОЛ-10/100 (хатарли, оптик, нурли) ва «Комар-сигнал 12АМ». Ёнғин қўриқлаш сигнализация тизимида ТЛО-20/30-2М, «Сигнал-12», «Сирень-2М» ва бошқа қабул станциялари қўлланилади.



-расм. КИ-1 хабар этувчиси: а-умумий куруниш, б-схемаси.


ФЭУП туридаги (хоналарни қўриқлаш учун фотоэлектрик қурилма) ускуна инфрақизил нурланишни электр энергиясига айлантириш ҳисобига ишлайди. Объектни қўриқлаш берилган йўналиш бўйича кўринмас инфрақизил нурни ҳосил қилиш ва агар нур тутун натижасида ёки у ҳаракатланаётган объект билан кесишса хавф сигналин timer юбориш орқали амалга оширилади.

Хабар этувчиларнинг соzлигини мунтазам текшириб туриш керак. Масалан, иссиқлик хабар этувчиларни бир йилда 2 мартадан кам бўлмаган тарзда кўчириб юриладиган иссиқлик манбаси ёрдамида (150 Вт рефлектор лампа билан) текширилади. Тутунли ва мураккаб хабар этувчилар бир ойда 2 тадан кам бўлмаган тарзда кўчириб юриладиган тутун ва иссиқлик манбаи ёрдамида текширилади. Ёруғлик хабар берувчиларни шам ёки гугурт алангаси билан текширилади.

4. Ёнғинни ўчиришда ишлатилadиган техник ускуналар.

Инсонларни, моддий ва табиат бойликларини ёнғиндан сақлаш учун ишлатилadиган техника воситалари одатда ёнғин ўчириш техникаси деб аталади.

Ёнғин ўчириш техникасининг асосий воситалари - махсус автомобиллар, поездлар, кемалар, самолётлар ва вертолётлардир.



Ёнғин ўчириш техникасига стационар ёнғин ўчириш қурилмалари, ёнғин сигнализациялари, ўт ўчиргичлар, ўт ўчириш гидрантлари ва бошқа ўт ўчириш жиҳозлари киради.

Асосий, махсус ва ёрдамчи ўт ўчириш машиналари бўлади. Асосийларига - автоцистерналар, автонасослар, насос станциялари, насос-шлангли, газ-сувли, ҳаво-қўпикли ва қукунли ҳамда бошқа турдаги машиналар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ўт ўчириш воситаларини ёнғин бўлаётган жойга келтиришдан иборат. Махсусларига техник хизмат кўрсатиб, алоқа ўрнатадиган ва бошқа турдагилари киради. Техник хизмат кўрсатувчи машинлар ёнғин тушган жойга муҳим ускуналарни олиб бориш, бинони ва қулаган қисмларни ажратиш, девор ва ора ёпмаларини тешиш ишларини бажаради ва авария остида қолган кишиларни ташиш учун хизмат қилади.

Ёрдамчи машиналар кучли ёнғин бўлганда ўчириш техникасининг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Улардан аҳоли орасида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари олиб боришда ҳам фойдаланилади. Барча ўт ўчириш машиналари қизил рангга бўялади ва товуш сигналли "сирена" билан жиҳозланади.

Ҳар қандай корхона маълум бир у ёки бу турдаги турдаги ёнғинни ўчириш техникаси билан жиҳозланган ёки таъминланган бўлиши керак.


Кичик ҳажмдаги ёнишларни ўчириш учун ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари қўлланилади. Ут учиргичлардан ёнғиннинг бошлангич босқичида ут учирш учун фойдаланилган.

Ут учирш моддаларига қараб ут учиргичлар қуйидаги турларга бўлинади: **хаво қўпикли, кимёвий қўпикли, суюқликли, углекислотали, аэрозолли ва қукунли.**

Ҳажмига қараб ут учиргичлар кам литражли (5 л гача), ишлаб чиқаришда қулда ишлатиладиган (10 л гача) ва ҳаракатланувчи (10 л дан юқори) ларга турланади. Ут учиргичлар турига қараб харфлар билан ҳажмини курсатиш учун ва 1 та ёки 3 та ракам билан белгиланади.

Кимёвий қўпикли ут учиргичлардан ОХП-10, ОП-М ва ОП-9ММ лар энг қўп тарқалган. ОХП-10 (-расм) 10 л ҳажмли бўйинли чўян идишдан, ёпадиган қурилмали қопқокдан иборат. Оқиб чиқувчи, пружина ва резинали клапани бўлган ёпадиган қурилма ут учиргич ичига урнатилагн кислота зарядининг полиэтилен стаканини ёпиш учун мулжалланган. Идишнинг бўйнида тешикли тикин мавжуд (сепиш учун). Тешик мембрана билан ёпилган, бу ут учиргичдан суюқликнинг оқиб чиқиб кетишини олдини олади. Мембрана 0,08-0,14 МПа босимда ёрилади (очилади). Ут учиргич корпусида бикарбонат натрийнинг сувли эритмаси ва қўпик ҳосил қилувчи қўшимча, яъни ишқорий заряд қисми жойлашган. Кислотали қисми эса сульфат кислотаси ва темир (III)-сульфати, алюминий сульфати аралашмаларидан иборат. Ут учиргични ишга тушириш учун ёпиш қурилмаси дастаги 180° га бурилади, ут учиргични «оёғи осмондан қилиб» тунқарилади ва ёнғин учоғига йўналтирилади.

Дастак бурилганда кислотали стакан очилади, кислота ва ишқорли заряд қисми аралашади, натижада уларнинг узаро таъсирида углерод оксиди гази (диоксид углероди) ҳосил бўлади, бу газ интенсив равишда суюқликни аралаштиради ва қўпик ҳосил қилади. Ут учиргич корпусида босим ошади ва қўпик сачраткич орқали ташқарига отилиб чиқади. Ут учиргичдан фойдаланишдан олдин албатта, унга осиб қуйилан бигиз билан сачраткични тозалаб юбориш керак.




-расм. ОХП-10 кимёвий купикли ут учиргич:

1-корпус, 2-кислотали стакан, 3-ён дастак, 4-буйин, 5-дастак, 6-окиб чиқиш, 7-копкок, 8-сачраткич, 9-клапан, 10-предохранитель, 11-остки дастак.

Ут учиргичларнинг куюк купикли кимёвий (ОП-М) ва кимёвий хаво-купикли (ОХВП-10) турлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Хаво-купикли ут учиргичларнинг қулда ишлатиладигани (ОВП-5 ва ОВП-10) ва стационар (ОВП-100 ва ОВПУ-250) турлари мавжуд. Уларда заряд қисми ПО-1 купик ҳосил қилувчининг 6% ли сувли эритмасидан иборат.



-расм. Хаво-купикли ут учиргич (ОВП)


1-корпус, 2-купикли тикилма, 3-трубка, 4-копкок, 5-дастак, 6-ишга тушириш ричаги, 7-окиб чиқиш, 8-сиқилган газ баллончаси, 9-сифон трубка

Ут учиргич корпусида босим сиқилган углерод диоксиди орқали ҳосил бўлади, улар ут учиргич ичида (ёки ташқарисида) жойлашган махсус баллонларда сақланади.


Механик-хаво купиги раструбда корпусдан чиқаётган эритма хаво билан аралашиб ҳосил бўлади. -расмда қулда ишлатиладиган ОВП-10 ут учиргич тасвирланган.

CO₂ – ут учиргичлари газ ҳолатидаги ёки каттик (қор қуринишида) моддалар ёнганда углерод диоксиди ёрдамида ут учиргиш учун хизмат қилади. Ишлаб

Ташқариш корхоналари томонидан кулда ишлатиладиган (ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8), транспорт курилишидаги (ОУ-25, ОУ-80, ОУ-400) ут учиргичлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ут учиргичлар турли моддалар



-расм. ОУ-2 углерод оксидли ут учиргич.



-расм. Углерод оксидли бромэтил ва аэрозол ут учиргичлар.


а – ОУБ-3, б – ОА-3,

1-корпус, 2-баллонча, 3-дастак, 4-сифон трубки.

хамда, 10 кВ ли электр қурилмалари ёнганда (хавосиз ёниши мумкин бўлганларидан ташқари) ишлатиш учун мулжалланган. Углерод диоксида ут учиргичларнинг баллониди суюқ ҳолатда 6 МПа босими (қул) ва 15 МПа (ҳаракатланувчи) босими остида жойлашган.

Каттик диоксид углеродини хосил килиш учун ут учиргичлар мах. раструблар билан жихозланади. Ут учиргичларни ишга тушириш учун уларнинг раструба ёнгин учогига каратилади ва ёпиш тикини босилади. Кул ут учиргичларини горизонтал холда ушлаш ва агдариш мумикн эмас. -расмда ОУ-2 ут учиргичи тасвирланган.

ОУБ-3 ва ОУБ-7 углерод оксидли –бромэтил ут учиргичлари 97% ли бромэтил, 3% ли сикилган диоксид углероди ва сикилган хаводан ташкил топган. Сикилган хаво 0,9 МП ишчи босимини хосил килиш учун ут учиргичга киритилади. - а,б расмларда ОУБ-3 ут учиргич курилмаси тасвирланган.



-расм. ОПС-10 кукунли ут учиргич.


1-кукунли идиш, 2-баллонча, 3-шланг (кувур), 4-тикин.

Кукунли ут учиргичлар энг куп таркалган. Улар: ОП-1 «Момент», ОП-2А, ОП-10А, ОПС-10, ОП-100, ОППС-10, ОП-250, СП-120 турда ишлаб чикарилади. ОП-10 кукунли кул ут учиргичи кичик хажмда ишкорий металлар, ёгоч, пластмасса в.б. ёнганда (натрий, калий) хизмат килади. Корпус ичида босим хосил килиш ва кукунни сикиб чикариш учун сикилган газдан (азот, углерод диоксида, хаво) фойдаланилади, газ махсус баллончада 15 МП босим остида сакланади. ОПС-10 (-расм) ут учиргичи металлоорганик бирикмалар ва металл гидридлари ёнганда учуриш учун махсус таркибли кукун турига, кукун юбориш ускунасига караб ажратилади (-расм).

Юкорида курсатиб утилган ут учиргичлардан ташкари яна бошка куп турлари мавжуд. Масалан, хладонли аэрозол ут учиргич (ОАХ-0,5), хладонли ут учиргич

(ОЖ-3 ва ОЖ-7), суюк ут учиргичлар (ОЖ-5 ва ОЖ-10), автоматик ут учиргичлар (УАП-А5, УАП-А8, УАП-А16) ва б.к.


Бирламчи ёнғинни ўчириш воситаларидан ташқари корхоналарда стационар ёнғинни ўчириш воситалари қурилади. Улар **сувли (дренчерли ва спринклерли), аэрозолли (галоид углеводородли), кукунли, буғли** ва бошқа турдагиси бўлиши мумкин.



-расм. Суви ут ўчириш автоматик қурилмаси схемаси.
1-хавар берувчи, 2-суғорувчи (пурковчи)

Кувурларда мунтазам босим остида сув мавжуд (иситилмайдиган хоналарда - хаво), уларга сув пуркаш асбоби урнатилган (спринклер), полнинг 9...12 м² га битта спринклердан ҳисоблаб, уларнинг миқдори урнатилади. , а-расм). Хавонинг доимий иссиқлик даражасида хонада сплинкернинг сув чикувчи бошчаси тешиги енгил эрувчи кулф – клапан билан ёпилган. Иссиқлик даражаси ошиши билан бу кулф эрийди ва тушиб кетади, сув сплинкер бошчасига тушади, розеткага урилади ва сочилади. Кулфнинг эриш даражаси 72⁰С. Яна 93, 141, 182⁰С эриш даражали кулфлар ҳам бор. Сплинкер тизими айнан ёнғин учогига сув берилишини таъминлайди. Ёнғин вақтида битта сплинкер очилиши биланок махсус контроль сигнал клапани хавф тугрисида ахборот сигналини беради.

Сплинкер қурилмаларида юкори температура зонасида булган сплинкергина очилади, бундан ташқари хонада иссиқлик даражаси ошиши билан сплинкерлар катта инерция билан 2...3 минутдан сунг бирин-кетин очила бошлайди. Баъзида бундай инерция унчалик маъкул келмайди ва сув хонанинг бутун майдонига тезда сочилиши мақсадга мувофиқдир.



-расм. Сув сочгичлар.

а- ОВС сплинке ри; б- ОВД дренчери;

1-тикилма, 2,4-ричаглар, 3-енгил эрувчи кулф, 5-разетка, 6-клапан

Бундай вақтларда бир вақтда ишга тушадиган дренчер қурилмалари қулланилади. Уларда сплинкер бошчалари урнига кулфсиз очик сув пуркагич бошчалар – дренчерлар урнатилган (41, б-расм). Оддий вақтларда сувнинг тармоқка чиқиш йули бир йула ҳаракатланувчи клапан билан ёпилган бўлади. Клапан автоматик равишда ёки қулда очилади, шу вақтда хавф сигнали берилади. Сувли сплинкер ва дренчер қурилмалардан ташқари кпикли қурилма ҳам мавжуд. Механик-хаво купиги бирлашиши учун улар махсус сув пуркагич ва генераторлар билан жиҳозланган.

Корхоналарда бошқа стационар ут учирини қурилмалари ҳам – бугли, хаво-купикли, ҳажмли автоматик (газли) ут учирини қурилмаларини қуллаш йулга қуйилган. Энг охиригисидан кичик ёпик хоналарда ут учирини учун муваффақият билан фойдаланилмоқда.


Хавзаларда нефть ва нефть маҳсулотларини учирини учун аралаштирувчи қурилмалардан фойдаланилади. Агар ёнаётган суюқликнинг температураси унинг бугларининг алангаланиш температурасидан 5°C дан паст бўлмаганда бу усулни қуллаш мумкин. Бунда хавзанинг пастки қисмига сикилган хаво узатилади, бу моддани аралаштиради ва совитади. Хавзали паркларда ут учирини хавзаларда купикли қуйиш камераларининг турли тизимлари урнатилагн қурилмалардан фойдаланилади. Бу қурилмаларни ишга тушириш учун бир қатор ҳаракатларни бажариш керак, яъни шланг улаш ва х.к.

5. Ёнғинга қарши сув таъминоти.

Ёнғинга қарши сув таъминоти билан бутун ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолиси 50 киши бўлган аҳоли пунктлари таъминланиши лозим. Сув манбалари табиий (ҳовузлар, ариқлар, дарёлар ва бошқа) ва сунъий бўлиши мумкин.

Битта ташқи ёнғинни ўчиришга сув сарфи ишлаб чиқариш категорияси, бино ва иншоотларнинг оловга чидамлилиқ даражаси ва бино ҳажмига боғлиқ равишда меъёрланган, (-жадвал):

Ишлаб	Биноларнинг	Бино ҳажмига боғлиқ равишда сув сарфи (л/сек)
-------	-------------	---



Ҳаҷми қарши Категорияла ри	Ҳоловга чидамлилиқ даражаси	3000 м ³ гача	3000... 5000 м ³	5000... 20000 м ³	20000... 50000 м ³	50000... 200000 м ³
Г, Д	I ва II	5	5	10	10	15
А, Б, В	I ва II	10	10	15	20	30
Г, Д	III	10	10	15	25	
В	III	10	15	20	30	
Г, Д	I V ва V	10	15	20	30	
В	I V ва V	15	20	20	40	

Ташқи ва ички ёнғинни ўчиришга сув сарфи (м³/соат) қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$Q_y = 3,6gT_{\bar{e}}n_{\bar{e}}$$

бу ерда g - ташқи ва ички ёнғин ўчиришга солиштира сув сарфи (юқоридаги жадвалдан олинади);

$T_{\bar{e}}$ - ёнғиннинг давом эти вақти, 3 соатга тенг деб олинади, ёки махсус формулалардан аниқланади;

$n_{\bar{e}}$ - бир вақтда содир бўлувчи ёнғинларнинг сони, 1...3 тенг деб олинади.


Ёнғинга қарши сув ҳавузларининг ҳажми 50 м³ кам бўлмаслиги керак. Агар аҳоли сони 5000 одамдан ортиқ бўлса 2 та 50 м³ ҳажмлик ҳавуз қилиниши керак. Уларнинг чуқурлиги 4 метрдан кам бўлмаслиги, қиш пайтида эса устини беркитиб қўйиладиган қурилмаси бўлиши керак.

Ҳовуздаги сув ҳажми захираси, м³:

$$W_{\bar{e}} = Q_{\bar{e}} \sum Q_T + 0,5Q_X$$

бу ерда Q_T - технологик мақсадларга сув сарфи, м³/соат;

Q_X - хўжалик мақсадларига сув сарфи, м³/соат.



51-лекция

ФАВКУЛОДИЙ ВАЗИЯТЛАРДА ХАВФСИЗЛИКНИ ВА ХИМОЯЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.

РЕЖА;

1. Умумий тушунчалар.
2. Фавкулоддий вазиятларни умумий характеристикалари ва классификацияси.
3. Фавкулоддий вазиятларда аҳолини химояланишнинг принцип ва услублари.

1. С.И.Ожеговнинг рус тили лугатида “фавкулоддий “ сузи “гоят, жуда катта, хамма нарсадан ошиб кетувчи” маъносида тушинтирилади.

Оддий нормал кечаётган ҳаётда эса инсонлар шу нормал кечаётган ҳаётдан у ёки бу тамонларга булинадиган ҳар қандай узгаришларни фавкулоддий ҳолдига ва вазиятларга киритишади.

ХФХ деганида эса фавкулодда вазият дегани, кенг маънода, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига ҳавф солувчи ҳавф қаторнинг юзага келиши ёки содир булиши тушунилади.

Демак, потенциал ҳавф, сабаблар туфайли юзага келади яъни маълум бир воқеа содир бўлади.

Бу воқеа ҳаётининг нормал кечишини бузади яъни фавкулодда ваҳзиятни юзага келтиради, бу вазият ҳар жамият учун турли огир оқибатларга олиб келиши умкин.

Умумий ҳолатда фавкулодда вазият деганда ташкил қилмаган, бирданига юзага келувчи ҳолатлар тушунилади. Бу ҳолатлар бир меёрда кечаётган жараёнларни ва воқеаларни кескин издан чиқариш билан ахлоли ҳаёт-фаолиятига иқтисодга ижтимоий соҳага ва табиий муҳитга ута салбий таъсир қилиши билан характерланади.

Қисман амалий мақсадларда фойдаланиш ФВ ларнинг классификация структурасини : 1-уларнинг генетик (юзага келиш сабаблари) ҳусиятлари асосида , 2. Ривожланиш жадаллиги (ҳужжатларнинг тарқалиш тезлиги) бўйича, ҳамда 3.Зарар етказувчи омилларнинг тарқалиш масштаби, оқибатларнинг огирлигини ҳисобга олган ҳолда, тузиш мумкин.

Юзага келиш сабаблари бўйича ВФ қуйидаги синфларни ажратиш мумкин:

- а) табиий ҳолатлар
- б) техноген фалокатлар
- в) антропоген ва экологик фалокатлар
- г) ижтимоий сиёсий низо тукнашувлар (урушлар)

Бундан ташқари табиий офатларга яна қургокчилик узок давом этадиган ёмғир, қаттиқ совук эпидимиялар, қишлоқ ҳужалик ва урмон зарарқунандаларнинг оммавий тарқалиши ҳам қиради.

Инсоният 40% талофати сув тошқинлари туфайли қуради 20% буронларга ер тебраниш 15%, қургокчилик 15% ва 10% қолган табиий офатларга тугри келади.

Техноген фалокаталр- машина, мҳанизмларнинг ишлатилиши жараёнида бирданига ишдан чиқиш ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш бузилиш



портлашлар ва ёнгинлар юз бериши, катта майдонларнинг радиоктив , кимёвий балонлик зарарланиши, одамлар халок булиши мумкин

Мисоллар: Чернобиль, поезд....

антропоген фалокатлар-бу био мухитнинг сифат жихатдан антропоген омиллар таъсиридаги узгаришлар ва бу узгаришнинг одамлар хайвонот, усимлик дунёсига таъсирларидир.

Ижтимоий сиёсий низолар давлат ва миллатлар орасидаги узаро келишмовчиликларни замонавий яъни киргин курулларини ишлатиб ечиш Россия-Чеченя

Ижтимоий сиёсий низолар. Давлатлар ва миллатлар орасидаги узаро келишмовчиликларни замонавий янги киргин курулларини ишлатиб ечиш.

Хавф-хатарнинг таркалиш жадаллиги буйича ФВ ларни куйидагича классификациялаш мумкин

а) кукуксидан буладиган ФВ (ер тебранишлари, портлашлар, транспорт авариялар ва бошкалар)

б) шиддатли ФВ (ёнгинлар, гидродинамик авариялар захарли моддалар таркалиши в х.к.)

в) уртача жадаликдаги ВФ (сув купайиши натижасидаги тошкинлар)

г) секин таркалувчи ВФ (кургокчилик , эпедемия, тупрок зарарланиш ва бошкалар)

Окибат огирлиги уни бартараф килиш учун зарур буладиган куч ва ресурс микдори билан бахоланади. Бу комплекс белгиси буйича ВФ ни 5-та типга булиш мумкин.

1.Локаль (объектда)

2.Махаллий (район,область, территория)

3. Регионал

4.Миллий (Республика нас.Обл)

5.Глобаль (ташкари мамлакат)

ФВ да умуман мувоффакиятли химояланиш учун албатта унинг келиб чиқиш шарт шароитларини билиш сабабларини аниклаш ва таъсир килиш механизмини урганиш катта ахамиятга эга.

ФВнинг юз беришини олдиндан аниқ тугри ва уз вақтида айтиб бериш унумли химояланишнинг асосий , энгмухим шартларидан биридир.

ФВлар куйидаги асосий сабаблар туфайли пайдо булиши мумкин:

1) температуралар фарқи, ер айланиш ва гравитация таъсири натижасида юзага келадиган тезкор табиий жараёнлар сабабли;

2) ФВда ХФХ таъминлаш ташкилий , инженер-техник тадбирлар ва воситалар комплексида иборат булиб, инсон соғлиги ва ҳаётини унинг барча фаолият соҳаларида саклашга қаратилган

ХФХ таъминлаш вазифаларни ва масалаларни ечишнинг асосий йуналишлари куйидагилардан иборат.

1. ФВнинг юз бериши ҳолларини бартараф килиш ёки камайтириш ҳамда оқибатларнинг таркалиши масшабини камайтириш

2. ФВ да халқ хужалиги объектларининг устивор ишлашини таъмирлаш

3. ВФ да аҳолини тугри ҳаракат килишга урганиш

4. ФВ оқибатларини бартараф килиш



ФВ да юз беришини олдиндан айтиб бериш ва огохлантириш.

Хавфсизликни таъминлаш принциплари уларни амалга ошириш белги ва хусусиятларига караб шартли равишда 3-та гуруҳга булинади.

- 1) Олдиндан тайёрланиш принципи.
- 2) Алохида ёндашиш принципи
- 3) Комплекс тадбирлар принципи

ФВ ларда аҳолини химояланишнинг куйидаги асосий услублари мавжуд.

- а) аҳолини эвакуация килиш
- б) химоялаш иншоотларга жойлаштириш
- в) шахсий химоя воситаларини куллаш.

32-лекция

РАДИАКТИВ ЗАРАРЛАНИШ ТУРЛАРИ ВА ХИМОЯЛАНИШ УСУЛЛАРИ. ДОЗИМЕТРИЯ АСОСЛАРИ.

Режа:

1. Радиактив нурланиш турлари ва уларнинг таснифлари.
2. Радиактивликнинг халқ хўжалигида қўлланлиши, аҳамияти ва тинч даврда атроф-мухитнинг радиактив зарарланиши.
3. Ядровий қурооллар ва уларнинг зарар етказувчи омиллар.
4. Дозиметрия асослари.
5. Радиактивликдан химояланиш усуллари.

1. Радиактив нурланиш турлари ва уларнинг таснифлари.

Кимёвий элементларнинг тургун ва нотургун турлари мавжуд. Нотургун элементларда ядро мустахкамлигини саклаш учун ички ядро кучлари етарли эмас, шунинг учун бу элемент ядролари даврий системанинг бошқа элемент ядроларига айланади. Бу айланиш жараёнлари радиактив парчаланиш деб аталади ва у радиактив нурлар чиқариш билан кечади. Радиактивлик табиий ва сунъий булиши мумкин. Массаси 83 дан юқори булган элементлар (уран, радан, радий, плутоний ва х.к.) табиий радиактивликка эга.

Табиатда 40 дан ошмиқ табиий радиактив элемент ва 270 дан ошмиқ радиактив кушилма мавжуд.

Сунъий радиактивлик эса кимёвий элемент ядросига протонлар, альфа-заррачалар ва нейтронлар таъсир килганда пайдо булади. улар орасида бирор бир принципиал фарк йук, улар умумий қонуниятлар асосида кечади.

Ядро айланишларининг икки хил тури маълум:

- радиактив парчаланиш;
- ядро реакциялари.

Ўз навбатида радиактив парчаланишнинг куйидаги қуринишлари бор:

1. Альфа-нурланиш: бунда 2 протон ва 2 нейтрондан иборат альфа заррача (гелий ядроси) ядродан чиқиб кетади. Бу заррача 2 та мусбат зарядга эга, жуда катта



Энергия ва ионлаш қобилиятига эга. Оқибатда ташки муҳитда жуда тезда энергиясини йукотади. Хаводаги ҳаракат тезлиги км/с, ҳаракат йули 3...11см, биологик туқималарга кириш чуқурлиги 0,1 мм гача. Когоз варака уни бутунлай тусиб қолади.

2. Бета-нурланиш: Бета нурланишнинг 2 тури маълум:

а) Электрон –парчаланиш. Бунда ядро нейтрони протонга айланади, ядродан битта электрон ва антинейтрино учиб чиқади, масса узгармайди.

3. Позитрон-парчаланиш: бунда протон нейтронга айланади, ядродан позитрон ва нейтрино чиқиб кетади.

Ионлаш қобилияти камрок, хаводаги тезлиги 270.000км/с, ҳаракат йули 20 м гача, биологик туқималарга чиқиб чуқурлиги 1см гача. Қийимлар 50 % ушлаб қолади.

4. Гамма-нурланиш. Бу электромагнит нурланиш бўлиб, асосан β -нурланиш билан биргаликда бўлади. зарядга эга эмас, товуш тезлигида тарқалади. Хавода утиш йули 3 км÷4 км атрофида, ута қирувчанлик хусусиятига эга.

2. Радиактивликнинг ҳалқ ҳўжалигида қўлланиши ва аҳамияти. Тинч даврда атроф-муҳитнинг радиактив зарарланиши.

Табиий радиактивлик 1896 йилда француз олими, физик Анри Бэккерель томонидан нашр қилинган бўлса, 1994 йилда Ирен ва Фредрик Жюлио-Кюрилар сунъий радиактивликни кашф этдилар. Бу илмий наشريётларни инсоният илк бор тинч мақсадда эмас, балки бир-бирини қириш мақсадида қўлади. Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари атом бомбалари портлаши оқибатида вайрон бўлди ва юз минглаб тинч аҳоли ҳалок бўлди.

Радиактивликнинг кенг имкесда қўлланиладиган соҳаси энергетикадир. 1954 йили Россиянинг Обцинск шаҳрида жаҳонда биринчи бўлиб атом электр станцияси ишга туширилди. ($N_0=5$ мВт). Ҳозирда АЭС лрада 106 дан қўпроқ энергия олинади.

Радиактивлик ҳалқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кенг қўламда қўлланилади:


Медицинада: диагностикада вадаволашда, илмий текширишлар олиб боришда ва ҳ.к.

Қишлоқ ҳўжалигида: механизмлар едирилишини аниқлашда, пайвандлар сифатини аниқлашда, донларга ишлов беришда, зарақунандаларга қарши қўршада, биологик текширувларда ва ҳ.к.

Бундан ташқари радиактивлик қўрилишда, химияда, физикада ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Радиактив моддаларнинг ҳалқ ҳўжалигида кенг қўлланилиши атроф муҳитнинг шу моддалар билан ифлосланиши хавфини тўғдиради. Бу моддалар билан ишлаш, сақлаш, ташиш ва қўмишда зарур хавфсизлик қоидаларининг бузилиши юқорида ҳолатга олиб қилиши мумкин.

Тинч даврдаги атроф-муҳитнинг радиактив моддалар билан ифлосланишининг энг қаттаси ва фўжалиси Чернобол атом электр станциясининг 4 блоқи реактори портлаш натижасида юзага қелди...



3. Ядровий қуроллар ва уларнинг зарар етказувчи омиллари.

Ядровий қуроллар оммавий, ялпи киргин қуроллари булиб, уларнинг ишлаши ядро ички энергиясидан фойдаланишига асосланган. Уларнинг 3 та тури бор:

1. Ядровий (атом) қуроли: (парчаланиш энергияси)
2. Термоядровий қурол. (синтез энергияси)
3. Нейтрон қуроли.

Ядровий қуролларнинг куйидаги зарар етказувчи омиллари мавжуд:

1. Хаво тулкини зарбаси;
2. Ёруглик нурланиши;
3. Кирувчи радиация;
4. Электромагнит импульси;
5. Жойларининг радиактив зарарланиши.

1. Хаво тулкини зарбаси асосий зарар етказувчи омил булиб, уни хосил килишга ядро портлашининг 50% энергияси сарф булади. Жуда катта даражада сиқилган хаво тулкини дан иборат, атрофга товуш тезлигида таркалади. Химояланмаган одамларда ута огир (босим 100кПа), огир (босим 60..100 кПа), урта (босим 40...60кПа) ва енгил (босим 20...40кПа) жарохатланишларни келтириб чикаради.

Портлаш маркази атрофида иншоотлар бузилишга караб зарарланишининг 4 та зонаси хосил булади: тулик бузилишлар зонаси (босим 50кПа ошиқ), кучли бузилишлар зонаси (босим 30 кПа), уртача бузилишлар зонаси (босим 20кПа) ва кучсиз бузилишлар зонаси (босим 10кПа). (расм).

2. Ёруглик нурланиши-куринадиган, инфракизил ва ультрабинафша нурлар окимидан иборат булиб уни температураси бир неча миллион градусга етадиган оловли шар ва чакнаш юзага келтиради. Уни хосил килишга портлашнинг 30-35 % энергияси сарф булади. Таъсир килиш вақти бир канча омилларга юоглик холда бир неча секунддан 30 секундгача булиши мумкин. У ёруглдик импульси (вақт бирлиги ичида бирлик юзага тушаётган ёруглик окими энергияси) билан характерланади.

Атроф-мухитга енгил чиқиши, куйдиримши, кур килиши. Кумирга айлантириши билан таъсир килади. Оджамларда 4 даражада куйиш хосил килади.

3. Кирувчи радиация-гамма нурлар (80%) ва нейтронлар (20%) окимидан биорат. 10-15 сек таъсир килади, уни хосил килишга ядро портлашининг 4-5% энергияси сарф булади, таъсир радиуси 3-4 км, у нурланиш дозаси билан характерланади.

Нурланиш дозаси-нурлантилаётган мухитнинг бирлик хажми томонидан ютилган радиактив нурланиш энергиясининг микдоридир. Улчов бирлиги-рентген.

Биологик туқималарга таъсири натижасида нур касаллиги келиб чиқади. Бошка объектларга таъсир килиб уларда сунъий радиактивлқини юзага келтиради. Оптик ва электрон асбобларни ишдан чикаради.

4. Электромагнит импульси (ЭМИ)-гамма-нурлар ва нейтронларнинг атроф-мухит атомларига таъсир курсатиш натижасида юзага келадиган электр ва магнит майдонлари электр узатиш тармоги ва бошка тармоқларда хосил келадиган импульс



Т.и ва кучланишларидан иборат. 1% энергия сарф булади. ЭМИ Э. асбобларини ва ундаги ёзувларни ишдан чикаради.

5. Жойларнинг радиактив зарарланиши-ядро портлаши энергиясининг 10-15% энергияси сарф булади. жойларга, ер ва сувга, бино ва иншоотларга, машина ва механизмларга ва бошқа объектларга радиактив моддаларнинг утириш ядро портлаши булутидан чикиши окибатида юзага келади. Радиактив моддалар нурланиши окибатида ва унинг объектларга таъсири натижасида радиактив булут юзида шартли равишда 4 зона юзага келади. (расм)

А – зона, кучсиз зарарланиш зонаси, ташки чегарасида радиация даражаси портлашдан 1 соат кейин 8Р/соат ташкил килади, тулик парчаланишгача радиация дозаси 40р ташкил килади.

Б – зона, кучли зарарланиш зонаси, мос равишда 80Р/соат ва 400Р ташкил килади.

В – зона, хавфли зарарланиши зонаси: мос равишда 240Р/соат ва 1200 Р ташкил килади.

Г – зона, Ута хавфли зона, мос равишда 800 Р/соат ва 4000Р ташкил килади.

4. Дозиметрия асослари.

Дозиметриянинг асосий вазифаси ионловчи нурланишининг аҳолига ва бошқа объектларга нисбатан хавфлилик даражасини аниклаш ва баҳолашдан иборат.


Дозиметрия ёрдамида зарарланиш учогида куткарув ва тезкор авария тиклаш ишлари вазифаларини муваффақиятли хал қилиш учун, турли объектларнинг радиактив моддалар билан зарарланиш даражасини аниклашда, озик-овкат, сув ва бошқа махсулотларнинг истеъмол қилишга яроқлилигини аниклаш учун, хар хил объектларнинг ва субъектларнинг нурланиб қолишининг олдини олиш учун радиактив нурланишни аиклаш ва улчаш ишлари бажарилди.

Радиактивликни аниклашнинг куйидаги усуллари мавжуд: (расм).

1. Фотографик усул: фотоэмульсиянинг қорайиши даражасида асосланган.
2. Кимёвий усул: баъзи бир кимёвий моддаларнинг нурланишдан кейин рангини узлаштиришига асосланган.
3. Сцинтиляцион усул: Баъзи бир моддалар радиактив нурланишлар таъсирида қуринадиган ёруғлик фотонлари чиқаради.
4. Люминесцент усул: Баъзи бир моддаларнинг ядро нурланишлардан энергия туплаш қобилятига асосланган.
5. Ионлаш усули: ядро нурланишлари таъсирида алоҳида ҳажмдаги ҳаво ёки газнинг ионланиши содир бўлишига асосланган. Ҳосил бўлган ионизация токини улчаб радиактив нурланишлар тугрисида ҳулоса қилиш мумкин.

Дозиметрия вазифаларини бажариш учун махсус асбоблар ишлаб чиқилган. Улар куйидагича гуруҳланади (расм)

1. Ренгенметрлар;
2. Радиометрлар;
3. Радиометр-рентенметрлар;





4. 2Шахсий дозиметрлар.

5. Радиактивликдан ҳимояланиш усуллари.

1. Оммавий киргин қуролининг зарарловчи омилларидан ер остида махсус қўрилган ва жихозланган иншоотлар (подваллар, метрополтенлар, махсус пана дойлар ва х.к.), сақланиш мумкин.

1. Эвакуация ва тарқатиш.
2. Шахсий химоя воситалари билан таъминлаш.
3. Дезактивация ўтказиш.
4. Тиббий воситалар билан таъминлаш ва х.к.



ИЛОВАЛАР

1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда)

Ушбу Қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишининг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

І БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.

2-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

3-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва қонуннинг қўлланиш соҳаси

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ушбу Қонун ва унга мувофиқ чиқариладиган бошқа меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлади.

Ушбу Қонун мулк ва ҳўжалик юритиш шакли турлича бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар* билан, шу жумладан айрим ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида турган барча ишловчилар; кооперативларнинг аъзолари, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумий таълим мактабларининг ўқувчилари; корхоналарда ишлашга жалб этиладиган ҳарбий хизматчилар; муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар; суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари корхоналарида ёки ҳукмлар ижросини амалга оширувчи идоралар белгиладиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қилади.

* Матнда бундан кейин «корхоналар» деб юритилади.

4-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати:

корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги; меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;

мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйиш;

меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;

корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;

олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;

хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш;

ишловчиларни махсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, пархез овқатлари билан бепул таъминлаш;


корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга қўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;

ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг мажбурийлиги;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиққан ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;

касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш принципларига асосланади.



5-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

6-модда. Жамоат бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига оид қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиши

Корхоналар, мутахассислар, фуқаролар меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга мувофиқ амал қиладиган жамоат бирлашмаларига уюштирилиши мумкин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, назорат қилиш идоралари, шунингдек корхоналар бу бирлашмаларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад кўрсатадилар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда улар ишлаб чиққан низомлар ва тавсияларни ҳисобга оладилар.

7-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид халқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари халқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётганларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар ўзгача шартлашилмаган бўлса, ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгилаб қўйилади.

II БЎЛИМ. МЕҲНАТНИНГ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

8-модда. Меҳнат муҳофазасини меъёрий таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди, шунингдек касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шaroитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиладди.

Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шaroитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайдилар.

Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси* корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

* Матнда бундан кейин «маъмурият» деб юритилади.

Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларга риоя этишлари шарт.

9-модда. Корхоналар ва объектларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишда, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш

Стандартлар, эргономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шу жумладан хориждан сотиб олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта қурилатган корхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган хавфсизлик шаходатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак.

Йўл қўйиладиган энг кўп меъёрлари (концентрацияси) ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш тақиқланади.

10-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш

Ўзбекистон Республикасида давлат ва корхоналар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлашни таъминлайдилар.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар ва ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш курсини албатта ўқишларини ташкил этишлари керак.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва бошқа хўжалик бошқаруви идоралари меҳнат муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъминлайдилар.

11-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъи назар, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда назорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятдан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас.

Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланади.

12-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш

Корхоналар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни яқка тартибда ҳимоялаш воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларни сотиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига имтиёзли солиқ солинади.

13-модда. Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш

Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавfli ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавfli ишлаб чиқаришларда, шунингдек ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

14-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазибаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуксонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазибаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

15-модда. Ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш

Корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шарт.



ИШЛОВЧИЛАРНИНГ МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҲУҚУҚЛАРИНИ РЎСАД ҚИЛЎШДАГИ КАФОЛАТЛАР

16-модда. Ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Меҳнат шартномаси (битими) шартлари меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Фуқароларни уларнинг саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман қилинади.

Маъмурият ходимни касб касаллигининг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори даражада эканлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилаётганда уни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

17-модда. Мажбурий медицина кўриклари

Корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришларнинг ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида — дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиладиган даврда вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармасалар, маъмурият уларни ишга қўймаслик ҳуқуқига эгадир.

Ходим, агар у ўзининг саломатлиги ёмонлашиши меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий кўриқ ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўриқларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

18-модда. Меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг кафолатлари

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳаётига хавф туғдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятга хабар қилади, бу ҳол назорат органлари томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тўхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини кўриши шарт. Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир ва унга ҳеч қандай интизомий жазо берилмайди.

Маъмурият, агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри жиддий хавф ҳамон сақланиб турган бўлса, ундан ишни қайта бошлашни талаб қилишга ҳақли эмас ва ходимга иш тўхтатиб турилган бутун давр учун барча моддий зиёни тўлаши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси ходимнинг аризасига кўра, унга ишдан бўшаганда бериладиган пул тўлангани ҳолда, исталган пайтда бекор қилиниши мумкин.

Ходимда касб касаллиги белгилари аниқланган тақдирда маъмурият тиббий хулоса асосида уни ихтисосини ўзгартиргунга қадар ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозим.

19-модда. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларга йўл-йўриқлар бериш

Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгиланган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт.

Маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўқув ўтказилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.


Маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.

20-модда. Меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиниши тўғрисида ходимларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқлари

Корхона ходимлари иш жойларидаги меҳнат шароитларининг аҳволи ва муҳофаза қилиниши, бунда лозим бўлган шахсий ҳимоя воситалари, имтиёзлар ва товон пуллари тўғрисида ахборот талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар, маъмурият эса уларга бундай ахборотни бериши шарт.

21-модда. Ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ходимларнинг айрим тоифалари (хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар), шунингдек меҳнатнинг оғир ва зарарли шароитларида ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.



IV БЎЛИМ. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

22-модда. Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати

Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга ҳамма жойларда риоя этилиши устидан давлат назоратини бунга махсус ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом асосида ишловчи давлат идоралари амалга оширадилар.

23-модда. Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати

Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини меҳнат жамоалари ва қасаба уюшмаси ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзлари сайлайдиган вакиллар амалга оширадилар.

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган вакил иш жойларида меҳнат муҳофазасининг аҳолини монеликсиз текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада иш пайтида камида икки соат вақт ажратиб берилади ва ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

24-модда. Қасаба уюшмаларининг ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқини ҳимоя этиш борасидаги ҳуқуқлари

Қасаба уюшмалари ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқини қонун хужжатларига мувофиқ ҳимоя қиладилар.

Қасаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив хужжатларни ишлаб чиқишда ва келишиб олишда белгиланган тартибда иштирок этадилар.

Қасаба уюшмалари ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этадилар.

Ходимларнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарар қопланиши учун ҳамда уларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқлари камситилган бошқа ҳолларда қасаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ходимларнинг аризаларига биноан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат этишлари мумкин.

V БЎЛИМ. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

25-модда. Мехнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмагани учун корхоналарнинг жавобгарлиги

Корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича маблағлар ажратадилар. Тарифлар меҳнат шароити, бажариладиган ишлар хавфлилиги, зарарлилиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат шароитлари давлат экспертизаси берган хулоса тарифларни қайта кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

26-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрлаганлик ва сотганлик учун корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги

Мехнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқараётган ва етказиб бераётган корхоналар истеъмолчиларга етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланадиган тартибда ва шартларда қоплайдилар.


Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича стандартлар, қоидалар ва меъёрларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларига номувофиқ ишлаб чиқариш воситаларини, якка тартибдаги ва жамоани ҳимоялаш воситаларини, шу жумладан хориждан сотиб олинганларини сотиш ва тарғиб қилиш ғайриқонуний ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида корхона олган фойда белгиланган тартибда бюджетга мусодара қилиниши керак.

27-модда. Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларни бузганлик учун жавобгарлик

Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Корхоналарнинг бошқа ходимлари меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларнинг талабларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

28-модда. Ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги



Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида мижолиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб микдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди.

Бир марта бериладиган нафақа микдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ва жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим.

Агар ходим даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни тўлайди, шунингдек жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашишини таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун кетадиган харажатларни қоплайди.

29-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхонанинг моддий жавобгарлиги

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхона тегишли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга моддий зиёни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва микдорларда қоплайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган микдорда бир марта бериладиган нафақа тўлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент ш.,
1993 йил 6 май,
839-ХП-сон

2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БҲЙРУҒИ ГИДРОМЕХАНИЗАЦИЯ ИШЛАРИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 352-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда 1987-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта қўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Гидромеҳанизация ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

Вазир в.б. А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 июнь,
33/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 24 июндаги 33/Б-сон буйруғига ИЛОВА

Гидромеҳанизация ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) Қонунига мувофиқ гидромеҳанизация ишларини бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча турдаги гидромеҳанизация ишларини бажарувчи корхона, муассаса ва ташкилотларга тааллуқлидир (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади).


2. Мазкур Қоидалар Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария қоидалари ва меъёрлари, Давлат стандартларининг тегишли нормалари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган органлар томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

4. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.



5. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:
- ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;
 - маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);
 - бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.
- Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:
- иш жойларининг аҳволи;
 - меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;
 - меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;
 - ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқиши;
 - меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;
 - меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.
6. Корхоналарда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:
- меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўз ичига олган жамоавий шартнома;
 - тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;
 - меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;
 - ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;
 - меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);
 - ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;
 - ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозим жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

8. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

10. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари лозим.

11. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.



12. Корхона маъмурияти барча ишга қираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказиляётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

13. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь — Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш

14. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

15. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь — Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.



16. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсиялар бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишга қўймасликка ҳақлидир.

17. Тиббий кўриқлар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаганда эса, даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.

18. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўриқ далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

19. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

20. Ходимларнинг соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлаш тақиқланади.

4-§. Гидромеханизация ишларида хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг рўйхати

21. Гидромеханизация ишларида куйидаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд:

иш зонасидаги ёзги пайтдаги юқори ва қишки даврда паст ҳарорат;

иш зонасидаги ҳавонинг юқори тезлиги;

ҳаракатланувчи машина ва механизмлар;

ишлаб чиқариш жиҳозларининг ҳаракатланувчи ҳимояланмаган элементлари;

юқори босимли сув оқимлари;

пульпа оқимлари;

чуқур сув ҳавзалари;

электр занжиридаги кучланишнинг хавфли даражаси, тўсатдан ҳосил бўладиган қисқа тугашув;

иш ўрнидаги юқори шовқин ва тебраниш даражаси;

иш ўрнининг яхши ёритилмаганлиги;

меҳнатни оғирлиги ва зўриқишнинг ҳосил бўлиши;

меҳнатни бир маромда бориши.

22. Иш ўринларидаги ҳарорат, ҳаво ҳаракатининг тезлиги иш тури ва йилнинг фаслига мос бўлган микроклимат меъёрларига тўғри келиши керак.

5-§. Қўшимча меҳнат муҳофазаси талаблари қўйиладиган юқори хавфга эга касблар ва ишлар

23. Гидромеханизация ишлари ва ускуналарга хизмат кўрсатишдаги ишларга қўйиладиган қўшимча талаблар иш ўринларидаги меҳнат шароитлари бўйича ўтказилган аттестация натижаси асосида аниқланади.

24. Корхоналарда юқори хавфли шароитларда бажарилувчи ишлар, яъни юк кўтариш механизмлари ва электр қурилмаларда ишлаш рўйхати тузилган бўлиши керак.

25. Барча ишчилар хавфли ишларни бажариш топшириғини олишдан олдин техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқдан ўтишлари ва ишларни хавфсиз бажариш усулларини ўзлаштиришлари шарт.

26. Ўрнатилган тартиб асосида жавобгар шахс томонидан тасдиқланган расмий рухсат этилган махсус наряд-рухсатнома мавжуд бўлгандагина хавфли ишларни бажариш амалга оширилади.

27. Хавфли ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва уларнинг хавфсиз ўтказилишида иш берувчи тўлиқ жавобгардир.

6-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

28. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

29. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига куйидагилар киради:

иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток ва ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

30. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишларнинг амалга оширилиши тақиқланади.

31. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича:

сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);

даволаш-профилактика озиқ-овқати;


махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим.

32. Ишловчилар шахсий ҳимоя воситаларининг қўлланилиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

33. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи куйидагиларни таъминлаши шарт:

амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;



қўлланилаётган химоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни; шахсий химоя воситаларидан хавфли ва заҳарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация, дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган химоя воситалари бундан мустасно).

7-§. Касбий танлов

34. Корхона ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олиниши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

35. Ўта хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

36. Ўта хавфли ишларга хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган, махсус ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган шахсларга рухсат этилиши лозим.

37. Корхона мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос даражада ишларни ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

38. Корхона ходимлари ишларни хавфсиз юритишга ўқитилиб, олинган билимлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги **намунавий низомга** мувофиқ синовдан ўтказилиши ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

39. Касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимларни касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиш, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиш лозим.

40. Қонун ҳужжатларига мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитидаги ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

41. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи хавфлилик даражаси юқори бўлган ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларга нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда амалга ошириш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

8-§. Ишчи-ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнига қатнашиши

42. Ишга қабул қилинган ишчи-ходимлар иш жойида ишни бошлашдан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқдан ўтиши лозим.

43. Алоҳида хавфи бор бўлган иш жойларига ишчи-ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилиб, билимлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисида ҳужжати бўлмаса ишга қўйилмаслиги керак.

III. Ишлаб чиқариш жараёнларига қўйиладиган талаблар

1-§. Гидромеханизация қурилмаларига хизмат кўрсатиш, лангарларни (якорларни) ўрнатиш ва кўчириш жараёнлари

44. Гидромониторни кўчириш бўйича ишлар, уни таъмирлаш, каллакларини алмаштириш, қувурлар бирлашмасидаги бирикмаларни маҳкамлаш, шунингдек гидромонитор иш фронти ҳудудидаги барча ишлар фақатгина насос станцияси иш жараёни тўхтатилгандан сўнг амалга оширилиши керак.

45. Агар сув ости грунт конларига (карьерларга) ишлов бериш жараёнида грунт юмшатгич қурилмаси каллаги грунтга қўмилиб қолса, махсус грунтни тозаловчи авария ҳолатида ишловчи қурилмалардан ёки баъзи шароитларда иш жараёни хавфсизлигини таъминловчи техник воситалардан фойдаланиш керак.

46. Лангарларни ўрнатиш ва кўчириш бўйича ишларни бажаришдан олдин лангаркўтаргич қурилмалари созлиги (чиғир, темир аркон, (тросс) йўналтирувчи роликлар, кран балкалар), ишчи асбоблар шайлиги (болталар, болғалар, лом ва бошқалар) текширилиши шарт.

47. Юк кўтариш мосламаларида, уларнинг юк кўтариш қобилияти ва навбатдаги кўриқдан ўтиш муддати аниқ кўрсатилиши лозим.

48. Лангарни тупроқдан ажратилиши ва унинг таралиш жараёнлари чиғир барабинининг секин айланиш тезлигида амалга оширилади.

49. Лангарни кўтариш ва кўчириш атрофдан бошқа транспорт кемалари ўтаётганда тақиқланади.

50. Сув тўлқини баландлиги 0,5 м ва ундан юқори бўлганда, лангарларни кўтариш ва кўчириш бўйича ишлар бажарилишига йўл қўйилмайди.

51. Маҳкамланган лангар бириктирилган темир аркон (трос)да титраш жараёни юзага келса, унга яқин ҳудудда ишчилар туриши тақиқланади.

2-§. Кранлар ва юк кўтариш механизмлари билан ишлаш жараёнларидаги хавфсизлик талаблари

52. Механик узатмали юк кўтариш машиналарини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш учун маъмурият томонидан кранчи-машинистлар тайинланади, электр узатмали юк кўтариш машиналаридан фойдаланишда эса, машинистдан ташқари электромонтер, электрчилангарлар ҳам тайинланиши лозим.

Юқорида қайд қилинган шахслар, ушбу касбларга мос дастурлар бўйича ўқитилиши, малакали мутахассислар ҳайъати томонидан аттестациядан ўтказилиши ва уларга гувоҳномалар берилиши керак.


53. Иш жараёни бошланишдан олдин, юк кўтариш машиналари ва юк ушлагич мосламаларининг ҳисобга олиш журналида қуйидагилар қайд қилиниши керак:

қўл кучи ёрдамида, пневматик ёки қўл механизмларида кўтариладиган барча турдаги кранлар;

бир балкали кўприксимон, пулт ёрдамида бошқариладиган ҳаракатланувчи ёки бураладиган консолли кранлар;

юк кўтариш қобилияти 10 тоннагача бўлган хартумли (стрела) кранлар;

махсус мўлжалланган кранлар ва юк кўтаргичлар (қувурёткизгичлар ва бошқалар).



54. Кранларнинг юк кўтариш ва кўчириш бўйича бажарадиган иш жараёнининг хавфсизлигига жавобдорлик кўтариш машина-мосламалари созлиги бўйича жавобгар шахслар маъмурият томонидан муҳандис техник ходимлар таркибидан буйруқ асосида тайинланади.

55. Юкни кўтариш, кўчириш ва тушириш жараёнларида амалдаги стандартга мос равишда умумий хавфсизлик талабларига риоя қилиниши керак. Юкни одамлар устидан кўчириш, юк остидан юриш ёки унинг остида туриш қатъиян ман этилади.

IV. Таъмирлаш ишларини бажаришда хавфсизлик талаблари

56. Таъмирлаш ишларини ўтказишга тайёргарлик меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминловчи барча талабларни ўз ичига олган таъмирлаш ишлари режасини тузишдан бошланиши керак.



57. Таъмирлаш ишлари режасида ўтказиладиган ишларнинг аниқ муддатлари, уларни бажарилиши хавфсизлиги бўйича жавобгар шахслар белгиланиши керак.

58. Таъмирлаш ишлари режаси корхона, участка раҳбарлари билан келишилган бўлиши лозим. Бунда асосан, бажариладиган ишлар тартиби ва таркиби, ишларни хавфсиз амалга ошириш тадбирлари, муддатлари ва уларга жавобгар шахслар кўзда тутилади.

59. Таъмирлаш бригадаси ишчилари талаб даражасидаги миқдорда иш жараёнига яроқли бўлган мосламалар ва химоя воситалари билан таъминланган бўлишлари шарт.

V. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

60. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ УЧУН МАХСУС КИЙИМ, МАХСУС ПОЙАБЗАЛ ВА
БОШҚА ЯККА ТАРТИБДА ҲИМОЯЛАНИШ ВОСИТАЛАРИНИ БЕПУЛ БЕРИШНИНГ НАМУНАВИЙ
МЕЪЁРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 356-модда)***[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда 1991-сон билан давлат рўйхатидан
ўтказилди]**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг **намунавий меъёрлари** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.


Вазир в.б. А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 июнь,
35/Б-сон



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 30 июндаги
35/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда
ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг
НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ**



Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
I. Дехқончилик ва ер тузилиши			
1.	Трактор, комбайн ва ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналарига ёнилғи-мойлаш материаллари тарқатувчи	Ип газлама комбинезон	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Этил бензини билан ишлаганда:	
		Резина этик	12
2.	Хашак йиғувчи ва янчиш агрегатлари машинисти ва ишчиси	Комбинацияланган қўлқоп	4
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
3.	Дала қоровули	Сув ўтказмайдиган плаш	Навбатчи
4.	Далаларни суғориш оператори	Резина этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	4
5.	Дон қуритувчи	Механизацияланган дон тозалаш пунктларида:	
		Ип газлама комбинезон	12
		Комбинацияланган қўлқоп	6
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
6.	Минерал ўғитларни янчиш ва аралаштириш ишчиси	Ип газлама комбинезон	Навбатчи
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
7.	Пахта қўсагини чувиш машинаси ишчиси	Ип газлама комбинезон	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
8.	Шоли экиш ва чопп қилувчи ишчилар	Резина этик	12
9.	Иссиқхона ишчилари	Ип газлама халат	12
		Ип газлама фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	4




		Чарм пойабзал	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
10.	Боғ ва узумзор ишчилари	Ип газлама яримкомбинезон	12
		Ип газлама фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	6
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
11.	Меваларни ювиш ва идишларга қадоқловчи ишчи	Ип газлама кўкракпешли фартук	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	3
12.	Лавлаги тозаловчи	Сувни ўтказмайдиган ип газлама кўкракпешли фартук	24
13.	Заҳарли химикатлар аралашмасини тайёрловчи, уруғларга химикат билан ишлов берувчи, сиғим ва машиналарга заҳарли химикатлар аралашмасини қуювчи	Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама комбинезон	12
		Резина кўкракпешли фартук	6
		Ип газлама шлем	12
		Резина этик	24
		Резина қўлқоп	4
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
14.	Тамаки қуритувчи ускуна ишчиси	Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
15.	Тамакига ишлов берувчи ишчилар	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
16.	Сабзавотларни қўлда териш ва ишлов бериш ишчилари	Резина фартук	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	6
17.	Заҳарли доривор-техник ўсимликларни янчиш ишчилари	Ип газлама комбинезон	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Брезент шлем	Навбатчи
18.	Биоёқилғили иссиқхона ишчилари	Ип газлама фартук	24
		Чарм пойабзал	12
		Комбинацияланган қўлқоп	9
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
19.	Пилла қуритгич ишчилари	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	6
		Комбинацияланган қўлқоп	2
20.	Ипак курти етказувчи завод ишчилари	Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
21.	Заҳарли доривор ўсимлик терувчи	Ип газлама халат	24
		Резина фартук	6
		Ип газлама қалпоқча	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
22.	Тракторчи-машинист	Чанг ўтказмайдиган ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	6
23.	Комбайн машинисти	Чанг ўтказмайдиган ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	24
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Аёллар учун:	
		Рўмол ва бош кийим	6
24.	Тупроққа ўғит солувчи тракторчи-машинист	Чанг ўтказмайдиган ип газлама костюм	12
25.	Қишлоқ хўжалиги техникаларини дала шароитида синовчи	Чанг ўтказмайдиган ип газлама костюм	12
		Резина этик	12
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
II. Чорвачилик, паррандачилик ва ветеринария			
26.	Бригадир, чорвачилик оператори, йирик шохли қорамош боқувчи	Ип газлама халат	12
		Резина этик	12



27.	Бригадир, чўчка боқар	Ип газлама халат	12
		Резина этик	12
		Резиналанган фартук	12
28.	Бригадир, ишчи, паррандачилик оператори	Ип газлама халат	12
		Чарм пойабзал	12
29.	Бригадир, жўжаларни сараловчи ишчи	Ип газлама халат	12
30.	Ветеринар врач	Ип газлама халат	12
		Резина фартук	24
		Резина этик ёки калиш	24
		Резина қўлқоп	24
31.	Дезинфекцияловчи ветеринар санитар	Ип газлама халат	12
		Резиналанган фартук	12
		Резина этик ёки резина калиш	12
		Резина қўлқоп	12
32.	Суюқ озуқа ташувчи	Ип газлама костюм	12
		Сув ўтказмайдиган кўкракпешли фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	4
33.	Сут соғувчи	Ип газлама халат	12
		Резина этик	12
		Сув ўтказмайдиган кўкракпешли фартук	24
34.	От ўргатувчи	Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Кирза этик	24
35.	Отбоқар, туябоқар	Ип газлама фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
36.	Чавандоз	Ип газлама костюм	12
		Кирза этик	24
		Ип газлама қўлқоп	6
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда қўшимча	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
37.	Қорақўл териларини тузловчи ва қуригувчи	Ип газлама халат	12
		Резина кўкракпешли фартук	12
		Резина қўлқоп	12
38.	Жун кирқиш машиналарини соловчи	Кўкракпешли брезент фартук	Навбатчи
39.	Қуёнчилик фермаси ишчиси	Ип газлама халат	12
		Резина фартук	6
		Резина қўлбандлар	6
		Резина этик	12
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
		Бевосита қуёнларга хизмат кўрсатувчи ишчиларга:	
		Резина қўлқоп	12
40.	Йил бўйи яйлов шароитида ишловчи чўпон, молбоқар, бригадир	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама плаш	24
		Кирза этик	12
		Қалтапўстин	24
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36



		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	24
		Молларни ўтловга ҳайдаб боқишда қўшимча:	
		Пўстин	48
		Ип газлама плаш ўрнига резина плаш	48
41.	Инкубатор ишчиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама рўмолча ёки қалпоқча	12
		Чарм пойабзал	12
42.	Тухум сақловчи омборхона ишчиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қалпоқча	12
43.	Озуқа цехи ишчиси	Ип газлама комбинезон	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Чарм пойабзал	12
44.	Балиқчи, балиқларни озиклантирувчи	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама фартук	12
		Комбинацияланган қўлқоп	6
		Резина этик	24
		Резина плаш	Навбатчи
45.	Молхоналарда озуқа ташувчи ва таркатувчи, сунъий қочириш станциялари ишчилари	Ип газлама халат	12
		Комбинацияланган қўлқоп	4
		Кирза этик	24
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	24
46.	Сартарош (қўй жунини қирқувчи)	Кўкракпешли ип газлама фартук	Навбатчи
		Ип газлама ёки резина қўлбанд	Навбатчи
III. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сунъий қочириш пунктлари ва станциялари			
47.	Ветеринар врач	Ип газлама халат	12
48.	Зоотехник	Ип газлама халат	12
49.	Суюқ азот билан ишловчи лаборант	Ип газлама халат	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
50.	Сунъий қочириш бўйича техник	Ип газлама халат	Навбатчи
		Ип газлама халат	12
		Резина фартук	12
		Ип газлама қалпоқча	12
		Резина этик	24
		Суюқ азот билан ишлаганда қўшимча :	
Резина қўлқоп	Навбатчи		
51.	Сунъий қочириш станцияси хоналарини йиғиштирувчи	Ип газлама халат	12
		Резина этик	12
IV. Сув хўжалиги			
52.	Қудуқ пармаловчи	Брезент костюм	Навбатчи
		Брезент қўлқоп	Навбатчи
		Намгарчилик шаронтида қўшимча:	
		Резина этик	12
53.	Портлатувчи	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама плаш	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	4
		Намгарчилик шаронтида қўшимча:	
		Резина этик	12
54.	Сув назоратчиси	Резина этик	12
		Брезент қўлқоп	2
55.	Пармалаш ишларида сув сатҳини ўлчовчи	Резина этик	12
56.	Насос ускуналари машинисти	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12



		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлган
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлган
		Диэлектр қўлқоп	Навбатчи
57.	Қудук казиш ишларида банд бўлган ишчилар	Брезент қўлқоп	12
		Резина этик	Навбатчи
		Противогаз	Яроқсиз бўлган
58.	Темир йўлларни айланиб ўтувчи сунъий сув иншоотлари ва қуриштириш каналлари қурилиши ишчилари	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама плаш	48
		Комбинацияланган қўлқоп	4
		Қуриштириш каналлари қурилишида қўшимча:	
59.	Мелиорация ва ирригация ишларида банд бўлган тракторчи-машинист, автомобиль ҳайдовчиси	Резина этик	12
		Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
60.	Дренаж қувурлар ётқизувчи ишчи	Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
		Резиналанган костюм	12
		Резина этик	12
61.	Далаларни суғориш учун оқова сув тақсимловчи	Резина қўлқоп	3
		Ип газлама костюм	12
		Резина этик	24
		Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама плаш	Навбатчи
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
62.	Суғориш ва чиқинди сувлар тизими тармоқларига хизмат кўрсатувчи ишчи	Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
		Резина костюм	12
		Резина этик	24
		Резина қўлқоп	2
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36

Якуний қонда

Мазкур Намунавий меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 июнь



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д. ЖАҲОНГИРОВА

Тошкент ш.,
2009 йил 5 июнь

4-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИДАН МАЖБУРИЙ
ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда)



Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — суғурталанган шахснинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини суғурта қилдирувчининг ҳудудида ёки ундан ташқарида бажараётганда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва суғурталанган шахсни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — суғурталанган шахсга унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижасида унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллик;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида суғурталанган шахснинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

суғурталовчи — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

суғурта бадаллари — суғурта қилдирувчининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда амалга ошириладиган ажратмалари;

суғурталанган шахс — меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайдиган, суғурта қилдирувчи суғурталовчига шу шартномага (контрактга) мувофиқ суғурта бадалларини тўлайдиган, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси қилиниши лозим бўлган жисмоний шахс;

суғурта қилдирувчи — жисмоний шахсни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишга ёллаган юридик ёки жисмоний шахс;

суғурта ҳодисаси — суғурталанган шахснинг соғлиғига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида зарар етказилганлиги ёки унинг вафот этганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт бўлиб, у суғурта товони тўловларини амалга ошириш бўйича суғурталовчининг мажбурияти вужудга келишига сабаб бўлади.

4-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасига бўлган ҳуқуқларини қонунда белгилаб қўйиш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касаллиги оқибатида ходимнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларнинг соғлиғини сақлаш.

5-модда. Суғурталанган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталанган шахс:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта товони билан таъминланиш;

суғурта ҳодисасини текширишда, шу жумладан касаба уюшмаси органи ёки ўз ишончли шахси жалб қилинган ҳолда иштирок этиш;

суғурта ҳодисаларини текшириш натижаларига доир қарорлар устидан шикоят қилиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суғурта қилдирувчидан, суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиш масалалари юзасидан давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига мустақил равишда мурожаат этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси масалалари бўйича ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга, шунингдек касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Суғурталанган шахс:

меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига риоя этиши;

суғурта ҳодисаси юз берганда, ўз яшаш жойи ёки иш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек, бадиган суғурта товонининг миқдори ўзгаришига ёки уни олиш ҳуқуқининг йўқолишига сабаб бўлувчи ҳолатлар ҳақида бундай ҳолатлар вужудга келган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилиши;

тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилишга доир тавсияларни бажариши, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси белгиланган муддатларда тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиши шарт.

Суғурталанган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

6-модда. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта қилдирувчи:

суғурталанган шахс меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига риоя этишини талаб қилиш;

суғурталанган шахсга суғурта ҳодисаси содир бўлганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўшимча ёрдам кўрсатиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи:

суғурта бадалларини суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўлаши;

суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш чораларини таъминлаши;

суғурта ҳодисаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириши;

суғурта ҳодисаси содир бўлган кундан эътиборан бир сутка ичида бу ҳақда меҳнат шароитларини муҳофаза ва экспертиза қилиш давлат инспекциясига хабар қилиши;

суғурталанган шахсни тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиш учун юбориши;

суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва уларни текшириш масалалари бўйича давлат органларининг қарорларини ижро этиши ҳамда касаба уюшмаси органларининг таклифларини кўриб чиқиши;

суғурталанган шахсларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини ўз маблағлари ҳисобидан ўқитиши;

суғурталанган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг тартиби ҳамда шартларини тушунтириши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини суғурталанган шахсга тақдим этиши шарт.

Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

7-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталовчи:

суғурта ҳодисалари тўғрисидаги ахборотни текшириш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси масалалари юзасидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи:

суғурта товони тўловларини амалга ошириш учун пул маблағларини тўплаши;

туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга ошириладиган суғурта товони тўловларини белгиланган ҳажмларда ва ўз вақтида молиялаштириши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағлардан фойдаланишнинг ҳисобга олинишини таъминлаши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган зарур чораларни амалга ошириши;

суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва суғурта товони олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар тўғрисида ўз фаолияти натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

8-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағларни шакллантириш



Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағлар суғурталовчи томонидан қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

суғурта қилдирувчиларнинг суғурта бадаллари;

ундириладиган жарима ва пенялар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

9-модда. Суғурта товонининг турлари ва уни тўлаш



Суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган дафн маросими учун бериладиган нафақа, ногиронлик пенсияси ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тарғиб тўланади.

Суғурта товони туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади.

Суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари учун суғурталовчи томонидан тўпланган пул маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

10-модда. Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа

Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн маросимини ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўланади.

11-модда. Ногиронлик пенсияси

Ногиронлик пенсияси ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида меҳнат қobiliяти тўлиқ ёки қисман йўқотилганда тайинланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ногиронлик пенсияси иш стажидан қатъи назар, тайинланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик келиб чиққан вақт ва ногиронлик белгилаб қўйилаётган муддат қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

12-модда. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади. Бунда ёшидан ва меҳнат лаёқатидан қатъи назар, фарзандларга, ота-онадан бирига ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингилга пенсия, агар улар вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунига қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса, боқувчининг қарамоғида турган-турмаганлигидан қатъи назар, тайинланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, шунингдек вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғида бўлмаган ота-онасига ва эрига (хотинига) ҳам, агар улар кейинчалик тирикчилик учун зарур маблағлар манбаидан маҳрум бўлиб қолган бўлса, тўланади.

13-модда. Низоларни ҳал этиш

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

14-модда. Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги

Суғурта қилдирувчи ушбу Қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, суғурта бадаллари ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун жавобгардир.

Суғурта қилдирувчи суғурта бадалларини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш кечиктирилганда суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда жарима ва пенялар тўлайди.

15-модда. Суғурталовчининг жавобгарлиги

Суғурталовчи ушбу Қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, шунингдек туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга ошириладиган суғурта товони тўловларининг белгиланган ҳажмларда ўз вақтида молиялаштирилиши учун жавобгардир.

16-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

17-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;



давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

18-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 10 сентябрь,
ЎРҚ-174-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 151-модда)

Ушбу Қонун фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилайди.

I. УМУМий ҚОИДАЛАР

1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

фуқаро муҳофазаси — ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими;

фуқаро муҳофазаси хизмати — фуқаро муҳофазаси махсус тадбирларини бажариш, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатларини таъминлаш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш мақсадида тузилган функционал бўлинмалар мажмуи;

ҳимоя иншоотлари — аҳолини ва ишлаб чиқариш ходимларини замонавий қирғин воситаларидан муҳофаза қилишга махсус мўлжалланган муҳандислик иншоотлари мажмуи;

фуқаро муҳофазаси кучлари — кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун тузиладиган фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмлари, умумий ва махсус ҳудудий, функционал ва объект тузилмалари.

2-модда. Фуқаро муҳофазаси вазифалари

Фуқаро муҳофазаси вазифалари куйидагилардан иборат:

аҳолини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимояланиш усулларига ўргатиш;

объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш;

бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш;

фуқаро муҳофазаси ҳарбий тузилмаларининг шайлигини таъминлаш;

аҳолини умумий ва яқка муҳофазаланиш воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш;

аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтидаги ёки шу ҳаракатлар оқибатидаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш;

радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш;

кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш;

ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш;

аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

3-модда. Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5-модда. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлиги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан халқаро шартномалар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.


II. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

6-модда. Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазасига умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири мамлакат фуқаро муҳофазасининг бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазасини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига юкланади.



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудларида фуқаро муҳофазат раҳбарлик қилишни тегишинча лавозимига кўра фуқаро муҳофазасининг бошлиғи бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари амалга оширадилар.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларда фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилишни уларнинг лавозимига кўра мазкур органлар ва ташкилотлар фуқаро муҳофазасининг бошлиғи бўлган раҳбарлари амалга оширадилар.

Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқаро муҳофазасининг тегишли режаларини амалга жорий этиш;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

фуқаро муҳофазаси бўйича директивалар, буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар чиқариш;

ўз тасарруфидаги ҳудудлар ҳамда ташкилотларнинг кучлари ва воситаларини фуқаро муҳофазаси соҳасидаги тадбирларни ўтказишга жалб этиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича директивалари, буйруқлари, қарорлари ва фармойишлари барча ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурийдир.

Аҳолини ва ҳудудларни замонавий қирғин воситалари қўлланилиши оқибатларидан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги тадбирларни амалга оширишга оид ҳаракатларни мувофиқлаштириш тегишли ҳудудлар, тармоқлар ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси бошлиқлари зиммасига юкланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

фуқаро муҳофазаси соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режасини тасдиқлайди;

фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти тартибини тасдиқлайди;

тинчлик даврида ва уруш даврида давлат иқтисодиёти фаолият кўрсатиши барқарорлигини таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилишига ва ўтказилишига раҳбарлик қилади;

ҳудудларни уларда яшаётган аҳоли сонига ва давлат иқтисодиётида муҳим роль ўйнавчи ёки аҳоли хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи ташкилотлар мавжудлигига кўра фуқаро муҳофазаси бўйича гуруҳларга, шунингдек, ташкилотларни давлат иқтисодиётидаги роли ёки аҳоли хавфсизлигига таъсирига кўра фуқаро муҳофазаси бўйича тоифаларга киритиш тартибини белгилайди;

фуқаро муҳофазаси тизимини уруш даври шароитига ўтказиш, эвакуация тадбирларини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ҳимоя иншоотларини ва фуқаро муҳофазаси бошқа объектларини барпо этиш тартибини, шунингдек якка муҳофазаланиш воситалари, моддий-техника, озик-овқат, тиббий ва бошқа хил воситалар захираларини тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқарув органи

Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади;

ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режаси лойиҳасини ишлаб чиқади;

ҳарбий қисмлар ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари бошқарилишини ташкил этади;

фуқаро муҳофазаси эҳтиёжларини кўзлаб зарур қурол-аслаҳалар, техника, муҳофазаланиш воситалари ва бошқа моддий-техника воситалари етказиб берилиши учун давлат буюртмаси лойиҳасини шакллантиради;

хабар беришни ташкил этиш ва фуқаро муҳофазаси тизимини шай ҳолатга келтириш бўйича директив ҳужжатлар ишлаб чиқади;

фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларининг жанговарлик ҳамда сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди;

шахсий таркиб ва аҳоли фуқаро муҳофазаси соҳасида ўргатилишини ташкил этади;

фуқаро муҳофазаси тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Вазирликлар ва идораларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари

Вазирликлар ва идоралар:

фуқаро муҳофазасининг тегишли режаларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишига раҳбарлик қиладилар;

ҳодимлар замонавий қирғин воситаларидан ҳимояланиш усуллари ва уруш даври шароитидаги ҳаракатларга тайёрланиши ва ўргатилишини ташкил этадилар;

замонавий қирғин воситалари тақдид солганда ва қўлланилганда тармоқ ходимларини муҳофаза қиладиган тадбирларини амалга оширадидилар;
уруш даврида тармоқ ва халқ хўжалиги объектлари барқарор ишлашини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадидилар;
ташкилотларни хавфсиз зоналарга эвакуация қилиш режалари ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини ташкил этадиладар;
фуқаро муҳофазаси моддий-техника, тиббий ва бошқа хил воситалар захираларини яратадиладар ҳамда уларнинг тўпланиши, сақланиши, янгилаб борилиши ва қўлланишга шай ҳолатда сақлаб турилиши устидан назоратни амалга оширадидилар;
тармоқ фуқаро муҳофазаси аҳоли тўғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этадиладар;
фуқаро муҳофазаси соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар;
хабар бериш тизимини, умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларини вужудга келтирадидилар ҳамда уларни доимий шай ҳолатда сақлайдиладар;
фуқаро муҳофазасининг ҳолатини назорат қилиб борадиладар;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадидилар.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари


Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
фуқаро муҳофазаси режаларини ишлаб чиқадиладар ва уларнинг тегишли ҳудудда амалга оширилишига раҳбарлик қиладилар;
тегишли ҳудуддаги ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фуқаро муҳофазаси тадбирларининг бажарилишини ташкил этадиладар ва назорат қилиб борадиладар;
фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситалари тайёрланишини ҳамда шай ҳолатда сақлаб турилишини таъминлайдиладар;
ташкилотлар раҳбарлари ва аҳолининг замонавий қирғин воситалари қўлланилган пайтдаги ҳимояланиш усулларига ўргатилишини ташкил этадиладар;
замонавий қирғин воситалари қўлланилган шароитда аҳоли ҳаёт фаолиятининг таъминланишини кафолатловчи фуқаро муҳофазасига оид мол-мулк, моддий-техника, озиқ-овқат, тиббий ва бошқа хил захиралар ҳажмларини белгилайдиладар ҳамда уларнинг тўпланиши, сақланиши, янгилаб борилиши ва шай ҳолатда сақлаб турилиши учун жавоб берадиладар;
уруш даврида, идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ташкилотларнинг барқарор ишлашини таъминлаш тадбирларини ташкил этадиладар ва амалга оширадидилар;
фуқаро муҳофазаси соҳасида ахборотлар йиғиш ва алмашилишини, шунингдек замонавий қирғин воситаларининг қўлланилиш таҳдиди ёки қўлланилганлиги тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлайдиладар;
аҳолини эвакуация қилиш ва бўлиб-бўлиб жойлаштиришга, унинг хавфсиз зоналарга ўрнашиб олишига тайёргарлик кўриш ҳамда шу ишларни ташкил этиш, даволаш муассасалари ва бошқа ташкилотлар ишини йўлга қўйиш тадбирларини амалга оширадидилар;
қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этадиладар ва амалга оширадидилар, ўз тасарруфларидаги ҳудудда жамоат тартиби сақланишини таъминлайдиладар;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадидилар.

11-модда. Ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари

Ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:
фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштирадидилар ва амалга оширадидилар;
уруш даврида барқарор ишлашни таъминлаш тадбирларини амалга оширадидилар;
ўз ходимларини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида вужудга келадиган хавфлардан ҳимояланиш усулларига ўргатишни амалга оширадидилар;
хабар бериш маҳаллий тизимларини яратадиладар ва уларни фойдаланишга доимо шай ҳолатда сақлаб турадиладар;
ходимларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шароит яратадиладар;
моддий-техника, тиббий ва бошқа хил воситаларнинг захираларини яратадиладар.
Потенциал хавфли ишлаб чиқариш объектларига эга бўлган, шунингдек муҳим муҳофаа ва иқтисодий аҳамиятга молик ташкилотлар фуқаро муҳофазаси тузилмаларини яратадиладар ва уларни доимо шай ҳолатда сақлаб турадиладар. Бундай ташкилотларни белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилади.

12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:
фуқароларнинг замонавий қирғин воситалари қўлланилган пайтдаги ҳимояланиш усулларига ўргатилишига кўмаклашадиладар;
ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиши билан боғлиқ ёки шу ҳаракатлар оқибатида хавфларнинг юзага келиши таҳдид этган тақдирда тегишли ҳудуддаги фуқаролар хабардор қилинишини ташкил этадиладар;



аҳолининг ҳаёт фаолияти таъминланиши соҳасида тадбирлар тайёрланиши ва бажарилишини амалга оширадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларни амалга оширадилар.

III. ФУҚАРОЛАРНИНГ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13-модда. Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки ҳарбий ҳаракатлардан муҳофазаланиши;

умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан текин фойдаланиш;

ҳарбий ҳаракатлар кечаётган жойларда ўзлари йўлиқишлари мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур хавфсизлик чоралари тўғрисида ахборот олиш.

Фуқаролар фуқаро муҳофазаси соҳасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

ҳарбий ҳаракатлардан жабрланганларга уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилади, тиббий, моддий-молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилади.

14-модда. Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари

Фуқаролар:

ушбу Қонунга ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилишлари;

фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этишлари ва тегишли тайёргарликдан ўтишлари;

фуқаро муҳофазаси сигналларини, умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билишлари;

жабрланганларга дастлабки тиббий ва бошқа хил ёрдам кўрсатишни билишлари;

давлат органларига, шунингдек ташкилотларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда кўмаклашишлари;

фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулкни асраб-авайлашлари шарт.

Фуқаро муҳофазаси соҳасида фуқароларнинг зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқаро муҳофазаси соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

16-модда. Аҳоли ва мутахассисларни фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш

Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири, ишлаб чиқариш ва яшаш жойларда аҳолини фуқаро муҳофазаси соҳасида ўргатиш умумий ва мажбурийдир.

Фуқаро муҳофазаси соҳасида раҳбарлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш малака ошириш муассасалари, махсус ўқув-услугабет марказларида, курсларда, шунингдек иш жойида амалга оширилади.

Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги билимларни тарғиб этиш давлат органлари, шунингдек одамларни муҳофаза қилиш ва қутқариш борасидаги тегишли жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади. Билимларни тарғиб этиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин.

IV. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ХИЗМАТЛАРИ ВА КУЧЛАРИ

17-модда. Фуқаро муҳофазаси хизматлари

Фуқаро муҳофазаси махсус тадбирлари бажарилишини таъминлаш ҳамда ушбу мақсадларда куч ва воситаларни тайёрлаш учун республика, вилоят, туман, шаҳар, шунингдек объект фуқаро муҳофазаси хизматлари ташкил этилади.

Фуқаро муҳофазаси хизматларининг рўйхати, шунингдек улар тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

18-модда. Фуқаро муҳофазаси кучларининг таркиби

Фуқаро муҳофазаси кучлари фуқаро муҳофазаси қўшинлари тузилмаларидан таркиб топади.

Фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситалари таркиби, унинг таркибий тузилиши, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмалари фаолиятининг бошқа масалалари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан белгилаб қўйилади.

Фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қутқарув тузилмалари, қисмлари ва бўлинмалари ҳам жалб этилиши мумкин.

19-модда. Фуқаро муҳофазаси қўшинлари

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фуқаро муҳофазаси қўшинлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси кучларининг асосини ташкил этади.


Фуқаро муҳофазаси қўшинларининг уруш давридаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

зарарланиш ўчоқларида ва заҳарланиш зоналарида муҳандислик, радиацион, кимёвий ва бошқа кидирув турларини олиб бориш;

қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш;

аҳолини ва халқ ҳўжалиғи объектларини эвакуация қилишда иштирок этиш;

аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш объектларини тиклаш ишларини амалга оширишда иштирок этиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг бошқа вазифаларини бажариш.



Фуқаро муҳофазаси қўшинларининг фаолияти, уларни бутлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20-модда. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари

Фуқаро муҳофазаси тузилмалари қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун ҳудудий-ишлаб чиқариш принципига кўра ташкил этилади.

Фуқаро муҳофазаси тузилмалари:

бўйсунувига кўра — ҳудудий (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги) ҳамда объект (халқ хўжалиги объектларидаги) тузилмаларига;

белгиланган вазифасига кўра — умумий мақсаддаги (зарарланиш ўчоқларида қутқарув ишларини олиб бориш учун) тузилмаларга ва махсус тадбирларни бажарувчи хизматлар (қидирув ишларини олиб бориш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнгинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни ўчириш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳоказо) тузилмаларига бўлинади.

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади, сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар, I, II, III гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, саккиз ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, шунингдек уч ёшга тўлмаган болалари бор, ўрта ёки олий тиббий таълимотли аёллар бундан мустасно.

V. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ

21-модда. Фуқаро муҳофазасини молиялаш

Фуқаро муҳофазасини молиялаш вазирликлар, идоралар ва улар тасарруфидаги бюджетдаги ташкилотларда, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда тегишинча республика ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, ташкилотларда эса — ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Фуқаро муҳофазасини молиялаш ижтимоий фондларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

22-модда. Фуқаро муҳофазаси қўшинларининг асосий фондлари

Ҳарбий шаҳарчаларнинг турар жойлари ва иморатлари, фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмларининг ўқув-моддий базаси объектлари, моддий ва техник воситалари давлат мулки бўлиб, фуқаро муҳофазаси қўшинларининг асосий фондларини ташкил этади. Фуқаро муҳофазаси қўшинлари кўрсатиб ўтилган ва ўзларига ажратилган бошқа мол-мулкка нисбатан тезкор бошқарув ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Фуқаро муҳофазаси қўшинларини жойлаштириш ва уларнинг доимий фаолияти учун ер участкалари, жойлар, омборлар ва бошқа объектлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан уларга доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун берилади.

23-модда. Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулки

Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулки жумласига қуйидагилар киради:

давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳимоя иншоотлари ҳамда ер усти бинолари комплексига эга бўлган бошқарув пунктлари;

фуқаро муҳофазасининг алоҳида ва туташ қурилган ҳимояланиш, радиациядан сақланиш жойлари;

мол-мулк ва техника сақланадиган омборхона бинолари;

якка муҳофазаланиш воситалари, радиацион, кимёвий қидирув ва дозиметрик назорат приборлари;

алоқа ва хабар бериш воситалари;

давлат мулки бўлган, шунингдек фуқаро муҳофазаси мақсадида фойдаланиш учун ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига яратилган ёки сотиб олинган бошқа моддий-техника воситалари.

Фуқаро муҳофазаси тадбирларини таъминлаш учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар томонидан фуқаро муҳофазаси мол-мулки захиралари яратилади.

Ташкилотларнинг бошқарув таркибий тузилмалари ва хўжалик юритиш фаолияти шакллари ўзгарган тақдирда, улар зиммасида фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулқидан белгиланган мақсадда фойдаланиш, шунингдек бундай объектлар ҳамда мол-мулкларни ҳосил этиш ва тўплаш топшириқлари қолаверади.



Фуқаро муҳофазаси объектларини барпо этиш ва мол-мулқидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

2000 йил 26 май,

80-II-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 223-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларини лойихалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдир.

2-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гидротехника иншоотлари — тўғонлар (плотиналар), гидроэлектр станциялар бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш ва сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанларининг қирғоқлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суяқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар);

фойдаланувчи ташкилот — тасарруфида (балансида) гидротехника иншооти бўлган корхона, муассаса ва ташкилот;

фавқулодда вазият — муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғига ёки атроф табиий муҳитга зарар етказилишига, жиддий моддий талафотларга ва одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган вазият;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги — гидротехника иншоотларининг одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатларини, атроф табиий муҳит ва хўжалик объектларини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси — гидротехника иншоотининг хавфсизлиги асослаб бериладиган ҳужжат;

гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонлари — гидротехника иншооти ҳолатининг ва ундан фойдаланиш шартларининг гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ микдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қийматлари;

гидротехника иншооти аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражаси — гидротехника иншооти аварияси хавфининг норматив ҳужжатлар билан белгиланган қиймати.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат мулкида бўлган гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини, шунингдек республика ва минтақавий энергетика тизимида қурувчи корхоналар гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайди;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда қатнашадилар;

сув ресурсларидан фойдаланишда ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлайдилар;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш тўғрисида, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда улардан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қиладилар;

гидротехника иншоотларининг авариялари оқибатларини тугатишда қатнашадилар;

гидротехника иншоотларининг фавкулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган аварияларни ва ғайи борлиги тўғрисида аҳолини хабардор қиладилар;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

6-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назорати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли орган ҳисобланади, у:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқади;
манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда гидротехника иншоотлари техник ҳолатининг пухталигини ва улар ишининг хавфсизлигини экспертизадан ўтказиши;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш топшириқларини, уларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини келишиб олишда, гидротехника иншоотларининг қурилиши сифатини назорат қилишда, уларни фойдаланишга қабул қилишда, шунингдек гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини келишиб олишда қатнашади;

гидротехника иншоотларининг ҳолатини ҳамда улар ҳолатининг гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларига мувофиқлигини текширишни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолларда хавфлилик даражаси юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақида таклифлар киритади

гидротехника иншоотлари ҳудудларидан, дарёлар ўзанлари ва тўғоннинг уларга туташ бўлган қуйи ҳамда юқори ҳудудларидан ҳўжалик фаолияти ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланишга (сувни муҳофаза қилиш зоналарида ер участкалари бериш бундан мустасно) розилик беради;

дарёларнинг ўзанларида ва тўғоннинг уларга туташ қуйи ва юқори ҳудудларида сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланишни амалга оширувчи ёхуд ҳўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолиятини, агар бундай фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, тақиқлайди ёки чеклаб қўяди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тақиқлаш ва чеклаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш ҳоллари мустасно;

гидротехника иншоотларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махсус ваколатли органнинг гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмалари фойдаланувчи ташкилотлар ижро этиши учун мажбурийдир.

7-модда. Гидротехника иншоотларининг кадастри

Гидротехника иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Гидротехника иншоотларининг кадастрига (бундан буён матнда Кадастр деб юритилади) киритилади.

Кадастрни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган асосий талаблар

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги асосий талабларга биноан амалга оширилади:

гидротехника иншоотлари хавфининг йўл қўйиладиган даражасини таъминлаш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларини тақдим этиш;

гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялаш хавфлилик даражаси юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи;

гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг узлуксизлиги;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан уларнинг хавфсизлиги мезонларини белгилаш, гидротехника иншоотларининг ҳолатини доимий назорат қилиш мақсадида уларни техника воситалари билан жиҳозлаш, гидротехника иншоотларига зарур малакага эга бўлган ходимлар хизмат кўрсатишини таъминлаш;


гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш хавфини энг кўп даражада камайитириш бўйича тадбирлар мажмуини олдиндан ўтказиш.

9-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фойдаланувчи ташкилотнинг мажбуриятлари

Гидротехника иншоотидан фойдаланувчи ташкилот қуйидагиларга мажбурдир:

гидротехника иншоотларини қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, консервациялаш, фойдаланишдан чиқариш ва тугатишда гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини таъминлашга;

гидротехника иншоотининг ҳолати, унга табиий ва техноген таъсирлар устидан назоратни (мониторингни) таъминлашга, гидротехника иншооти каскадда ишлашини, ҳўжалик ва бошқа фаолият натижасида унга бўладиган



оли таъсирларни, объектлар дарё ўзанида ҳамда гидротехника иншоотидан қуйидаги ва юқоридаги унга таъсирларда жойлаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда гидротехника иншоотининг хавфсизлигини баҳолашга; гидротехника иншоотининг хавфсизлиги мезонларини ишлаб чиқишни ва ўз вақтида аниқлашни таъминлашга;

гидротехника иншоотининг ҳолатини назорат қилиш тизимини ривожлантиришга;

гидротехника иншооти хавфсизлигининг пасайиши сабабларини мунтазам таҳлил қилиб бориш ва гидротехника иншоотининг техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлишини ва унинг хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек гидротехника иншооти авариясининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ва бажаришни ўз вақтида амалга оширишга;

гидротехника иншоотининг мунтазам текшириб турилишини таъминлашга;

гидротехника иншоотининг авариясини тугатиш учун мўлжалланган моддий захираларни яратишга;

гидротехника иншоотидан фойдаланишни ташкил этиш ва ходимларнинг малакаси нормаларга ва қоидаларга мувофиқ бўлишини таъминлашга;

гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятлар тўғрисида хабар бериш маҳаллий тизимларини доимий шай ҳолатда сақлашга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда аҳолини гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги масалалари тўғрисида хабардор қилишга;

гидротехника иншооти аварияларининг олдини олиш масалалари бўйича фавқулодда вазиятлар органи билан ҳамкорлик қилишга;

гидротехника иншоотининг аварияси хавфи борлиги ҳақида махсус ваколатли органни, бошқа манфаатдор давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва сувнинг (тўғоннинг) тийиб туриш босими ёриб ўтишининг бевосита хавфи бўлган тақдирда сув остида қолиш эҳтимоли бўлган зонадаги аҳолини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни дарҳол хабардор қилишга;

махсус ваколатли органга ўз ваколатларини амалга оширишда қўмаклашишга;

гидротехника иншоотидан фойдаланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни, шунингдек гидротехника иншооти аварияларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш ишларини молиялашга.

10-модда. Гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларацияси

Гидротехника иншоотини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, ундан фойдаланиш, уни фойдаланишдан чиқариш босқичларида, шунингдек уни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тиклаш ёхуд консервациялашдан кейин фойдаланувчи ташкилот гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тузади. Декларацияни тузиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фойдаланувчи ташкилот гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини махсус ваколатли органга тақдим этади. Декларациянинг махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланиши гидротехника иншоотини Кадастрга киритиш ва гидротехника иншоотини қуришга рухсат олиш, фойдаланишга топшириш, ундан фойдаланиш ёки уни фойдаланишдан чиқариш ёхуд реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, тиклаш ёки консервациялаш учун асос бўлади.

11-модда. Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси, шу жумладан лойиҳалаштириш босқичидаги давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда ўтказилади.

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларацияларининг давлат экспертизаси гидротехника иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар ташаббуси билан, шу жумладан улар розилик бермаган тақдирда ҳам, махсус ваколатли органнинг кўрсатмаларига биноан ўтказилади.

Махсус ваколатли орган томонидан давлат экспертизаси ҳулосаси асосида гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тасдиқлаш ҳақида, тегишли рухсатнома бериш тўғрисида ёки рухсатнома беришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Фойдаланувчи ташкилот махсус ваколатли органнинг қарорига рози бўлмаган тақдирда, қарор юзасидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.


13-модда. Гидротехника иншоотларини текшириш

Гидротехника иншоотларини текшириш чоғида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини баҳолаш мақсадида фойдаланувчи ташкилотларнинг, шунингдек гидротехника иншоотларидан фойдаланишда, уларни қуришда, реконструкция қилишда, капитал таъмирлашда, тиклашда ёки консервация қилишда пудрат ташкилотларининг фаолияти устидан назорат амалга оширилади.

14-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган авария моддий-техника захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган авария моддий-техника захиралари фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда зарур моддий ресурсларни ошиғич тарзда жалб қилиш мақсадида олдиндан яратилади. Бу захираларни яратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик



Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор ошхслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент ш.,
1999 йил 20 август,
826-І-сон

7-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
АҲОЛИНИ ВА ХУДУДЛАРНИ ТАБИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 221-модда)

І. УМУМІЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан (бундан буён матнда фавқулодда вазиятлар деб юритилади) муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — олдиндан ўтказилиб, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамлар соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказилиб, одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарни халққа олиб, хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.

3-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги;

ошкоралик;

ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончли бўлиши;



фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилиши.

5-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ошқора бўлади.

Давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари аҳолининг ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар ҳақида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида, улардан аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари шарт.

Мансабдор шахслар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотнинг яширилиши, ўз вақтида тақдим этилмаслиги ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этилиши уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлигига сабаб бўлади.



Фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборот билан таъминлаш тартиби ва ҳужжатлари билан белгиланади.

II. ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ

6-модда. Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат

қилиш давлат тизими

Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг, вазирлик ва идораларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бошқарув органлари, кучлари ҳамда воситаларидан иборат.

Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими таркиби ва фаолият кўрсатиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

фавкулудда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар давлат резервлари яратилишини таъминлайди ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга оид кучлар ва воситаларни молия ҳамда ресурс жиҳатидан таъминлашни, уларни махсус техника ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозлашни амалга оширади;

фавкулудда вазиятлар таснифини тасдиқлайди ҳамда уларни бартараф этишда ижро ҳокимияти органлари иштироки даражасини белгилайди;

вазирликлар, идоралар, ижро ҳокимияти маҳаллий органларининг аҳолини ва ҳудудларни фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

8-модда. Фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи

Фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги:

фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлигини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавкулудда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарини камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳолини ва ҳудудларни фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида махсус дастурлар ишлаб чиқиши ва илмий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади;

ўз ваколати доирасида вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

бошқарув органларининг, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш кучлари ва воситаларининг фавкулудда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишини ташкил этади;

фавкулудда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари бошқарувини амалга оширади, бошқарув пунктлари, хабар бериш ва алоқа тизимларини тузади;

фавкулудда вазиятлар шароитида авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ўтказилишини ташкил этади;

аҳолини ва ҳудудларни фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар бўйича лойиҳалар ва қарорлар юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Вазирликлар ва идораларнинг фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Вазирликлар ва идоралар фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

ўз тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фавкулудда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга шай бўлиб туришини таъминлашлари;

тармоқнинг ва ўз тасарруфидаги объектларнинг фавкулудда вазиятлар шароитида барқарор ишлаш имкониятини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари;

фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини, низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлигига тақдим этишлари;

ўз тасарруфидаги объектлар ходимларини ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар таркибида фавкулудда вазиятларда муҳофазаланиш усуллари ва ҳаракат қилишга ўргатишлари;

фавкулудда вазиятлар тўғрисида хабар бериш маҳаллий тизимларини яратишлари ва уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари;

аҳолининг ва ҳудудларнинг муҳофазаланиш ҳолати тўғрисида белгиланган тартибда ахборот беришлари, шунингдек тармоқ ходимларини фавкулудда вазият таҳдиди борлиги тўғрисида хабардор қилишлари;

моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари;

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаларига мувофиқ ўз тасарруфида ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларда ҳамда уларга туташ ҳудудларда авария, қутқарув ишлари ва кечиктирилмайдиган бошқа ишлар ташкил этилиши, молияланиши ва ўтказилишини таъминлашлари;

ўта муҳим объектлар ва уларнинг ходимларини фавкулодда вазиятлар шароитида ўз фаолиятларини давом эттиришлари таъминланадиган пунктларга эвакуация қилиш тадбирларини амалга оширишлари;

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш махсус кучлари ва воситалари ташкил этилишини, тайёргарликдан ўтказилишини ва шай бўлиб туришини таъминлашлари;

ўз тасарруфидаги объектлар лойиҳаланиши, қурилиши ва реконструкция қилиниши чоғида аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш масалаларига оид талаблар бажарилишини назорат қилиб боришлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишлари шарт.

Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати белгилаб қўйиладиган, потенциал хавф манбаи бўлган объектларда аҳолини ва ҳудудларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар штат лавозимларини жорий этадилар. Бошқа объектларда эса масъул шахслар тайинланади.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

фавкулодда вазиятлар чоғида аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқадиладар;

аҳолининг ва ҳудудларнинг муҳофазаланишига оид ахборотлар белгиланган тартибда тўпланиши ва алмашилини, шунингдек фавкулодда вазиятлар таҳдиди борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида аҳоли ўз вақтида воқиф ва хабардор этилишини амалга оширадиладар;

моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратадиладар, фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини молиялашни амалга оширадиладар;

идоравий мансублигидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фавкулодда вазиятларда барқарор ишлаш имкониятини оширишга ёрдамлашадиладар;

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича корхона, муассаса ва ташкилотлар кучлари ва воситаларининг шай ҳолда туриши устидан назоратни амалга оширадиладар;

авария, ҳалокат, табиий офатлар содир бўлган зоналарда қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни амалга ошириш учун авария-қутқарув кучлари (шу жумладан тезкор ҳаракат бўлинмалари) ва махсус тузилмаларнинг доимо шай бўлиб туришини ташкил этадиладар;

авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ташкил этадиладар ҳамда амалга оширадиладар, шунингдек бундай ишлар ўтказилиши чоғида жамоат тартиби сақланишига қўмаклашадиладар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадиладар.

11-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштиришлари, молиялашлари ва амалга оширишлари;

хавф манбаи юқори бўлган объектлар хавфсизлиги тўғрисида белгиланган тартибда декларация тақдим этишлари;

ходимларни фавкулодда вазиятлар шароитида ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар таркибида муҳофазаланиш усуллари ва ҳаракат қилишга ўргатишлари;

хабар бериш маҳаллий тизимларини яратишлари ва доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари ҳамда фавкулодда вазиятлар таҳдиди борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилишлари;

фавкулодда вазиятлар шароитида объектлар иши ҳамда ходимлар ҳаёт фаолияти барқарор кечишини таъминлашлари;

муҳандислик-ҳимоя иншоотлари, заруратга қараб, олдиндан барпо этилишини таъминлашлари ҳамда уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари;

фавкулодда вазиятлар рўй бериши эҳтимолини назарда тутиб, белгиланган тартибда моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари;

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш кучлари ва воситалари яратилишини, тайёргарликдан ўтказилишини ҳамда шай бўлиб туришини таъминлашлари;

фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаларига мувофиқ ўз тасарруфидаги объектларда авария-қутқарув ишлари ўтказилишини таъминлашлари;

белгиланган тартибда ихтисослашган хизматлар ва тузилмаларни яратишлари, уларни шахсий таркиб, техника ва анжом билан тўлдиришлари;

белгиланган тартибда эвакуацияга оид тадбирларни ўтказишлари ва одамларни жойлаштириш учун олдиндан базалар тайёрлаб қўйишлари;

белгиланган тартибда фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ахборотлар тақдим этишлари шарт.

12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, ижтимоий ва маданий объектларнинг санитария ва экологик ҳолати устидан назорат амалга оширилишига ёрдам берадилар;
фуқароларни фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб қиладилар;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни амалга оширадилар.

13-модда. Жамоат бирлашмаларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги иштироки

Жамоат бирлашмалари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишлари мумкин.

Жамоат бирлашмалари фавқулодда вазиятлар манбалари ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида давлат ҳокимият ва бошқарув органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда ахборот олиш ҳуқуқига эга.

14-модда. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан башорат қилиш

Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан башорат қилиш табиий офатларни, техноген авариялар ва ҳалокатларни текшириш ва назорат қилиш махсус хизматлари томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар мониторингини ўтказиш ва уларни олдиндан башорат қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

III. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15-модда. Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фавқулодда вазият рўй берганда ҳаётлари, соғлиқлари ва шахсий мол-мулклари муҳофазаланиши;
умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан, маҳаллий ҳокимият органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган бошқа мол-мулкдан фойдаланиш;

мамлакат ҳудудининг муайян жойларида бўлганда улар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражаси тўғрисида ҳамда зарур хавфсизлик чоралари ҳақида хабардор бўлиш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалалари юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат этиш;

фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарда ишлаганлиги учун бепул тиббий хизмат, компенсациялар ва бошқа имтиёзлар олиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш мобайнида мажбуриятларини бажариш чоғида соғлиғига етказилган зарар учун компенсациялар ҳамда имтиёзлар олиш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида ортирган касаллиги муносабати билан меҳнат қобилиятини йўқотганда, ногиронлиги меҳнатда майиб бўлиш оқибатида келиб чиққан ходимларга белгиланган тартибда пенсия олиш;

боқувчисини аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида ортирган майиблик ёки касалликдан ҳалок бўлганлиги ёки вафот этганлиги муносабати билан йўқотганда, меҳнатда майиб бўлиш туфайли ҳалок бўлган шахснинг оила аъзолари учун белгиланган тартибда пенсия олиш.

Давлат ижтимоий сўғуртаси тартиби ва шартлари, компенсациялар ва имтиёзлар турлари ва миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

16-модда. Фуқароларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Фуқаролар:

хавфсизлик чораларига риоя этишлари, ишлаб чиқариш ва технология интизоми, экологик хавфсизлик талаблари фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузилишига йўл қўймасликлари;

муҳофазаланишнинг асосий усулларини, жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўллари йрганишлари ҳамда ўз билим ва амалий қўникмаларини такомиллаштиришлари;

фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, офатлар ва ҳалокатлар таҳдидидан дарак берувчи аломатлар борлиги тўғрисида тегишли органларга хабар беришлари;

фавқулодда вазиятлар таҳдид солган ва бошланган шароитларда огоҳлантириш белгиларини, юриш-туриш қоидалари ва ҳаракат қилиш тартибини, умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усулларини билишлари;

зарурат бўлганда авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ўтказишда ёрдамлашишлари шарт.

17-модда. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл давлатларининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

18-модда. Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш

тайёрлаш

Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида, ишлаб чиқариш ва турар жойларда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида, малака ошириш муассасаларида, курсларда, махсус ўқув-услубият марказларида ва иш жойида амалга оширилади.

Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб этиш

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб этиш давлат органлари, шунингдек одамларни муҳофаза қилиш ва қутқариш борасидаги тегишли жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади.

Билимларни тарғиб этиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин.

IV. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

20-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар ҳудуди ва объектларида бундай вазият рўй берган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг кучлари ҳамда воситалари билан амалга оширилади. Зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда қўшимча кучлар ва воситалар ажратилади.

21-модда. Фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг чегараларини белгилаш

Фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг чегаралари давлат органларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг тегишли раҳбарлари томонидан Фавқулодда вазиятлар таснифига мувофиқ белгиланади.

22-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг тугатилиши

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича қутқарув, авария ишлари ва бошқа ишлар тегишли органлар қарорига биноан тугатилади.

Фавқулодда вазият бартараф этилганидан сўнг давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, фуқароларнинг ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларнинг ҳаёт фаолиятини тиклаш тадбирларини амалга оширишлари шарт.

23-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган кучлар таркиби

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган кучлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳарбий ихтисослашган авария-қутқарув бўлинмалари, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг тегишли тузилмалари ҳамда бўлинмаларидан иборат. Мазкур бўлинмалар таркиби ҳамда уларни қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

24-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ички ишлар органлари кучлари ва воситаларининг қўлланилиши

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ички ишлар органларининг кучлари ва воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

25-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларни жалб этиш

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Қуролли Кучларнинг, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларнинг кучлари ва воситалари жалб этилиши мумкин.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар резервлари

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар резервлари олдиндан, Фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда уларни шошилинч тарзда жалб этиш мақсадида яратилади.


Молиявий ва моддий ресурслар резервларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

27-модда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1999 йил 20 август,
824-И-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 40-сон, 432-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ёнгин — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш;

ёнгин назорати — ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият;

ёнгинлар профилактикаси — ёнгинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлари мажмуи;

ёнгиндан сақлаш хизмати — одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнгинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнгин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи;

ёнгин хавфсизлиги — одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнгинлардан ҳимояланганлиги ҳолати;

ёнгин хавфсизлиги талаблари — ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга махсус шартлар;

ёнгин хавфсизлиги талабларининг бузилиши — ёнгин хавфсизлиги талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик;

ёнгин-техник маҳсулот — ёнгин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган махсус техник, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулотлар, шу жумладан ёнгинни ўчириш техникаси ва асбоб-ускуналари, ёнгинни ўчириш аслаҳа-анжомлари, оловни ўчириш ва оловдан ҳимоя қилиш моддалари ҳамда материаллари, махсус алоқа ва бошқариш воситалари, электрон ҳужжатлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, шунингдек ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришнинг бошқа воситалари;

ёнгинга қарши режим — ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилишининг олди олинишини ва ёнгинлар ўчирилишини таъминлаш юзасидан одамларнинг хатти-ҳаракат қоидалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) биноларни (ҳудудларни) сақлаш тартиби;

ёнгинга қарши алоҳида режим — ёнгин хавфи юқори бўлган даврда муайян ҳудудларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнгин хавфсизлигининг қўшимча талабларини белгилаш.

4-модда. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизими

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизими ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек кучлар ва воситалар мажмуидан иборатдир.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ва фуқаролардир.

2-боб. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки. Ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари


5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ёнгин хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;



ёнғин хавфсизлиги соҳасида молиявий, моддий-техника таъминотини ва ресурслар билан таъминлаш амалга оширади;
давлат эҳтиёжлари учун ёнғин-техник маҳсулотининг номенклатурасини, уни етказиб бериш ҳажмларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли органнинг ваколатлари

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматидир (бундан буён матнда Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати деб юритилади).

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати:

ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ёнғинни ўчириш техникаси ва бошқа техника воситалари билан жиҳозлаш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга оширади;

ёнғинларни ўчиришни, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқаришни амалга оширади;

барча турдаги ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинларни ўчиришга шайлиги ҳолати ва ёнғинлар профилактикасига доир ишларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

давлат ёнғин назоратини амалга оширади;

ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган тақдирда бинолар, иншоотларни ва бошқа объектларни қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир лойиҳа ҳужжатларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқади;

қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) комиссиясининг, шунингдек қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссияларининг ишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида ёнғинга қарши тарғиботни, ўқитишни ва ахборот билан таъминлашни амалга оширади;

ёнғин хавфсизлигининг илмий-техник жиҳатдан таъминланишини мувофиқлаштиради;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида лицензиялаш ва сертификатлаштиришни белгиланган тартибда амалга оширади;

ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ҳисобини юритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқароларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари (бундан буён матнда ваколатли органлар деб юритилади) ўз ваколатлари доирасида:

ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

ёнғин назоратини ташкил этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни мувофиқлаштиради;

давлат эҳтиёжлари учун ёнғин-техник маҳсулотининг номенклатурасини ишлаб чиқади ва ҳажмларини белгилайди;

ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш тизимини яратади;

аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда, ижтимоий-маданий, саноат объектларида ҳамда бошқа объектларда, ҳудудлар ва коммуникацияларда ёнғинлар ўчирилишини ташкил этади.

Ваколатли органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.



8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурлари амалга оширилишида иштирок этади;

ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларининг бажарилишини ташкил этади;

маҳаллий бюджетларнинг ёнғин хавфсизлигига, шу жумладан ёнғиндан сақлаш хизматининг таъминоти харажатларига доир қисмининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва ижро этилишини таъминлайди;

ёнғин ўчирувчилар деполари курилишини амалга оширади, ёнғиндан сақлаш хизматининг маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмаларини белгиланган тартибда сақлайди ва моддий-техника базаси билан таъминлайди;

ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилишини амалга оширади;

тегишли ҳудудда ёнғинга қарши алоҳида режим ўрнатади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг ташкил этилишига ва фаолиятига кўмаклашади;

ёнғин назоратининг амалга оширилишига кўмаклашади;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

10-модда. Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ташкилотлар:

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

тегишли органларга ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

белгиланган тартибда ёнғин-техник комиссияларини ташкил этиш;

ўз ҳудудида содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашга доир ишларни бажариш;

ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш;

белгиланган тартибда ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича ахборот олиш, шу жумладан ёнғиндан сақлаш хизматининг бошқарув органлари ва бўлинмаларидан ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Ташкилотлар:

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши;

ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши;

ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаши;

ёнғинга қарши тарғибот ўтказиши ва ўз ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиши;

ўзига қарашли ёнғинга қарши ҳимоя тизими ва воситаларини, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини, шу жумладан ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини ишга яроқли ҳолда сақлаши, улардан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланилишига йўл қўймаслиги;

ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларига ёнғинларни ўчиришда, шунингдек ёнғин назорати органларига ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашда, ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишида ва ёнғинлар келиб чиқишида айбдор шахсларни топишда белгиланган тартибда кўмаклашиши;

ўз ҳудудидаги ёнғинларни ўчириш чоғида зарур кучлар ва воситаларни белгиланган тартибда бериши;

ёнғиндан сақлаш хизматининг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажараётганда уларнинг ўз ҳудудига, бинолар, иншоотларга ва бошқа объектларга эркин киришини таъминлаши;



ўзига қарашли объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги, шу жумладан ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ёнғин хавфлилиги ҳақидаги, шунингдек ўз ҳудудида содир бўлган ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда ҳужжатларни ёнғин назорати органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра тақдим этиши;

келиб чиққан ёнғинлар, мавжуд ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситаларидаги носозликлар тўғрисида, йўллар ва тор кўчаларнинг ҳолати ўзгарганлиги ҳақида ёнғиндан сақлаш хизматига дарҳол хабар қилиши;

кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг фаолиятига белгиланган тартибда кўмаклашиши шарт.

Ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

11-модда. Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари



Фукаролар:

ёнгин келиб чиққан тақдирда ўз соғлиғи ва мол-мулкининг химоя қилиниши;

ёнгин туфайли ўзига етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши;

ўз соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига зарар етказган ёнгиннинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашда иштирок этиш;

ёнгин хавфсизлиги масалалари бўйича белгиланган тартибда ахборот олиш;

ёнгиндан сақлаш хизмати етиб келгунига қадар одамларни, мол-мулкни қутқариш ва ёнгинларни ўчириш юзасидан чоралар кўриш;

ёнгинларни ўчиришда ёнгиндан сақлаш хизматида қўмаклашиш;

ёнгин хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Фукаролар:

ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши;

ёнгинни сезиб қолганда бу ҳақда ёнгиндан сақлаш хизматида дарҳол хабар қилиши;

ёнгиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши;

ўзига қарашли ишлаб чиқариш, хўжалик биноларини, тураржойларни ва бошқа бинолар ҳамда иморатларни белгиланган тартибда ёнгин назоратини амалга ошириш мақсадида кўздан кечириши ва текшириши учун ёнгин назорати органларининг мансабдор шахсларига имконият бериши шарт.

Фукаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

3-боб. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш

12-модда. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг таркибий қисмидир. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар мансаб йўриқномаларида ва бошқа йўриқномаларда, зарур ҳолларда эса тегишли шартномаларда акс эттирилиши керак.

Ташкилотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди.

Хусусий ва давлат уй-жой фондларининг тураржойлари ва бошқа биноларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, агар бу мулк ижара (аренда) шартномасида кўрсатилган бўлса, мулкдорлар ёки ижарага (арендага) олувчилар зиммасига юклатилади.

Аҳоли пунктларини ривожлантириш ва уларда иморат қуришни режалаштириш, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чоғида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тегишинча шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, буюртмачилар, иморат қурувчилар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилади.

13-модда. Ёнгин хавфсизлиги соҳасида норматив жиҳатдан тартибга солиш

Ёнгин хавфсизлиги соҳасида норматив жиҳатдан тартибга солиш ижро этилиши шарт бўлган ёнгин хавфсизлиги талабларининг ваколатли органлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек норматив ҳужжатларда белгиланишидир.

Ваколатли органлар томонидан тасдиқланадиган ёнгин хавфсизлиги талабларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек норматив ҳужжатлар Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати билан келишиб олинishi керак.

14-модда. Ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

Ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнгин хавфсизлигини таъминлашга, шу жумладан ёнгин хавфсизлиги талабларини бажаришга доир ҳаракатлардир.


Ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, шунингдек ёнгинларга қарши курашиш тажрибаси, моддалар, материаллар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфлиликка баҳо бериш асосида ишлаб чиқилади.

Моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) мазкур моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг ёнгин хавфлиликка кўрсаткичларини, шунингдек улардан фойдаланишда қўлланиладиган ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини тегишли техник ҳужжатларда кўрсатиши керак.

Ташкилотлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар учун ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шу жумладан улар лойиҳалаштирилаётганда ёнгинлар чоғида одамларнинг эвакуация қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки сақлаб қолинишини таъминловчи ечимлар назарда тутилиши керак.

Аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудлар учун ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирлари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

15-модда. Ёнгинларни ўчириш



Ёнгинларни ўчириш одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ҳамда соғлиғини сақлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни асраш ҳамда ёнгинларни бартараф этиш ҳаракатларидан иборатдир.

Ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнгинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартибини Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати белгилайди.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари ва бўлинмаларининг ёнгиндан сақлаш хизматининг бошқа турлари, ваколатли органлар, авария-таъмирлаш хизматлари ва ўзга хизматлар билан ёнгинларнинг ўчирилишини ташкил этишни таъминлашга доир ҳамкорлиги келишувлар билан тартибга солинади.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг кучлари ва воситаларини фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб қилиш тартиби фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ёнгинларни ўчириш учун ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг кучлари ва воситаларини жалб қилишнинг минтақалараро ҳамда маҳаллий даражалардаги режалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ёнгинлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш учун аҳоли пунктларининг телефон тармоқларида ягона рақам — 01 ўрнатилади.

Ёнгин келиб чиққанлиги тўғрисидаги хабарни олгач, Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ёнгин жойига дарҳол жўнаб кетиши шарт.

Зарур ҳолларда, ёнгинларни ўчириш чоғида ёнгин кучайишининг (тарқалишининг) ҳамда ёнгин билан боғлиқ бўлган, одамларга, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, атроф табиий муҳитга таҳдид солувчи хавфли омилларнинг олдини олиш учун:

ёнгинлар тарқалган (тарқалиш эҳтимоли бўлган) ва хавф келтириб чиқарадиган жойларга кириб боришга доир;

ёнгинларнинг кучайишига (тарқалишига) тўсқинлик қиладиган ва уларни бартараф этишни таъминлайдиган шароитларни яратишга доир;

ташкилотлар ва фуқароларда мавжуд бўлган алоқа, транспорт воситаларидан, асбоб-ускуналардан, ёнгинни ўчириш воситалари ва оловни ўчириш модаларидан кейинчалик ўрни белгиланган тартибда қопланиши шarti билан фойдаланишга доир;

тегишли хизматларни жалб этган ҳолда жамоат тартибини таъминлаш, ёнгинлар ўчирилаётган жойларни қўриқлаш (шу жумладан ёнгинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабабларини, шароитларини текшириш чоғида), йўл ҳаракатини тартибга солиш, эвакуация қилиш ва (ёки) ёнгин келиб чиққан жойда бошқа тадбирларни амалга оширишга доир ҳаракатлар бажарилади.

Ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ёнгинларни ўчириш, ёнгинлар ва аварияларнинг келиб чиқиши ҳамда кучайишининг (тарқалишининг) олдини олиш билан боғлиқ зарур ишларни амалга оширишда ёнгинни ўчириш мақсади учун табиий ва сунъий сув манбаларидан сув билан бепул таъминланади.

Асосли таваккалчилик доирасида ҳаракат қилган Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби ва ёнгинни ўчиришда қатнашган бошқа иштирокчилар етказилган зарарнинг ўрнини қоплашдан озод қилинади.

16-модда. Ёнгинни ўчиришга раҳбарлик қилиш

Ёнгинни ўчиришга раҳбарлик қилиш ёнгин жойига етиб келган ёнгиндан сақлаш хизматининг катта тезкор мансабдор шахси (бундан буён матнда ёнгинни ўчириш раҳбари деб юритилади) томонидан амалга оширилади, у ёнгинни ўчириш ҳаракатларини бажаришда иштирок этаётган ёнгиндан сақлаш хизматининг шахсий таркибини, шунингдек ёнгинни ўчиришга жалб этилган кучлар ва воситаларни яқкабошчилик принципи асосида бошқаради.

Ёнгинни ўчириш раҳбари вазибаларнинг бажарилиши, ёнгинни ўчириш ҳаракатларини бажаришда иштирок этаётган ёнгиндан сақлаш хизмати шахсий таркибининг ҳамда ёнгинни ўчиришга жалб этилган кучлар ва воситаларнинг хавфсизлиги учун жавоб беради.

Ёнгинни ўчириш раҳбари ёнгинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуд чегараларини, мазкур ҳаракатларни бажаришнинг тартибини ва ўзига хос жиҳатларини белгилайди, шунингдек ёнгин чоғида одамларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш бўйича қарорлар қабул қиладди. Зарур ҳолларда, ёнгинни ўчириш раҳбари бошқа қарорлар, шу жумладан ёнгинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган қарорлар қабул қилишга ҳақли.

Ёнгинни ўчириш раҳбарининг кўрсатмалари ёнгинни ўчириш ҳаракатлари амалга оширилаётган ҳудуддаги барча ташкилотлар ва фуқароларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Ёнгин ўчирилаётганда ёнгинни ўчириш раҳбарининг ҳаракатларига аралашишга ёки унинг фармойишларини бекор қилишга ҳеч ким ҳақли эмас.

17-модда. Ёнгин хавфсизлиги соҳасида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ва хизматлар ёнгин хавфсизлиги талабларини амалга ошириш, шунингдек ёнгинлар профилактикасини таъминлаш ва ёнгинларни ўчириш мақсадида бажарилади ҳамда кўрсатилади. Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ва хизматлар жумласига қуйидагилар қиради:

ёнгин хавфсизлиги соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш;


аҳолига ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш;

ёнгинга қарши тарғибот ишларини амалга ошириш;

илмий-техник маслаҳатлар бериш ва экспертизалар ўтказиш;

ташкилотларни, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларни ёнгинлардан муҳофаза қилиш;

ёнгин-техник маҳсулотини ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш, харид қилиш ва етказиб бериш;



моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ёнгин хавфсизлиги жиҳатдан ўтказиш;
лойиҳа, тадқиқот ишларини бажариш;
оловдан ҳимоя қилиш ва печ-мўрикон ишларини бажариш;
ёнгинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситаларини монтаж қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш;

ёнгинга қарши аслаҳа-анжомларни, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, оловни ўчириш моддаларининг сифатини тиклаш.

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ва хизматлар жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишлар ва хизматлар ҳам киритилиши мумкин.

18-модда. Ёнгинга қарши тарғибот ва ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш

Ёнгинга қарши тарғибот аниқ мақсадни қўзлаган ҳолда жамиятни оммавий ахборот воситалари, махсус адабиётлар ва реклама маҳсулотларини нашр этиш ҳамда тарқатиш, муайян мавзуга бағишланган кўргазмалар, кўриклар, конференциялар ўтказиш ва аҳолини хабардор қилишнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шаклларида фойдаланиш орқали ёнгин хавфсизлиги муаммолари ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш йўллари ҳақида хабардор қилишдир.

Ёнгинга қарши тарғиботни ёнгиндан сақлаш хизмати, шунингдек ёнгиндан сақлаш хизмати қўмағида ваколатли органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқаролар ўтказди.

Ташкилотларнинг ходимларига ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш иш берувчилар (маъмурият, мулкдорлар) томонидан ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, тегишли ваколатли органлар тасдиқлаган ва Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати билан келишилган махсус дастурлар бўйича олиб борилади.

Мақтабгача таълим муассасаларида болаларга ва бошқа таълим муассасаларида таълим олаётган шахсларга ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни мажбурий тарзда ўргатиш мазкур муассасалар томонидан тегишли ваколатли органлар тасдиқлаган ва Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати билан келишилган махсус дастурлар бўйича амалга оширилади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида болаларга ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш, уларни касбга йўналтириш, ёнгинга қарши тарғибот тизимини такомиллаштириш ҳамда ёнгинларнинг олдини олишга ва ёнгин чоғида тўғри ҳаракат қила билишга қаратилган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ёш ёнгин ўчирувчилар дружиналари ташкил этилиши мумкин.

19-модда. Ёнгин хавфсизлиги соҳасида ахборот билан таъминлаш

Ваколатли органлар ёнгин хавфсизлиги учун ноқулай шароитлар тўғрисида ўз ваколатлари доирасида Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматини дарҳол ва бепул асосда хабардор қилиши шарт.

Фаолияти тўлиқ ёки қисман Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган оммавий ахборот воситалари ёнгин хавфсизлиги масалаларига доир тезкор ахборотни бепул асосда эълон қилиши шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёнгин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарорлари ҳақида аҳолини хабардор қилиши шарт.

20-модда. Ёнгинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш

Ёнгинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнгинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-модда. Ёнгинга қарши алоҳида режим

Ёнгин хавфи юқори бўлганда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан тегишли ҳудудларда ёнгинга қарши алоҳида режим ўрнатилиши мумкин.

Ёнгинга қарши алоҳида режимнинг амал қилиши даврида тегишли ҳудудларда ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ёнгин хавфсизлигига оид қўшимча талаблар белгиланади.

22-модда. Ёнгин хавфсизлигини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш


Ёнгин хавфсизлигини илмий-техник жиҳатдан таъминлашни илмий- тадқиқот, тажриба-конструкторлик, лойиҳа ташкилотлари ва бошқа илмий-техник ташкилотлар, шунингдек тегишли таълим муассасалари амалга оширади.

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотларнинг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ёнгин хавфсизлигини илмий-техник жиҳатдан таъминлашни мувофиқлаштириш Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

Ташкилотлар янги технологиялар ва маҳсулотлар яратилишида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур илмий-техник ишланмалар амалга оширилишини таъминлайди.

23-модда. Ёнгин-техник маҳсулотини ишлаб чиқариш



Ёнгин-техник маҳсулоти давлат буюртмаси асосида, шунингдек тадбиркорлик фаолияти тартибда ишга қўйиладди.

Ёнгин-техник маҳсулотини ишлаб чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

24-модда. Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

25-модда. Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар ва хизматларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги маҳсулотлар ва хизматларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун улар ташкилотлар ҳамда фуқаролар ташаббусига кўра ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

4-боб. Ёнгиндан сақлаш хизмати

26-модда. Ёнгиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари

Ёнгиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ёнгинлар профилактикасини ўтказиш ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

ёнгинларни ўчириш, ёнгин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни қутқариш.

Ёнгиндан сақлаш хизмати кучлари ва воситаларининг ёнгинлар профилактикаси ҳамда ёнгинларни ўчириш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга жалб қилинишига, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди.

27-модда. Ёнгиндан сақлаш хизматининг турлари

Ёнгиндан сақлаш хизмати давлат, идоравий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизматларига бўлинади.

28-модда. Давлат ёнгиндан сақлаш хизмати

Давлат ёнгиндан сақлаш хизмати ёнгиндан сақлаш хизматининг асосий туридир ва у Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг бўлинмалари туманлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда белгиланган тартибда ташкил этилади.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг тузилиши, вазифалари, функциялари, ташкил этилиши ва фаолият юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

29-модда. Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби тегишли штат лавозимларида турган:

сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибидан бўлган шахсларни (ходимларни);

махсус унвонга эга бўлмаган шахсларни (хизматчиларни) ўз ичига олади.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг ходимларига нисбатан ички ишлар органларида хизматни ўташни тартибга солувчи низомлар амал қилади.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг хизматчиларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар амал қилади.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг шахсий таркиби белгиланган намунадаги хизмат кийимига ва фарқлаш белгиларига эга бўлади.

30-модда. Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг ҳаёти ва соғлиги давлат ҳимоясидадир ҳамда белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилиниши лозим.

31-модда. Идоравий ёнгиндан сақлаш хизмати

Идоравий ёнгиндан сақлаш хизмати ваколатли органларда ва ташкилотларда уларга қарашли объектларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилади.

Идоравий ёнгиндан сақлаш хизмати бошқарув органлари ва бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек шахсий таркибининг хизматни ўташ тартиби тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда белгиланади.

32-модда. Кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати

Кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ташкилотларда, аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудларда ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини таъминлашда, ёнгинларни ўчиришда иштирок этишининг шаклидир.

Кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмалари дружиналар ва (ёки) командалар тарзида ташкил этилади ҳамда тегишли маъмурий-худудий бирликнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизимига қиради.

Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш таъбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

33-модда. Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5-боб. Ёнғин назорати

34-модда. Давлат ёнғин назорати

Давлат ёнғин назорати ваколатли органлар, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир.

Давлат ёнғин назорати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг давлат ёнғин назорати органлари бўлган тегишли бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг объектларида, ўрмон хўжалиги ҳудудларида, кон қазилмалари ва шахта иншоотларида, портловчи материаллар ишлаб чиқарилаётганда, ташилаётганда, сақланаётганда, улардан фойдаланилаётганда ва улар утилизация қилинаётганда, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллардан фойдаланган ҳолда портлатиш ишларини олиб боровчи ташкилотларда, ҳаво, сув, темир йўл, автомобиль транспорти ҳамда электр транспортдан фойдаланилаётганда давлат ёнғин назоратини амалга ошириш тартиби Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ва тегишли ваколатли органлар ўртасидаги келишувлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан давлат ёнғин назорати Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва бошқа чет эл ваколатхоналари эгаллаб турган объектларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан давлат ёнғин назорати ушбу муассасалар расмий вакилининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали қилган ёзма мурожаати асосида давлат ёнғин назорати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ёнғин назорати органлари ва мансабдор шахсларининг рўйхати, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низом билан белгиланади.

35-модда. Идоравий ёнғин назорати

Идоравий ёнғин назорати идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати, шунингдек қонун ҳужжатларида ваколат берилган мансабдор шахслар томонидан идораларга қарашли ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир.

Идоравий ёнғин назорати ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идораларга қарашли ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги талаблари ёнғин келиб чиқишига ва одамларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган тарзда бузилганлиги аниқланган тақдирда, идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати алоҳида ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқариш участкасининг, агрегатнинг ишини, бинодан, иншоотдан, хонадан фойдаланишни, айрим турдаги ишларни бажаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

6-боб. Якунловчи қондалар

36-модда. Ёнғиндан сақлаш хизматининг молиявий ва моддий-техника таъминоти

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бошқарув органлари ҳамда бўлинмаларининг, бундан ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар мустасно, молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган бўлинмаларининг таъминоти мазкур ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти, шунингдек шахсий таркибнинг ижтимоий кафолатлари ва компенсацияларини молиявий таъминлаш уларнинг муассислари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

37-модда. Низоларни ҳал этиш

Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

38-модда. Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик



Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

39-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.



40-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши


Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 сентябрь,
ЎРҚ-226-сон

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1992 й.
2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент. “Шарқ”, 1998й.
3. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси. Тошкент, 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни. Тошкент, 1993 й.
5. Қудратов О.Қ. ва Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқаро муҳофазаси. Тошкент, „Янги аср авлоди“, 2005.
6. Охрана природы Справочник. Под ред. К.П.Митрошкина. М.: Агропромиздат, 1987.
7. Гоипов Х.Э. Меҳнат муҳофазаси. Тошкент, “Меҳнат”, 2000.
8. Луковников А.В. Меҳнат муҳофазаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984.
9. Йўлдошев У., Усмонов У., Қудратов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Тошкент, “Меҳнат”, 2001.
10. Йўлдошев У., Усмонов У., Мирабзалов М. Ёнгин хавфсизлиги асослари. Ўқув қўлланма, 1995.
11. Отахонов М. Қурилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси. Тошкент, “Меҳнат”, 1991.
12. Додобоев, Хамидов М. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат муҳофазаси. Тошкент, “Меҳнат”, 1990.
13. Пчелинцев В.А., Коптев Д.В., Орлов Г.Г. Охрана труда в строительстве. М.: 1991.
14. Инженерные решения по охране труда в строительстве. Справочник строителя. Под ред. Г.Г.Орлова. М.:1985.
15. Охрана труда в сельском хозяйстве. Справочник. Москва ВО “Агропромиздат”, 1988.
16. Охрана труда. Под ред. Ф.М.Канарева. М.: Агропромиздат, 1988.
17. Беляков Г.И. Охрана труда – М.: Агропромиздат, 1990.– 320 с.
18. Денисенко Г.Ф. Охрана труда . М.:Высшая школа. 1985.
19. Фурман И.В. Безопасность труда при эксплуатации гидромелиоративных систем. Справочник. М.: Колос, 1982.
20. Зайцев В.П., Свердлов М.С. Охрана труда. – 2 –е изд., перераб. И доп. –



Агропромиздат, 1989 . – 368 с.

21. Брушлинский Н.Н., Семиков В.Л. Концепция система безопасности народного хозяйства. М., Высшая школа, 1986.

22. Вахтин А.К. Меры безопасности при ликвидации последствий стихийных бедствий и производственных аварий. М., 1984.

23. Михно Е.П. Ликвидация последствий аварий и стихийных бедствий. М., 1979.

24. Акимов Н.И., Ильин В.Г. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектларида граждан мудофааси. Т., 1988.

25. Справочная книга по охрана труда в машиностроении. Под об.ред.О.Н. Русака – Л.:Машиностроение, 1989, -541 с.

26. Безопасность жизнедеятельности. Кратский конспект лекций для студент всех спец.Под ред . О.Н.Русака.Л.1991 –147 с.



27. Бобожонов Р.Д. „Ҳаёт-фаолият хавфсизлигининг назарий асослари”. Тошкент, 2005 й.

28. Ортиков Х.О. Региондаги агросаноат ва мелиорация корхоналарида фавкулудда вазиятлар хавфини камайтириш тадбирлари. Т., 1990.

29. Безопасность жизнедеятельности. /Под.ред. Э.А. Арустамова. 10-изд., перераб.и доп. –М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. - 476 с.

30. Пожарная опасность веществ и материалов. Справочник /Под. общ. ред. И.В. Рябова. Часть 1-2. –М.: Стройиздат, 1965-1970.

31. Минаев Г.А. и др. Охрана труда на топографо-геодезических работах. М.: „Недра”, 1979.





МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
1-лекция. Фанга кириш, унинг асосий вазифалари ва мақсади, таркибий қисмлари	5
2-лекция. ҲФХ фанининг асосий тушунча ва таърифлари	11
3-лекция. Таваккал назариясининг асосий қоидалари	16
4-лекция. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш принциплари, услуглари ва воситалари	23
5-лекция. Фаолият хавфсизлигини бошқаришнинг услубий асослари	29
6-лекция. Хавфсизликнинг тизимий (системали) таҳлили	31
7-лекция. Фаолиятни ташкил қилувчиларга ажратиш ва фаолият хавфсизлигини лойиҳалаш	38
8-лекция. Фаолият хавфсизлигининг эргономик асослари	41
9-лекция. Фаолият хавфсизлиги психологияси	48
10-лекция. Хавфсизликни таъминлашда инсон анализаторларининг роли	53
11-лекция. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг (Меҳнат муҳофазасининг) ҳуқуқий асослари	59
12-лекция. Меҳнат муҳофазасининг ташкилий асослари	64
13-лекция. Ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринларидаги микроклим кўрсаткичлари.....	71
14-лекция. Заҳарли ва зарарли моддаларнинг инсон организмга таъсири ва улардан ҳимояланиш тадбирлари	80
15-лекция. Иш жойларидаги ҳаво таркибидаги чанг ва унга қарши кураш	85
16-лекция. Ишлаб - чиқариш хоналарини ва иш ўринларини ёритиш	90
17-лекция. Ҳаво олмаштириш тизимларининг турлари ва уларни ҳисоблаш	95
18-лекция.Ишлаб чиқаришда шовқин ва унга қарши кураш усуллари	101
19-лекция. Ишлаб чиқаришда титраш унга қарши кураш усуллари	109
20- лекция. Ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги асослари	116
21- лекция. Замонавий технологияларда меҳнат муҳофазаси талаблари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги.....	119
22-лекция. Топография ва инженерлик -геодезия ишларида хавфсизлик техникаси.....	128
23-лекция. Механизациялашган мелиорация ишларини бажаришда техника хавфсизлиги талаблари	131
24- лекция. Гидромелиоратив тизимларда меҳнат хавфсизлиги	133
25-лекция. Транспорт ва юклаш-тушириш ишларида техника хавфсизлиги	138
26-лекция. Ишлаб чиқаришда электр хавфсизлиги.	142
27-лекция. Электромонтаж ишлари хавфсизлиги	160



лекция. Электр қурилмаларни таъмирлашда ва фойдаланишда хавфсизлик тадбирлари	164
29-лекция. Ишлаб чиқаришда ёнғин хавфсизлиги	169
30-лекция. Ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғиндан ҳимояланиш тизимлари	184
31 -лекция. Фавқулодий вазиятларда хавфсизликни ва ҳимояланишни таъминлашни умумий қоидалари.	195
32-лекция. Радиактив зарарланиш турлари ва ҳимояланиш усуллари. Дозиметрия асослари.....	197
33-лекция. Кучли таъсир қилувчи захарли моддалар ва жанговар захарли моддалар билан кимёвий зарарланиш, улардан ҳимояланиш усуллари ва воситалари.....	202
34-лекция. Фавқулодда ҳолатларда аҳолини ҳимоя қилиш усули ва принциплари.....	205
35-лекция. Фавқулодий вазиятларда объектларнинг барқарор ишлашини таъминлаш.....	209
36-лекция. Қутқарув ва шошилишч авария тиклаш ишларини ташқил қилиш ва ўтказиш (СНАВР)	212
Иловалар	218



ИБРАГИМОВ ЭРКИН ИСМАИЛОВИЧ
ГАЗИНАЗАРОВА СИДДИҚА МАСҚАРОВНА
БОБОЖОНОВ РАВШАН ДУРУМБОЕВИЧ

“ҲАЁТ - ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ”
фанидан

ЛЕКЦИЯЛАР КУРСИ

МУҲАРРИР: М. НУРТОВЕВА.

МУСАҲҲИҲ: Д. БОЙЗОҚОВА.

Босишга рухсат этилди „____” _____ 2008 й.
Қоғоз ўлчами 60х84 1/16. Ҳажми 11 босма табоқ. 50 нусха.
Буюртма № ____ ТИМИ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент-700000. Қори-Ниёзий кўчаси 39 уй.